

**Таъсисчи:**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**  
Ж. Э. Холов, Р. Р. Тумпаров

**Дизайнер ва саҳифаловчи**  
Д. Р. Джалилов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили:**  
100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.  
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>  
e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. Ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ноширлик марказида чоп этилди. Тошкент ш., Ингизор кўчаси, 68.

Босишга рухсат этилди 25.03.2016.

Буюртма № 79 ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2016.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНING АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2016 йил, 1-сон

МУНДАРИЖА

**Бош муҳаррир минбари**

**Трибуна главного редактора**

*Икрамов Ш.Т.*

Асосий мақсадимиз — она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қиладиган етук кадрлар тайёрлаш.....3

**Фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболлари**

**Перспективы развития гражданского общества**

*Қобилов Ш.Р.*

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури — фаровон ҳаёт кафолати.....8

**Қонун устуворлиги ва қонунчилик тарғиботи**

**Верховенство закона и пропаганда законодательства**

*Исмаилов И., Қаҳҳоров А.С.*

Ўзбекистон Республикаси янги Божхона кодексининг аҳамияти: янгиликлар ва истиқболлар.....12

*Тургунов И.*

Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари — инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили.....19

*Шерлиев М.А., Нуруллаев У.К.*

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичи.....24

*Қодиров У.А.*

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун — кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим ҳуқуқий асоси.....28

**Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари**

**Правовые гарантии частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства**

*Мухамедов Ў.Ҳ., Примов Ф.А.*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари.....31

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакторы номера**  
Ж. Э. Холов, Р. Р. Тумпаров

**Дизайн и верстка**  
Д. Р. Джалилов

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

**Адрес редакции:**  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>  
e-mail: [akadmvd@uzsci.net](mailto:akadmvd@uzsci.net).

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в Издательском центре Академии МВД Республики Узбекистан. г.Ташкент, ул. Интизор, 68.

Подписано в печать 25.03.2016.

Заказ № 79 ISSN 2181-4872

© Академия МВД  
Республики Узбекистан, 2016.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб муаммолар**

**Актуальные проблемы обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью**

*Жалолов Б.О., Миразов Д.М.*

Ички ишлар органлари тизимларида дастлабки терговни амалга ошириш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари....36

*Закиров Б.Э., Гордеев С.Н.*

Вопросы совершенствования розыскной работы оперативных подразделений органов внутренних дел.....40

*Мухторов Ж.С.*

Илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш.....46

*Назаров Ҳ.Т., Маматқулов Т.Б., Нурумбетова С.А.*

Воқеа жойини кўздан кечиришда микрообъектлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари.....53

*Каримова Д.Э.*

Уголовно-процессуальные аспекты взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел.....57

**Тадқиқот, таҳлил, мулоҳаза**

**Исследование, анализ, дискуссия**

*Абдурахмонов Х.О.*

Сайлов тизимида электорал ислоҳот ва унинг истиқболлари.....64

*Файбуллаев А.*

Бозор муносабатлари шароитида омонат сақлаш шартномаси тушунчаси ва аҳамияти.....69

*Абдулҳақов Я.А.*

Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг вазифалари....73

*Тўлаганова С.О.*

Халқчил, адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги қарашлар ва уларнинг ривожланиши.....76

*Норматов К., Эрназаров Р.У.*

Маънавий тарбия ва сиёсий маданият.....81

*Тожибоев М.Т., Калонов И.Х.*

Бузгунчи гоёлар – инсоният ва тараққиёт душмани.....85

*Юлдашев Ж.Х.*

Паспорт тизимини таъминлаш борасидаги ҳамкорликнинг назарий ва ташкилий асослари таҳлили.....89

**Конференция, семинарлар**

**Конференции, семинары**

Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш.....94

Президентимиз асарига бағишланди.....94

*«Бугунги кунда катта умид, орзу-мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак».* **Ислом Каримов**

Ш. Т. Икромов\*

## АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Мустақиллик ёшларимизга янгича фикрлаш, замонга янгича нигоҳ билан қараш, билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, изланиш имконини берди. Бинобарин, Ватанимизнинг эртанги куни, тақдирини ўз қўлига олишга қодир, маънан етук фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг устувор вазифалари қатори эътибор қаратилгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда таълим-тарбия иши нақадар муҳимлигини эътироф этиб, **«...аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор. Чунки, замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди... Фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур»<sup>1</sup>**, деган эди.

Бугун ҳар қайси инсон, авваламбор, ёшлар республикамизнинг тараққиёт сари

қўйган ҳар бир қадамини ўз орзу-ниятлари ушалиши учун туғилган яна бир имконият деб англаши лозим. Яъни Президентимиз таъбири билан айтганда, «биз демократик ривожланган, тараққий топган давлатлар қаторига кўтарилишни ўзимизнинг асосий мақсадимиз деб олдимизга қўяр эканмиз, бу йўлда жуда муҳим бир шартни ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз даркор. ...Демократия йўлига киришимиз аввало аҳолимизнинг онгу савиясини ўзгартиришни, тоталитар, зўравонлик тизимидан мерос бўлиб қолган қолдиқлар ва қолиплардан воз кечишимизни сўзда эмас, кундалик ҳаётимизда таъминлашни талаб қилади. Бу эса, албатта, бир кунлик осон иш эмас – бунга вақт керак, янги ҳаётни ўз юртида қурмоқчи бўлган ҳар қайси инсон шунга астойдил интилиши зарур. Аввало, бу мақсад унинг онгу тафаккурида мустаҳкам ўрин топиши даркор.

Бунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришимиз, унинг сифатини тубдан яхшилашимиз лозим»<sup>2</sup>.

Сир эмаски, мустақиллик йиллари миллий истиқлол гоёларини дилларига жон этган замонавий мутахассис-кадрлар

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-майор.

---

---

тайёрлаш сифати янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ҳам Ватанига, халқига фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қиладиган, ўз юртининг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида билими, иқтидори, куч-ғайрати, шижоатини сафарбар эта оладиган, юксак маънавиятли, фидойи ёшларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилляпти. Зеро, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишга қодир ёшлар таълим-тарбияси ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди. Бўлажак ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун нафақат касбий ва жисмоний тайёргарлик, балки маънавий-руҳий фазилатлар, иродавий хислатларга эга бўлиш ҳам муҳим. Чунки, ички ишлар органларида хизмат қилиш шунчаки ҳавас эмас, чексиз ғурур, юксак масъулият ҳамдир.

Шу маънода, таълим-тарбия самарадорлигини бундан-да ошириш талаби ҳар биримизнинг олдимизга қатор муҳим вазифаларни кўяди, десак асло муболаға бўлмайди. Чунончи: *биринчидан*, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунини мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг бош мақсадидан келиб чиқиб янада бойитиш; *иккинчидан*, таълим жараёнига янги дарсликлар, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали жорий этиш; *учинчидан*, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Айтиш жоизки, таълим-тарбия сифати ва ўқув машғулоти самарадорлигини ошириш мақсадида Академиянинг моддий-техника базаси тобора мустақамланиб бораётгани кўл келмоқда. Шинам ўқув бинолари, янги қурилган намунавий милиция таянч пункти, криминалистик полигон, терговчилар ўқув-методик хонаси, ёш ўқитувчиларнинг педагогик

маҳоратини ошириш мактаби, мульти-медиа ва информацион технологиялар лабораторияси шулар жумласидандир. Қолаверса, замонавий лабораториялар, спорт заллари ва майдончалари, янги очиқ сув ҳавзаси, компьютер, симуляция ва моделлаштириш синфлари, ахборот ресурс марказлари мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати, Академияда ўқув машғулоти инновацион технологиялар асосида ташкил этилиб, хорижий тилларни ўқитиш ва ўргатишга устуворлик берилмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, ўқув жараёни сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи таълимнинг барча йўналишлари бўйича янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Ўқув ва ишчи ўқув дастурлари яратилди ҳамда таълим жараёнига кенг татбиқ этилди. Ушбу дастурларда таълимнинг янги йўналишлари ўз аксини топди. Шу асосда профессор-ўқитувчилар томонидан янги авлод дарсликлари, маърузалар курслари, ўқув қўлланмалари, умуман олганда, пухта ишланган ўқув-методик комплекслар яратилмоқда. Буларнинг самараси ўлароқ, сўнги уч йил ичида таълим муассасасида 37 та дарслик, 34 та маърузалар курси, 175 та ўқув қўлланма, 21 та монография ва илмий рисола, 7 та илмий мақолалар тўплами, 11 та илмий конференция материаллари, 176 номдаги бошқа турдаги нашрлар чоп этилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида баён этилган устувор тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилатлари ва муомала маданиятини камол топтириш» ўқув қўлланмасининг чоп этилиб, таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ этилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу ҳам тингловчи-курсантлар,

---

---

қолаверса, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилаётган ходимларнинг маънавиятини юксалтириш, ўз Ватани ва миллати, халқининг бугуни, эртанги ёруғ кунига дахлдорлик ҳисси билан яшаш, турли мафкуравий таҳдидларга қарши доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртига, қасамёдига содиқлик, адолат, ҳалоллик, мардлик, жасорат каби инсоний фазилатлари ҳамда муомала маданиятини камол топтиради.

Кейинги йилларда Академия ўқув жараёнига нафақат профессор-ўқитувчилар, балки катта тажрибага эга амалиёт ходимларини жалб этиш йўлга қўйилди. Тингловчиларни профессионал кадрлар этиб тайёрлаш, уларда юксак касбий ва ахлоқий фазилатларни қарор топтириш мақсадида янги давлат таълим стандартлари асосида бир қатор ўқув марказлари ҳамда янги кафедралар ташкил этилди.

Маълумки, тингловчи-курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ўқув жараёнига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларини татбиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки, жамиятни ислоҳ этиш, демократлаштириш, давлат ва жамият ҳаётини демократик асосларда мустаҳкамлаш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришга асосан ҳуқуқий таълим-тарбияни юксак даражада ташкил этиш орқали эришилади. Кафедраларда тайёрланаётган ўқув-методик комплексларда тингловчи-курсантларнинг амалдаги қонунлардан хабардор бўлишларига ёрдам берувчи жиҳатлар, мамлакатимизнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари, ривожланаётган бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий хусусиятларини тушуниб етишга доир ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш мақсади кўзланган. Амалдаги қонун ҳужжатларини ўрганиш чоғида тингловчи ва курсантлар ҳаётда юз бераётган жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш кўникмаларига,

амалдаги қонунларни шарҳлаш қобилиятига эга бўлишлари зарурлигини инобатга олиб, уларнинг қонунларни ўқиб, чуқур тушунишлари ва ҳаётда қўллай олишлари, ностандарт вазиятларда мустақил равишда самарали фаолият кўрсата олишлари, ўз фаолияти натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан баҳолай билишлари кераклигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Академия илмий салоҳиятини юксалтиришда Катта илмий ходимларизланувчилар институтининг ўрни беқийс. Бугунги кунда институтда жами 30 нафар ходим илмий фаолият билан шуғулланмоқда. Биргина, 2015 ўқув йилининг ўзида институт томонидан 8 та монография, 150 дан ортиқ илмий мақола, шунингдек, «Ҳуқуқшунослик истиқболлари» тўплами ҳамда «Илмий тадқиқот: методика, методология ва ижодиёт» маърузалар курси нашрдан чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 7 апрелдаги «Республика талабалар фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли ҳамда ИИВ Академиясининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси иқтидорли тингловчиларининг илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 184-сонли буйруқлари талабларидан келиб чиқиб, иқтидорли тингловчиларни ўқитиш ва ўқишдан ташқари илмий ишларини кучайтириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва юксалтириш, баркамол, фидойи ёш кадрлар салоҳиятини шакллантириш, иқтидорли тингловчилар билан ишлаш борасидаги вазифаларнинг узлуксиз бажарилишини таъминлаш, кафедраларда иқтидорли тингловчилар билан олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш ва жадаллаштириш мақсадида тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш йўлга қўйилган. Хусусан, ҳозирги кунда 22 та кафедра қошида 27 та тўгарак ташкил этилган бўлиб, уларга катта илмий

---

салоҳият ва тажрибага эга профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилишмоқда. Булар ҳам ёшларимизнинг касбий билим ва кўникмаларини ошириш учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтмоқда, десак муболаға бўлмайди. Чунончи, Академия иқтидорли тингловчилари республикамизнинг бошқа олий таълим муассасаларида ўтказилган конференцияларда ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг 3-4 декабрь кунлари М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: фан, таълим ва ёшлар тарбияси» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманда иқтидорли тингловчилардан 20 нафари муносиб иштирок этиб, турли номинациялар бўйича 2 нафари 1-ўринни, 7 нафари 2-ўринни, 11 нафари эса 3-ўринни эгаллаб, сертификатларни қўлга киритдилар. Ташкилий қўмита қарорига мувофиқ ИИВ Академияси мазкур конференцияда 55 та олий таълим муассасалари ўртасида умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Шу билан бирга, Академия кундузги таълим тингловчиларидан 7 нафари талабалар республика фан олимпиадасининг иккинчи босқичида фахрли ўринларни эгаллади.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ИИВ Академиясининг муҳим тузилмаларидан бири ички ишлар органлари офицерларининг малакасини ошириш факультети ҳисобланади. Мазкур факультет фаолиятининг асосий мақсади ИИОлари офицерларининг касбий билимларини чуқурлаштириш, жанговар ва жисмоний тайёргарликларини ошириш, улардаги маънавий-ахлоқий фазилатларни янада ривожлантиришга қаратилган. Факультетда тингловчиларнинг касбий маҳорати ва билимини, фавқулодда вазиятларда қонуний қарорлар қабул

қилиш кўникмаларини оширишга, айниқса ходимларнинг муомала маданиятини юксалтиришга эътибор қаратилади.

Жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустақамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ички ишлар органлари учун юксак маънавийли, қонун устуворлиги асосида яшайдиган, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик билан хизмат қиладиган, юксак муомала маданиятига эга, малакали раҳбар кадрларни тайёрлаш ИИВ Академияси Олий академик курсларининг асосий вазифаси саналади. Бинобарин, мазкур масканни муваффақиятли тамомлаб, юқори касб маҳорати ва замонавий бошқарув асосларини пухта эгаллаган раҳбар-кадрлар бугун мамлакатимиз ички ишлар тизимининг турли соҳавий хизматларида самарали фаолият юритмоқда.

Бугунги мураккаб, шиддат билан ўзгариб бораётган давр соҳа ходимлари олдида бир қатор талабларни қўймоқда. Олий академик курсларда ўқув жараёни ҳам ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари асосида ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, бўлажак раҳбар-ходимларнинг нафақат касбий билим ва маҳоратини ошириш, балки маънавий-сиёсий дунёқарашини янада юксалтиришга ҳам устувор аҳамият берилади. Яна бир эътиборли жиҳати, 2015–2016 ўқув йилидан бошлаб Олий академик курслар тингловчилари учун ўқитишнинг замонавий модуль тизими жорий қилинди. Бунинг натижасида, таълим жараёни янги сифат босқичига ўтди.

Академияда Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асарларини ўрганишга катта эътибор қаратилади. Зеро,

---

---

ёшларни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, жасорат, зийраклик ва билимдонлик фазилатларини камол топтириш муҳим вазифа. Бу ҳам турли мафкуравий хуружлардан асраш учун ёшларни илм олишга, касб-ҳунар эгаллашга, соғлом турмуш тарзи кечиришга ҳаракат қилишлари, улар бунёдкорлик ишларига нафақат қизиқишлари, балки ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш ва унга эришиш йўлида Ватан ривожига ҳисса қўшишга ундайди. Шу боис ҳам, Академиямизда маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар кўлами кенгайиб бормоқда. Тингловчи ва курсантларнинг маънавий дунёқарашини янада юксалтириш мақсадида музейларга саёҳат, адабиёт, санъат арбоблари, олимлар билан учрашувлар, интеллектуал ўйинлар — викториналар, «Буюк келажагимизнинг садоқатли қизлари», «Буюк келажагимиз

посбонлари» каби кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларимиз эгаллаётган касбларининг масъулиятини, бурчларини тўла англайдилар ва олаётган билимлари Ватан ҳимояси ва ривожига муҳим аҳамият касб этишини дилдан ҳис этадилар. Бу эса, албатта, уларда келажаги буюк Ўзбекистонга фарзандлик меҳри билан хизмат қилиш туйғусини шакллантиради.

Зеро, Президентимиз айтганларидек, **«ҳақиқатан ҳам, биз ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз»<sup>3</sup>.**

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи. — 2016. — 1 янв.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — Т., 2015. — Б. 27–28.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т., 2015. — Б. 247.

Ш.Р. Қобилов\*

## «СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ – ФАРОВОН ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2016 йилнинг «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан халқимизнинг турмуш даражаси сифатини юксалтириш, фаровонлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш ишларини амалга оширишга ресурслар ва имкониятларни сафарбар қилиш, бу масалага давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Ушбу эзгу мақсадлар «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Шу маънода ҳам, дастурнинг мазмун-моҳиятини теран англаш, унда белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, бу мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда модернизация жараёнларини қатъий давом эттириш учун мустаҳкам пойдевор, жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишни изчил давом эттириш кафолати, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида эришаётган ютуқларимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Кишилиқ жамияти пайдо бўлганидан буён, минг йиллар давомида ҳар қандай мамлакатнинг, **ҳар қандай миллатнинг, ота-она бўлиш бахти насиб этган ҳар қандай инсоннинг энг мўтабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол**

**авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат бўлиб келган**<sup>1</sup>. Яна бир карра таъкидлаб айтаман, дунё бор экан, одамзод яшар экан, қандай тизим, қандай давлат бўлишидан қатъи назар, ҳар бир миллат шунга интилади. Инсон оила қургандан кейин Аллоҳ таолодан фарзанд сўрайди ва мана шу болам соғ-омон ўссин, ҳар томонлама баркамол, етук инсон бўлсин, деб орзу-ҳавас қилади, керак бўлса, бутун ҳаётини зурриётига бағишлайди<sup>2</sup>.

Аввало, таъкидлаш жоизки, Давлат дастурининг асосий мақсади ҳам — соғлом авлодни ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш, бунинг учун мавжуд бўлган барча имконият ва салоҳиятимизни сафарбар қилишдан иборатдир. Зеро, жамият мустаҳкам ва соғлом оилалардан таркиб топгандагина кучли бўлади. Жорий йилда оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини, ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида аёллар бандлигини таъминлаш ва фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ҳамда уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича бажарилаётган ишлар янада ривожлантирилади. Хусусан, Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида «Ёш оилалар учун турар жой» дастурини, имтиёзли кредитлар тақдим этиш орқали айниқса қишлоқ жойларида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиялаш

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент.



бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ экани бугун барчамизга

маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади. Табиийки,

**«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури 11 бўлим ва 88 банддан иборат бўлиб, ундан қуйидаги устувор вазифалар ўрин олган:**

- оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва равнақ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

- оиле ва чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, айниқса аёллар учун ижтимоий, маиший ва тиббий нуқтаи назардан зарур шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис даражасини юксалтириш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

- тиббиёт муассасаларининг, жумладан перинатал ва скрининг марказларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини ошириш, патронаж тиббиёт ҳамшираларининг сонини кўпайтиришни таъминлаш, акушер-гинекологлар ва болалар шифокорлари малакасини ошириш;

- никоҳга қираётган шахсларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини кучайтириш, шу асосда туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш ҳамда ушбу мақсадларда поликлиникаларни замонавий таъхис ускуналари билан жиҳозлаш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, мустаҳкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишининг муҳимлигини аҳоли кенг қатламлари онгига синдиришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бориш;

- аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомилдор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психофизиологик аҳволини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш, уларнинг овқатланиш рационали сифати ва калорияси яхшиланишини таъминлаш;

- ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшларни, айниқса қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, янги спорт объектларини қуриш, ишлаб турганларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш;

- мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим шартли сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эр-хотин ўртасида, ота-оналар билан фарзандлар, қайнона-келин ўртасида, қўни-қўшнилар ўртасида меҳр-оқибат руҳини шакллантириш;

- қиз болаларни — бўлажак оналарни — жисмонан соғлом ва интеллектуал ривожланган тарзда вояга етказиш, уларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида албатта таълим олишини, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларга эга бўлишларини таъминлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашларида, келажакда соғлом ва мустаҳкам оила қуришларида асосий шарт ҳисобланган ҳаётга бўлган мустаҳкам нуқтаи назарни ва мустақил фикрлашни шакллантириш;

- соғлом болани вояга етказишда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илгор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини амалга ошириш;

- касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, аввало қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш чора-тадбирларини таъминлаш;

- дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар бирлашмалари, фахрийлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу ишларга жамиятда ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кекса авлод вакиллари кенг жалб этиш;

- оммавий ахборот воситалари, шу жумладан электрон ахборот воситаларининг ва Интернет тармоғининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамда Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш.

маълум. Яъни Президентимиз таъбири билан айтганда, «биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия

соғлом боланинг туғилиши биринчи навбатда онанинг соғлиғига боғлиқ. Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр

---

---

кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор»<sup>3</sup>.

Шундан келиб чиқиб, 2016 йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришга оид ишларни давом эттириш кўзда тутилган. Дастурдан келиб чиқиб аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, хасталикларнинг олдини олишни кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор технология ва усулларини жорий этиш, пировард натижада, фуқаролар, айниқса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида, сифатли овқатланиши, улар учун махсус поливитами́нлар, зарур микроэлементлар билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўриқдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирлар кўлами янада кенгайди.

Қолаверса, янги ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини қуриш, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фермерлик ва касаначиликни кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиши учун кредитлар ажратиш бўйича комплекс чора-тадбирларга алоҳида урғу берилади.

Дастурда маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёш

ҳамда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, маҳаллалар ва турар жой массивларининг ташқи қиёфасини яхшилаш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштиришга оид муҳим комплекс чора-тадбирларни бажариш режалаштирилган. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни аниқ манзилли асосда ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар истиқболда ҳам изчиллик билан амалга оширилади.

Соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари «...бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегишли поликлиникаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масаласига энг муҳим вазифа сифатида қарашимиз зарур»<sup>4</sup>, деган эди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда бўлгуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад соғлом оила қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин афсуски, инсоннинг ҳаёти, туғилажак фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан масъулиятсизлик билан қараш, сохта ва юзаки хулосалар чиқариш, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар учраб туриши барчамизни ташвишга солади. Айни шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бениқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш масаласи кечиктириб бўлмас вазифамиз бўлмоғи даркор.

Дастурда соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш масалалари ҳам инобатга олинган. Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу

---

---

масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди. Дастурда бунга алоҳида урғу берилгани ҳам фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш давлатимиз эътибор марказида, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши эканлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида бир рақамни келтириб ўтсак: «Соғлом она ва бола йили» Давлат

дастури доирасида амалга ошириладиган тадбирларга 7483,3 млрд сўм ва эквивалентда 194 млн АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Шунинг ўзиёқ, халқимизнинг асрий анъаналарини ўзида мужассам этган «**Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади**» ҳаётбахш гоёси жорий йил ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориб, ана шу улғу ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши»<sup>5</sup>дан далолат беради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 425.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>3</sup> *Каримов И. А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б. 274–292.

<sup>4</sup> *Каримов И. А.* Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т., 2015. – Б. 35.

<sup>5</sup> Ўша манба. – Б. 38.

**Қобилов Ш.Р. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури – фаровон ҳаёт кафолати.**

**Таянч иборалар:** соғлом она, соғлом авлод, баркамол авлод, давлат дастури, аҳоли саломатлиги, ижтимоий инфратузилма тармоқлари, тиббий маданият, соғлом жамият.

Мақолада «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури, унинг мазмун-моҳияти, долзарб аҳамияти, шунингдек, мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, кучли бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида жорий йил амалга оширадиган устувор вазифалар ҳақида сўз боради.

**Қобилов Ш.Р. Государственная программа «Год здоровой матери и ребенка» – гарантия благополучной жизни.**

**Ключевые слова:** здоровая мать, здоровое поколение, гармонично развитое поколение, Государственная программа, здоровье населения, отрасли социальной инфраструктуры, медицинская культура, здоровое общество.

В статье рассматриваются значение Государственной программы «Год здоровой матери и ребенка», ее сущность и содержание, ход широкомасштабных реформ и приоритетные задачи по формированию правового демократического государства, основанного на рыночных отношениях.

**Kabilov Sh. R. The state program «Year of healthy mother and child» is a guarantee of successful life.**

**Keywords:** healthy mother, healthy generation, harmoniously developed generation, State program, health of population, branches of social infrastructure, medical culture, healthy society.

The article deals with the significance of the State program «Year of healthy mother and child», its essence and contents, the course of large-scale reforms and priority tasks of formation of a constitutional democratic state bases on market relations.

*И. Исмаилов\**  
*А.С. Қаҳҳоров\*\**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ БОЖХОНА КОДЕКСИНИНГ АҲАМИЯТИ: ЯНГИЛИКЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455 сонли фармонида ишбилармонлик муҳити ва тадбиркорликни юритиш шарт-шароитлари эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумқабул қилинган халқаро норма ва стандартларга ҳали тўлиқ даражада мос келмаслиги, тадбиркорлик фаолиятини ортиқча регламентлар билан чеклаб қўйиш ҳоллари ҳали ҳам бартараф этилмагани, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида катта, серхаражат, ноошкора маъмурий процедуралар ҳамон амал қилиб келаётганлиги, бюрократик тўсиқ ва ғовларга ҳали тўлиқ барҳам берилмаганлиги қайд этилиб, бу соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифалари белгиланган эди.

Бу ўринда гап иқтисодиётда сифат жиҳатдан туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, чет эллик шериклар албатта акциядорлари бўладиган янги корпоратив ташкилотлар шакллантириш, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат улушини қисқартириш, шунинг-

дек, хорижий инвестицияларни янада кенг жалб қилиш ва бунинг учун барча зарур шароит ва преференцияларни яратиш ҳақида бормоқда<sup>1</sup>.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенгроқ эркинликлаштириш халқаро стандартларга мос бўлган ягона божхона қонунчилиги тизимини шакллантириш, ушбу соҳа бошқарувининг барча даражаларида ҳуқуқий нормаларнинг бир хилда қўлланилишини ва ташқи савдо операцияларининг божхона органлари томонидан тартибга солинишида шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 апрелдаги фармойишига мувофиқ ишчи ва эксперт гуруҳлари ташкил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг янги Божхона кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунида Божхона кодексининг янги таҳрири ушбу муддатдан уч ой ўтгач амалиётга жорий этилиши белгилаб қўйилди. Ушбу кодекснинг ишлаб чиқилишини жамиятда, айниқса иқтисодиёт ва суд-ҳуқуқ тизимида демократлаштириш, либераллаштириш ва давлат органлари фаолиятининг

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

\*\* Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институти катта ўқитувчиси.

---

---

очиқлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларни янги босқичга кўтариш билан боғлиқ бир қатор омиллар тақозо этди:

**биринчидан**, амалдаги Божхона кодекси қабул қилинганидан сўнг Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги каби божхона иши билан узвий боғлиқ бўлган қонунлари қабул қилиниши муносабати билан ҳуқуқ тизимида жиддий ўзгаришлар юз берганлиги;

**иккинчидан**, амалдаги Божхона кодекси қабул қилинган даврда мамлакатимиз бозор муносабатларига асосланган иқтисодга ўтиш даврини бошидан кечираётганлиги сабабли ушбу кодекс ўзида божхона ишининг ўтиш даврига хос бўлган ҳолатини акс эттирган эди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган янги иқтисод шакллари ва самарали фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганлиги;

**учинчидан**, Жаҳон Божхона Ташкилотига ҳозирда 180 та давлат аъзо бўлиб, ушбу давлатлар божхона хизматлари ташқи савдо операцияларига тааллуқли бўлган 99 фоиз товарлар ушбу хизматлар назорати остига олинган ва мамлакатимиз божхона хизмати ҳам улар сирасига киради. Ушбу нуфузли

ҳалқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган ва бугунги кунда 114 давлат аъзо бўлган Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция (кейинги ўринларда — Киото) эса ташқи савдо операцияларини ривожлантириш, ушбу операцияларни божхона томонидан тартибга солиш ва божхона қонунчилигини уйғунлаштиришда барча давлатлар учун асосий йўналиш вазифасини ўташи;

**тўртинчидан**, ташқи савдо операцияларини тартибга солишда, улар самарадорлигини оширишда божхона органлари ва процедуралари муҳим аҳамиятга эга. Айнан шунинг учун ҳам «Бизнесни юритиш» (Doing Business) рейтинги бўйича «Халқаро савдо» кўрсаткичини ҳисоблашда Жаҳон банки божхона процедураларига алоҳида эътибор қаратаётганлиги; бу, ўз навбатида, божхона процедураларини соддалаштириш ва енгиллаштиришни, ташқи савдони божхона томонидан самарали тартибга солишда давлат манфаатлари билан ташқи савдо қатнашчиларининг манфаатлари ўртасида адолатли мувозанат ўрнатишни, божхона ишида замонавий ахборот технологияларини кенг қўллашни, ташқи савдо операциялари иштирокчиларига янада қулайроқ ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни тақозо этаётганлиги.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Божхона кодекси 11 та бўлим, 19 та боб ва 165 та моддadan иборат бўлса, янги Божхона кодекси 12 бўлим, 59 боб ва 412 та моддани ўз ичига олади.

Бундан ташқари, 35 та моддadan иборат «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам тўлалигича янги Божхона кодексига киритилди. Янги Божхона кодексига киритилган нормаларни шартли равишда учта гуруҳга ажратиш мумкин:

- қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган, божхона органлари ҳам, ташқи савдо операциялари қатнашчилари ҳам амал қилиб келаётган ва янги Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан қонун

---

---

даражасига кўтарилган нормалар;

- умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш асосида киритилган нормалар;

- амалдаги Божхона кодекси қоидаларини амалиётда қўллаш тажрибаларига асосланган ҳолда такомиллаштирилган нормалар.

Маълумки, юридик атамаларнинг амалиётда тўғри қўлланилиши қонуннинг барқарор ва юқори сифатга эга бўлишининг асоси ҳисобланади ҳамда божхона ишига оид халқаро шартномаларни тузиш ҳамда имзолашда муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги Божхона кодексида божхона ишига оид 17 та атама берилган бўлса, янги Божхона кодексида бу 31 тани ташкил этиб, уларнинг аксарияти ушбу кодекснинг тегишли бобларида кўрсатилган. Янги Божхона кодексида илк бор ўз аксини топган «ваколатли шахс», «божхона мақсадлари», «енгиб бўлмас куч таъсири», «божхона операцияси», «божхона тартиб-таомили», «хавф», «хавф профили» каби янги атамалар билан изоҳланади.

Янги кодексда ташқи савдо операцияларини тартибга солишда божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан турли субъектив ёндашувларга йўл қўймасликни назарда тутувчи нормалар жорий этилди (18, 21, 134, 138, 212, 229, 141, 230, 237 ва ҳ.к. моддалар). Унда тўғридан-тўғри татбиқ этиладиган нормалар устунлигини таъминлаш ҳисобига ҳавола қилувчи нормалар имкон қадар камайтирилиб, божхона операцияларини Киото конвенцияси қоидалари асосида босқичма-босқич, шаффоф тарзда амалга ошириш назарда тутилган. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш жараёнида ушбу кодекс тартибларига мувофиқ амалга ошириладиган божхона операциялари ташқи савдо йўлидаги маълум бир тўсиқ сифатида эмас, балки давлат ва ташқи савдо операциялари иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи

восита сифатида намоён бўлади.

Кодексдаги муҳим янгиликлардан яна бири – ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда божхона ишига мутлақ янгича ёндашилиб, унинг ҳуқуқий асослари тубдан янги-ланганидир. Дарҳақиқат, илғор халқаро тажрибалар, шу жумладан, Киото конвенциясининг Махсус иловаси талабларига асосан жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялаш мақсадида божхона ҳудудига кириш ёки ушбу ҳудуддан чиқиш жойларида икки ёқлама йўлак тизими қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган (162-модда). Ушбу тизимнинг қўлланилиши божхона операцияларини бажариш учун нотижорат мақсадлардаги товарларни декларациялаш шакли сифатида «яшил» ёки «қизил» йўлакнинг божхона чегараси орқали ўтаётган жисмоний шахс томонидан мустақил равишда танланади.

«Яшил» йўлак кириш ва чиқиш жойларида махсус белгиланган, жисмоний шахсларнинг нотижорат мақсадлардаги қўл юки ва кузатиб борилаётган багажидаги товарлар билан божхона чегарасидан ўтиши учун мўлжалланган жойдир. Мазкур товарлар оғзаки тарзда декларацияланади, бундан олиб кирилиши ёки олиб чиқилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ тақиқланган ёхуд чекланган товарлар, шунингдек қиймати ёки миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган божсиз олиб кириш меъёридан ва акцизсиз олиб кириш меъёридан ошиб кетган товарлар мустасно.

Жисмоний шахснинг «яшил» йўлак орқали ўтишига божхона мақсадлари учун ушбу шахсда ёзма равишда декларацияланиши лозим бўлган товарлар йўқлигини божхона органига маълум қилиши деб қаралади. Декларациялашнинг бундай шакли мутахассислар орасида конклюдент шаклдаги декларациялаш дея эътироф этилади.

«Қизил» йўлак кириш ва чиқиш жойларида махсус белгиланган, жисмоний шахсларнинг ёзма шаклда декларациялани-

---

---

ши лозим бўлган қўл юки ва кузатиб борилаётган багажидаги товарлар билан, шунингдек декларацияланиши жисмоний шахсининг ихтиёрига кўра амалга ошириладиган товарлар билан божхона чегарасидан ўтиши учун мўлжалланган жойдир. «Яшил» йўлакда божхона назоратининг айрим шаклларининг қўлланилмаслиги жисмоний шахслар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишдан озод этилганликларини англатмайди.

Икки ёқлама йўлак тизими қўлланилишининг талаблари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, икки ёқлама йўлак тизимини жорий этиш қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Ушбу тизимни жорий этиш мамлакатнинг ташқи савдо қўлами ошиб бораётган бир вақтда божхона органларининг чекланган ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини яратиш билан бирга, мамлакатимизнинг сайёҳлик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш ва пировард натижада, мамлакат хазинасига валюта тушумлари тушиши кўпайиши йўлида зарур омиллардан бири вазифасини ўтайди.

Яна бир муҳим янгилик – бу кодексда божхона назоратини ташкил этишнинг Киото конвенциясига мувофиқ баён қилинган янги фалсафасидир (27–33-боблар). «Божхона назорати» тушунчаси Киото конвенцияси Бош иловасининг 2-бобида баён қилинган бўлиб, унга асосан божхона назорати – божхона қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан қўлланиладиган чораларни англатади. Ушбу изоҳнинг айнан ўхшаши янги Божхона кодексининг 21-моддасида келтирилган.

Киото конвенцияси фалсафасига мувофиқ, божхона қонунчилиги лозим даражада қўлланилишини таъминлаш усули бўлган божхона назорати халқаро савдони амалга

ошириш шароитларини максимал даражада энгиллаштирган ҳолда ўтказилиши керак. Шунинг учун ҳам, божхона назорати асосий мақсадга эришиш учун етарли бўлган минимум билан чекланиши, танлаб олиш принципига ва максимал даражада хавфни бошқариш усулларини қўллашга асосланган бўлмоғи лозим. Божхона назоратининг бундай фалсафаси божхона органларига тақдим этилаётган барча маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш ва барча нарсаларни текшириш мумкин эмаслигига асосланган. Бу, ўз навбатида, божхона органларининг чекланган ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Шу сабабли, божхона органлари асосий эътиборни божхона тўловлари ставкалари юқори бўлган товарларга, рўй бериш эҳтимоли катта бўлган қоидабузарликларга, давлат ва миллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган хавфларга қаратишлари лозим.

Иккинчи томондан эса, қонун бузилиши хавфи бўлмаган ёки бундай хавфлар минимал бўлганда ташқи савдо операциялари қатнашчиларига божхона назорати ва расмийлаштирувнинг соддалаштирилган тартиби таклиф этилиши, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг асоссиз ортиб кетишига (транспорт воситаларининг тўхтаб қолиши, товарларни ташиш ва товарларнинг божхона омборларида ортиқча туриб қолиши билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.) йўл қўйилмаслиги лозим.

Божхона назоратини амалга оширишнинг Киото конвенциясига асосланган бундай фалсафаси Ўзбекистон Республикаси янги Божхона кодексининг 29-бобида ўз аксини топган бўлиб, ушбу боб тўлалигича хавфни бошқариш тизимига бағишланган. Киото конвенциясига асосан халқаро савдони соддалаштириш ва унинг хавфсизлигини таъминлашда божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу конвенцияга асосан

---

---

бундай содалаштириш ва уйғунлаштиришга эришишнинг асосий принципларидан бири — бу манфаатдор томонларга божхона қонунчилигига, амалиётига ва процедураларига оид барча зарур маълумотларни тақдим этишдир. Шунинг учун ҳам конвенция Бош иловасининг 9-бобида божхона органлари ихтиёрий манфаатдор шахсларга божхона қонунчилигига оид барча зарур маълумотларни олиш имкониятини яратишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу умумэътироф этилган халқаро нормалар Ўзбекистон Республикаси янги Божхона кодексининг 55-бобида назарда тутилган бўлиб, унда белгиланган нормаларга асосан божхона органлари ўз расмий веб-сайтларида ва интернет тармоғида жойлаштирилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига доир ахборотдан шахсларнинг бемалол фойдаланишларини таъминлашлари, манфаатдор шахсларга божхона иши ва божхона органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалалар юзасидан маслаҳатлар беришлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Келгусида мамлакатимизнинг Жаҳон Савдо Ташкилотига муваффақиятли аъзо бўлишини таъминлаш учун муҳим ҳуқуқий асос яратиш, божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг халқаро андозалар даражасида ҳимоя қилинишини таъминлаш, мамлакат ҳудудига контрафакт товарлар олиб кирилишининг олдини олиш мақсадида янги кодекснинг 56-бобида божхона органлари зиммасига ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид чоралар кўриш вазифаси юкланди. Кодекснинг ушбу бобида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда божхона органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган.

Янги кодексда (54-боб) божхона ишида

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг қонуний асослари баён қилинди. Эндиликда божхона иши, қоида тариқасида, ахборот-коммуникация технологиялари асосида амалга оширилиши, манфаатдор шахслар эса божхона органларининг ахборот тизимларидан бемалол фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, божхона ишида фойдаланиладиган ахборот ресурсларининг манбалари, уларнинг очиқлиги ва улардан барча шахслар эркин (қонун ҳужжатларига мувофиқ чекланган ҳоллар бундан мустасно) фойдаланишлари мумкинлиги назарда тутилди.

Маълумки, божхона режимларининг тўғри қўлланилиши натижасида ташқи савдо операцияларининг божхона томонидан самарали тартибга солиниши таъминланиб, давлат манфаатлари билан ташқи савдо қатнашчиларининг манфаатлари ўртасида адолатли мувозанат ўрнатилишига эришилади. Шунинг учун ҳам, кодексда товарлар ва транспорт воситаларини муайян божхона режимига жойлаштиришнинг аниқ тартиби назарда тутилиб, божхона режимларини қўллашга оид амалиётда мавжуд бўлган қатор муаммолар ўзининг қонуний ечимини топган. Жумладан, амалдаги Божхона кодексининг 22-моддасида баён қилинган вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) режими товарларнинг йўналтирилганлиги ва божхона чегараси орқали олиб ўтилишининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иккита мустақил — вақтинча олиб кириш ва вақтинча олиб чиқиш режимларига ажратилиб, товарларни ушбу режимларга жойлаштириш шартлари алоҳида-алоҳида баён қилинди.

Бундан ташқари, амалдаги кодекснинг 16-моддасида эркин омбор ва эркин божхона зонаси режимлари алоҳида божхона режимлари сифатида кўрсатилган бўлса-да, 27-моддага асосан мазкур режимларнинг изоҳи ва товарларни уларга жойлаштириш



---

---

шартлари бир хилда баён қилинган, яъни бир томондан эркин омбор ва эркин божхона зонаси бир-биридан мутлақ фарқли бўлган иккита божхона режимидан иборат бўлса, иккинчи томондан эса улар ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ эди. Шу боис, янги кодексда эркин омбор ва эркин божхона зонаси режимлари бир-биридан фарқ қилган иккита мустақил режимга ажратилди.

Амалдаги Божхона кодексининг 108-моддасига кўра, божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланиши белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу норма ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг реал шарт-шароитларини ҳисобга олган эмас эди.

Шу муносабат билан, амалиётдан келиб чиққан ҳолда янги кодексда божхона тўловларини тўлаш муддатлари, тартиби ва шакли аниқ баён қилинди. Унинг 327-моддасига асосан божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда тўланиши белгиланиб, бундан қувур транспортда ёки электр узатиш линиялари орқали олиб ўтиладиган товарлар, шартли чиқариб юборилган товарлар, божхона чегараси орқали ноқонуний равишда олиб ўтиладиган товарлар, вақтинча олиб кирилган товарлар ҳамда божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилган ҳоллар мустасно қилинди. Ушбу ҳолларда божхона тўловларини тўлаш муддатлари алоҳида қилиб белгиланди.

Шунингдек, божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари, ушбу имкониятни олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар, имкониятни беришни рад этиш асослари, имконият берилганлиги учун фоизлар, кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган суммаларни тўлаш муддатлари, ортиқча ундирилган божхона тўловларини манфаатдор шахсларга

қайтариш тартиби батафсил ёритилган.

Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ишларини халқаро андозалар даражасида такомиллаштириш, бунда инсон омилини камайтириш мақсадида товарларни электрон декларациялаш механизмларини қўллаш қонун даражасида белгилаб қўйилди ҳамда божхона органлари томонидан бериладиган рухсат бериш процедуралари максимал даражада қисқартирилиб, соддалаштирилди.

Жумладан, амалдаги божхона қонунчилигига мувофиқ товарларни реэкспорт режимига жойлаштириш учун рухсат беришга 4 та, реимпорт режимига жойлаштиришга рухсат бериш учун эса 5 та ҳужжат талаб қилинган бўлса, янги кодексда ушбу ҳужжатлар сони биттага қисқартилди. Шунингдек, божхона омбори, эркин омбор фаолиятини ҳамда бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш учун талаб этиладиган ҳужжатлар ҳам сезиларли камайди.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни реэкспорт, вақтинча олиб чиқиш, реимпорт, вақтинча олиб кириш, давлат фойдасига воз кечиш, божхона ҳудудидан ташқарида (ҳудудида) қайта ишлаш ва йўқ қилиш божхона режимларига жойлаштиришга рухсатнома олиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни ваколатли шахс божхона органига интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали «бир дарча» принципи бўйича тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси янги Божхона кодексининг қабул қилиниши ва унинг амалиётга жорий этилиши ташқи савдо операцияларини божхона томонидан самарали тартибга солиш билан бирга, миллий божхона қонунчилигини умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари даражасида такомиллаштириш йўлида қўйилган яна бир қадам вазифасини ўтайди.

---

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қўтаришдан иборат // *Халқ сўзи.* — 2015. — 6 дек.

**Исмаилов И., Қаҳҳоров А.С. Ўзбекистон Республикаси янги божхона кодексининг аҳамияти: янгиликлар ва истиқболлар**

**Таянч иборалар:** янги Божхона кодекси, Киото конвенцияси, божхона органлари, божхона режими, ташқи савдо операциялари.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги Божхона кодекси ва унда назарда тутилган янги қоидалар таҳлил қилинган.

**Исмаилов И., Каххаров А.С. Значение нового Таможенного кодекса Республики Узбекистан: новшества и перспективы.**

**Ключевые слова:** новый Таможенный кодекс, Киотская конвенция, таможенные органы, таможенные режимы, внешнеторговые операции.

В статье анализируются новый Таможенный кодекс Республики Узбекистан, нововведения, предусмотренные в нем.

**Ismailov I., Kakhkharov A.S. Significance of the new Customs Code of the Republic of Uzbekistan: innovations and prospects.**

**Keywords:** new Customs Code, Kyoto convention, customs authorities, customs regulations, foreign trade operations.

The article deals with the new Customs Code of the Republic of Uzbekistan and innovations in it.

---

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Инсон ҳуқуқларини изчил муҳофаза этишнинг самарали механизмлари ва кафолатларини вужудга келтирмай туриб, мамлакатда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиб бўлмайди. Жамиятни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг долзарб мавзулардан бири – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил эркинлаштириш ва инсонпарварлаштиришдан иборатдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам жадал суръатлар билан кечмоқда. Суд-ҳуқуқ ислоҳоти ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти умумий шаклланиш жараёнининг ажралмас, зарурий таркибий қисмидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу борада қуйидаги фикрларни билдириб ўтган эди: «Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди»<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда 2001 йил январидан бошлаб судлар ихтисослаштирилди: фуқаролик ва жиноят ишлари

бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Мазкур суд тизими янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топди. Қонунга киритилган янгиликлардан яна бири шундаки, Адлия вазирлиги ҳузурида суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Ўтган йиллар мобайнида суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш институтининг жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда муҳим омилга айланди. Бугун фуқароларимиз биринчи инстанция суди қароридан норози бўлган тақдирда, ҳуқуқ ва манфаатини апелляция ҳамда кассация инстанциясида ўз адвокати иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш ва суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг кафолатига айланди. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2014 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 89 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф қилинган.

Маълумки, ҳар қандай бузилган ҳуқуқ ва эркинликлар борасида ҳеч бир монеликсиз судга мурожаат этиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топган. Халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда суд-ҳуқуқ

\* Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи.

---

ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини, хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноятлар таснифини ўзгартириш, ярашув институтини жорий этиш, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш таъминлиги киритишга доир қонунчилик ҳужжатлари яратилиб, тизимли такомиллашиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун билан юқорида санаб ўтилган кодексларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ушбу кодексларнинг ҳуқуқий демократик давлат принципларига мувофиқ бўлишига, жиноят ишларини судда кўришнинг асослари ҳамда асосий принципларини тубдан ўзгартиришга қаратилди. Унга кўра, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифаси 18,7 фоиздан 42,8 фоизга етказилди: яъни 12 турдаги жиноятлар оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, 7 турдаги жиноятлар эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди<sup>2</sup>.

Биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш амалиётига «ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш» институти киритилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ярашув институти қирққа яқин хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам

ўз ифодасини топган. Бироқ дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятида инсонпарварлик тамойилларига батамом мос келадиган ярашув институти миллий қонунчилигимизга фақат хорижий тажриба асосида кириб келган эмас, балки юқорида таъкидланганидек, халқимизга хос бўлган кечиримлилик, инсонпарварлик, бағрикенглик каби хислатлар азалий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Жиноят кодексининг ярашувни қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги қонунда<sup>3</sup> 26 та моддадан иборат бўлган бўлса, 2004 йил 27 августдаги қонун<sup>4</sup> билан 30 та, 2005 йил 31 декабрдаги қонун<sup>5</sup> билан 31 та ва 2009 йил 3 апрелдаги қонун<sup>6</sup> билан 40 та моддага етказилди. Бугунги кунга келиб, амалдаги Жиноят кодексининг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти вужудга келди. Ўйлаймизки, яқин келажакда ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноят таркибларининг сони янада кенгайиб боради.

Қолаверса, ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам салбий таъсир ўтказадиган оқибатларининг олдини олиш имконини беради. Зеро, айбга иқрор бўлишни рағбатлантираётган мазкур самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараённи тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўл очади. 2014 йил якунларига кўра, мазкур институт қўлланила бошлагандан буён 159 минг нафардан зиёд киши жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини чеклаш, прокуратура ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилди. 2005 йил 8 августда

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, бу муҳим тадбир тегишли пухта тайёргарликдан сўнг 2008 йил 1 январдан эътиборан амалга оширилиши белгиланди. «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Энг муҳими, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амалга оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмини яратиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичида жинойат таъқиб қилинадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди. Бу терговчи ва прокурорларнинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни танлашда масъулиятини кучайтириш, суд ҳоқимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсоннинг озодликка бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунида (2008 йил 31 декабрь) илк бор гувоҳнинг адвокати деган янги институт назарда тутилди ҳамда адвокатларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш чоралари белгиланди. Қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланганини эътироф этиш лозим<sup>7</sup>. Қонунчиликка

---

«Миранда қонидаси»нинг жорий этилиши, шахс суриштирув, тергов органларига чақирилган вақтдан бошлаб, шу билан бирга, гувоҳнинг ҳам адвокат олиш ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланди.

Шу ўринда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлардан яна бири — Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни тўғрисида фикр юритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, мазкур қонунга биноан судларнинг дастлабки терговга бўлган таъсири янада ошди. Яъни судга қадар иш юритиш босқичларида суд органларининг жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатлари ва ҳуқуқлари кенгайтирилди. Чунончи, ЖПКга янги «Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш» деб номланган янги 63-боб киритилди. Энди суд, ҳатто, жиноят иши қўзғатилишидан олдин амнистия акти қабул қилиниши муносабати билан терговчининг тақдимномаси ва прокурорнинг илтимосномаси бўйича суд муҳокамасини ўтказиб, жиноят иши қўзғатилишини амнистия акти қабул қилинишига асосан рад этиш ажримини чиқариш ваколатига эга бўлди<sup>8</sup>.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги яна бир ўта муҳим масала суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари масъулиятини янада кучайтиришдир. Давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислоҳотлардан жамият аъзоларининг кенг хабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ҳамда давлатни демократик янгилаш, модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг гоят муҳим шартидир. Суд-ҳуқуқ соҳасининг давлат қурилиши ва бошқарувини эркинлаштириш билан алоқадор жиҳатлари, аввало, унинг давлат

---

---

ҳоқимиятининг бир бўғини эканлигида, инсонларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси ҳисобланишида намоён бўлади. Суд-ҳуқуқ сиёсати ҳуқуқий соҳани либераллаштиришнинг асосий мазмунини ташкил этади. Суд ўзининг бутун фаолияти билан инсон ҳуқуқлари поймол этилмаслигининг кафили бўлиб хизмат қилиши лозим.

Президентимизнинг 2014 йил 24 июлдаги «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони фикримизга яққол далилдир. Ушбу Фармон билан Бош прокуратурада Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қўйи бўлимлари ташкил этилди. Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳоқимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш белгиланди.

Шунингдек, жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Хорижий экспертларнинг фикрича, ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усулларини синаб кўриш имконини берди.

Халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган ва юксак баҳоланган мазкур қонунининг (2014 йил 5 май) амалиётга жорий этилганлиги давлат ҳоқимият ва бошқарув органларининг ўзлари қабул қилаётган қарорлар сифати учун масъулиятини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар бугунги кунда ҳам изчил тарзда

давом этмоқда. 2015 йил 11 августда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан «озодликдан чеклаш» тарзидаги янги жазо тури киритилганлигини суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги янги қадам, дейиш мумкин. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқни тузатиш мумкин бўлган жазоларни тайинлашда мазкур тоифадаги шахсларнинг моддий ва оилавий аҳволи, ёши, соғлиги ҳолатига кўра уларга нисбатан «озодликдан чеклаш» тариқасидаги жазони қўллаш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Мазкур қонунга кўра, озодликни чеклаш тарзидаги жиноий жазо суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

Шунингдек, 2015 йил 21 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси, хусусий сектор вакилларининг эркин фаолият юритиши билан бир қаторда мамлакатнинг экспорт салоҳияти юксалишида ҳам қулай имкониятлар эшигини очиб берди. Қонунга кўра, агар шахс Жиноят кодексининг тегишли моддасида назарда тутилган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини илк маротаба содир этиб, жиноят аниқланган кундан 30 кун давомида давлатга етказилган зарарни тўлиқ қоплаган, пеня ва бошқа молиявий жарима турларини тўлаган бўлса, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаслиги ва шахс жавобгарликдан озод этилишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакатимиз суд-ҳуқуқ

---

---

тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳуқуқий давлатчилик тамойилларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган янги

концепцияни ҳаётга татбиқ этиш, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини тўла қафолатлаш ва таъминлашга қаратилган.

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.16.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б.20.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9-10. – 165-м.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 37. – 408-м.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 43. – 518-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – № 15. – 171-м.

<sup>7</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.19.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2008. – №12. – 509-м.

**Тургунов И. Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим омили.**

**Таянч иборалар:** суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ярашув институти, «Хабеас корпус» институти, адвокатура институти, апелляция ва кассация, озодликни чеклаш, амнистия акти, инсонпарварлик тамойили.

Мазкур мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош мақсади – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш эканлиги аниқ мисоллар билан асослаб берилган. Муаллиф мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича қўрилган ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларнинг тадрижий ривожланиб боришини таҳлил қилар экан, мазкур ислоҳотларни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ақс этган натижаларни статистик маълумотларда кўрсатиб берган.

**Тургунов И. Судебно-правовые реформы – важнейший фактор обеспечения прав человека.**

**Ключевые слова:** судебно-правовая реформа, либерализация судебно-правовой системы, права человека, либерализация уголовных наказаний, институт примирения, институт «Хабеас корпус», институт адвокатуры, апелляция и кассация, ограничение свободы, акт амнистии, принципы гуманизма.

В статье охарактеризована важнейшая цель проводимой в нашей стране широкомасштабной судебно-правовой реформы – обеспечение прав и свобод человека. Проанализированы последовательно реализуемые в годы независимости правовые и организационно-практические меры по либерализации и демократизации судебно-правовой системы.

**Turgunov I. Judicial and legal reforms - the most important factor of ensuring human rights.**

**Keywords:** judicial and legal reform, liberalization of judicial and legal system, human rights, liberalization of criminal penalties, the institution of reconciliation, institution of «Habeas Corpus», the institute of advocacy, appeal and cassation, restriction of freedom, act of amnesty, the principles of humanism.

The article deals with the major purpose of the large-scale judicial and legal reform which is carried out in our country – ensuring the rights and freedoms of the person. The legal and organizational and practical measures for liberalization and democratization of judicial and legal system being consistently realized in days of independence are analyzed.

*М.А.Шерлиев\**  
*У.К.Нуруллаев\*\**

## **ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2013 йил 14 мартда эълон қилган жаҳондаги йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги маърузасида келтирилишича, йўлларда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида дунё бўйича 2010 йилда 1 миллион 240 минг одам ҳалок бўлган. Агар бу борада қўшимча чора-тадбирлар кўрилмаса, ушбу кўрсаткич 2020 йилга бориб салкам 2 миллионга етиши мумкин. Ана шу мақсадда ташкилот томонидан БМТ билан биргаликда 2020 йилгача мўлжалланган ўн йиллик ҳаракат дастурини жорий қилиш таклифи илгари сурилмоқда.

Биз учун эътиборли жиҳати, ушбу маърузада Ўзбекистон йўл ҳаракати хавфсизлиги учун хавфли омилларнинг олдини олиш чораларини кўраётган давлатлар сафида қайд этилган. Яъни транспорт воситасини маст ҳолда бошқаришни истисно этувчи, хавфсизлик камаридан фойдаланишни таъминловчи мукамал қонун нормаларига ва бошқа бир қатор йўл ҳаракати хавфсизлиги учун хавфли омилларнинг олдини олишни назарда тутувчи қонунчилик базасига эга бўлган давлатлардан бири эканлиги эътироф этилган.

Маълумки, республикада сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (2013 йил 10 апрель), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

ҳақида»ги (2015 йил 10 август) қонунлари, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 370-сонли қарорини келтириб ўтиш жоиз.

Йўл-транспорт ҳодисаларида инсонларнинг ўлимига ва тан жароҳати олишларига сабабчи бўладиган асосий омил — бу белгиланган тезликка риоя этмасликдир. Агар маълумотларга назар ташласак, 2015 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 37,2 фоизи шу омил туфайли юз берган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши (МЖтК 128<sup>3</sup>-модда) ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида замонавий техник воситалардан кенг фойдаланилиб келинмоқда. Натижада, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига эришилмоқда. Масалан, «Крис-П», «Арена», «Искра видео-2» фоторадарлари ва мобиль комплексларининг қўлланилиши натижасида охириги 5 йил ичида йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайди.

Ҳозирги кунда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг

\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси катта инспектори.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари махсус фанлар цикли бошлиғи.



---

---

қўлланилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқишда айрим номутаносибликларни келтириб чиқарди ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу тизим, *биринчидан*, светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмаган ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслик ҳолатларини автоматик равишда қайд этиб боради. Бу янгилик ҳам белгиланган тезлик талабларини назорат қилиш борасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Жумладан, илгари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128<sup>3</sup>-моддаси учинчи қисмига биноан жазо чораларини қўллаш суд идоралари томонидан амалга оширилар эди. Янги қабул қилинган қонун билан махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Замонавий компьютерлаштирилган бошқарув тизими ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталиқда ошириб юбориш ҳолатларини ҳам автоматик тарзда қайд этиши имкониятидан келиб чиққан ҳолда Кодекснинг 128<sup>3</sup>-моддаси учинчи қисми иккита мустақил қисмларга ажратилди. Унга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 км.дан ошириб юборганликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солиш тартиби белгиланди ва бундай ҳолатларда жарима солиш ваколати Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мансабдор шахсларига юклатилди.

Тизимнинг асосий функционал вазифаларидан бири тирбанд ва серқатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни

амалга ошириш ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликларни автоматик қайд этиш ҳисобланади. Ушбу автоматик қайд этиш воситаларини самаралироқ татбиқ этиш учун уларни қўллаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиш бўйича кўчма фоторадар ва мобиль комплексларни қўллаш юзасидан тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати устидан видеокузатув ва назорат техник воситаларини қўллаш билан бир вақтнинг ўзида аниқланган ва қайд этилган ҳуқуқбузарликлар содир этган қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш зарурати юзага келди. Ушбу механизмнинг тўлақонли фаолият юритишини, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳар қандай йўл ҳаракати қоидалари бузилган жойни, вақтни, транспорт воситасининг давлат рақами белгисини қайд этади. Лекин тизимда йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имконияти мавжуд эмас.

Битта транспорт воситасининг бир неча шахс томонидан бошқарилишига имкон берилганлиги (ишончнома, ижара шартномалари, лизинг) айнан қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлаш ишлари чигаллаштиришга олиб келиши мумкин. Ушбу ҳолат айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга салбий таъсир ўтказди. Шу сабабдан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс қоидаларнинг бузилишини фото ва видео қайд этиш имкониятига эга бўлган автоматлаштирилган махсус техник воситалар

ёрдамида ҳуқуқбузарлик аниқланганда транспорт воситасининг эгасини маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи 17<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. Бунда қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмаслиги, ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда транспорт воситасига бошқа шахс эгалик қилганлиги аниқланса ёхуд транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида мулкдорнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, транспорт воситаси эгаси жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

*Иккинчидан*, автоматлаштирилган тизимнинг марказлашган ҳолда «он-лайн» режимда ишлашини инобатга олган ҳолда аниқланган қоидабузарликни расмийлаштириш кўйидаги тартибда амалга оширилади:

- маъмурий баённома расмийлаштириш масдан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси уч кунлик муддат ичида транспорт воситаси эгасининг номига юборилади. Бунда автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотлар маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган. Шу сабабдан, Кодекс 309<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилди. 276, 283-моддаларга ўзгартишлар киритилди;

- йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳуқуқбузар томонидан жаримани ихтиёрий тўлаш муддатини жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида тўланишини назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Ҳуқуқбузар ушбу муддатда жаримани тўлашдан бош тортган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари томонидан транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилади ҳамда ҳуқуқбузар белгиланган жаримани тўлиқ тўламагунга қадар автомобиль жарима майдонида ушлаб турилади. Қабул қилинган янги қонун Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органига мана шундай ваколатни беради. Шу сабабли, Кодекснинг 332, 291-моддаларига ҳам

қўшимчалар киритилди;

- янгилик жорий этилганидан кейин унга тўсқинлик қилишга интилувчилар ҳам топилади, яъни айрим қоидабузар ҳайдовчилар айбини яшириш учун давлат рақам белгиларини турли йўллар билан беркитиш, кўринишини чеклаш каби бир қатор қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга уриниши табиий. Бунинг олдини олиш учун давлат рақами белгиларининг кўринишини чеклайдиган, уларни тўғри идрок этиш учун тўсқинлик қилувчи нарса ва қопламалар ўрнатганлик учун жавобгарлик белгиланди. Унга биноан, ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳамда транспорт воситасини ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар вақтинча ушлаб туриш назарда тутилган. Шу сабабли, кодекснинг 127-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

*Учинчидан*, маълумки, Кодекснинг 36, 271-моддаларига асосан маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин эди. Ушбу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилиши лозим деб белгилаб қўйилган эди.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ишга туширилиши билан қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга юборишда маъмурий иш материалларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетиши мумкин. Натижада, белгиланган муддат ўтиб кетиб, маъмурий иш тугалланишига сабаб бўлади.

Бир қатор ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россияда маъмурий жазо қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача эканлиги, бу эса айб учун жазо муқаррарлиги прин-

---

---

ципини таъминлаши маълум. Шу сабабдан ҳам, Кодекснинг 36-моддасида маъмурий жазо қўллаш муддати бир йил этиб белгиланди.

*Тўртинчидан*, йўл ҳаракати қоидаларини автоматик равишда аниқлаш учун махсус техник воситалардан фойдаланилиши, бундай тизимнинг ўзига хослиги, бунда такрорийликнинг инобатга олинмаслиги, ваколатли органларга оид ишларнинг алоҳида кўриб чиқилиши инобатга олинган ҳолда Кодекснинг 28, 128<sup>3</sup>, 245, 248, 256 ва 294-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар

---

---

киритилди. Яъни маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд, ички ишлар ва мудофаа органларига тааллуқли моддаларга аниқлик киритилди.

*Бешинчидан*, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш, қويدани бузган бошқа шахсни умумий асосларда жавобгарликка тортиш учун Кодекснинг 321-моддасига ҳам ўзгартишлар киритилди.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҚХББнинг 2015 йилнинг 12 ойлик якуни бўйича таҳлилий маълумотлари.

**Шерлиев М.А., Нуруллаев У.К. Йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашнинг янги босқичи.**

**Таянч иборалар:** йўл ҳаракати хавфсизлиги, транспорт воситаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, маъмурий жавобгарлик, автоматик қайд этиш воситаси, компьютерлашган бошқарув тизими, мобиль комплекс.

Мақолада мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар таҳлил қилинган.

**Шерлиев М.А., Нуруллаев У.К. Новый этап правового обеспечения безопасности дорожного движения.**

**Ключевые слова:** безопасность дорожного движения, транспортное средство, Организация Объединенных Наций, административная ответственность, средство автоматической регистрации, компьютеризированное управление, мобильный комплекс.

В статье проанализированы реформы, проводимые в сфере обеспечения безопасности дорожного движения, изменения и дополнения, внесенные в действующее законодательство, регулирующее данную сферу.

**Sherliyev M. A., Nurullayev U.K. New stage of legal support of traffic safety.**

**Keywords:** traffic safety, the vehicle, the United Nations, administrative responsibility, means of the automatic registration, system of computerized management, mobile complex.

The article deals with the reforms being carried out in the sphere of safety of traffic, change and additions made to the current legislation regulating this sphere.

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН – КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган тараққиёт йўлидан бормоқда. Албатта, ҳуқуқий давлатда ҳар қандай масала қонунлар асосида адолатли ҳал этилиши лозим, зеро, қонун ва қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Адолатли, инсонпарвар демократик жамият барпо этишнинг, тараққиётнинг «ўзбек модели» деб ном олган ривожланиш йўли негизидаги устувор тамойиллардан бири – кучли ижтимоий сиёсатдир. Мазкур тамойилдан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг асосий вазифаларидан бири – кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Шу туфайли, давлатимизда ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши тамойили қатъий тарзда амалга оширилмоқда. Жамият ҳаётининг ижтимоий соҳасидаги ўзгаришлар, бозор муносабатларининг чуқур илдиз отиб бораётганлиги фуқаролар ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси масалаларига ҳам янгича ёндашувни тақозо этмоқда.

Албатта, ижтимоий масалалар ва уларнинг ҳал этилиши давлатимиз ўз олдига қўйган устувор вазифа эканлигининг мазмун-моҳияти ҳам айнан инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари олий қадрият эканлиги тамойили рўёбга чиқарилишига қаратилганлигида кўзга ташланади. Бунда, айниқса, аҳоли муҳтож қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қилинаётган ишлар амалга оширилиб келинаётган кенг қамровли, йирик ҳажмдаги чора-тадбирларни ўзида

акс эттирувчи давлат дастурларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичидаёқ ижтимоий ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Истиқлол боис халқимиз ўз юртида эркин яшаш имконини қўлга киритди, энг муҳими, ўз келажагини, ҳаётини миллий манфаат ва азалий қадриятларга, умум-эътироф этилган демократик принципларга мос равишда қуриш имкониятларига эга бўлди. Ижтимоий соҳадаги масалаларга қарашларимиз аста-секинлик билан ўзгариб, аввалги тушунчалар ва ёндашувлар янгича мазмун-моҳият касб этмоқда. Бугунги кунда «ижтимоий сиёсат», «ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий шериклик» каби тушунчалар аввалгисидан фарқ қилиб, ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларни тобора кўпроқ ўзида акс эттирмоқда. Шу сабабли, ижтимоий сиёсат фуқароларнинг фақат моддий муаммоларинигина ҳал қилишга қаратилган фаолият бўлмай, балки давлат ички сиёсатининг асосий қисмини ўзида ифода этади. Ижтимоий ҳимоялаш сиёсати эса муҳтожларга моддий пул шаклида ёрдам кўрсатишдангина иборат бўлмасдан, мамлакат ижтимоий инфратузилмасининг нормал фаолият юритишини таъминлаш, бу соҳада самарали давлат ва жамият бошқарувини амалга ошириш, фуқаролар учун ҳар томонлама қулай шароитларни таъминлаб бериш масалаларини ўз ичига олади.

Аввал ижтимоий ҳимоя фақат ночорларга ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди.

---

---

бўлса, бугун мазкур тушунча таркибига фуқароларнинг иш билан таъминланганлик даражасини ошириш, меҳнатининг миқдори ва сифатига яраша иш ҳақи тўлаш, ижтимоий жиҳатдан оқилона таъминлаш, илм олиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, инсоннинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашнинг барча жиҳатларини ўз ичига қамраб олади.

Ҳозирги пайтда инсон, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари муаммоси янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий асосга қўйилиб, шахс эҳтиёжлари ва уларни қондириш жараёнларини янгича тадқиқ этиш зарурияти қуйидаги шарт-шароитлар билан белгиланди:

– Ўзбекистон тараққиётининг стратегик мақсади – инсон манфаатлари ва эҳтиёжларини ҳар томонлама барқарорлаштириш;

– изчил ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш;

– эркин ва фаровон ҳаётни бунёд этиш;

– жамият ва шахс манфаатлари ҳамда эҳтиёжларининг ўзаро алоқадорлиги ва уйғунлигини таъминлаш заруратидан иборат.

Бу шундан далолат берадики, ижтимоий ҳимоя уни амалга оширилиш шакллари, ижтимоий ҳимоянинг фуқароларни моддий қўллаб-қувватлашдаги ўрни масалалари билангина чегараланиб қолмайди, айниқса, унинг ҳуқуқий давлат барпо этиш концепцияси доирасидаги жиҳатлари ғоят муҳимдир. Шунинг учун ҳам ҳуқуқнинг олий даражадаги ҳукмронлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Шу ўринда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашдаги давлат, унинг органларининг ўрни, мавқеи масаласи, фуқаролик жамиятига ўтилгани сари давлатнинг мазкур функцияси тадрижий тарзда, босқичма-босқич жамият зиммасига юклана бориши, ижтимоий ҳимояни амалга ошириш жараёнида бу соҳадаги давлат органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши, жамоат бирлашмалари, нодавлат

ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлиги муаммоларини ҳал этишни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда шаклланаётган ҳуқуқий давлатнинг ижтимоий масаласи, унинг ҳуқуқий давлат билан ўзаро муносабати, давлатнинг ижтимоий ҳимояси ва уни амалга оширишнинг назарий-ҳуқуқий муаммо, ижтимоий ҳимояга қўйиладиган ҳозирги замон талаблари, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунини<sup>1</sup> ҳам ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш мумкин.

Мазкур қонун 5 боб, 30 моддадан иборат бўлиб, унинг мақсади ижтимоий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонунда ижтимоий шериклик соҳаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва унинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, миллат-

---

---

лараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар фаровонлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўз ифодасини топган. Бу эса, ўз навбатида, бозор иқтисодиётининг беш тамойилидан бири ҳисобланган кучли ижтимоий сиёсат тизими самарали ишлаётганидан далолат беради.

Шу билан бир қаторда қонунда бугунги кунда фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этаётган жамоат бирлашмаларига алоҳида урғу берилган бўлиб, унда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа

институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланиши ҳамда улар қонунга бўйсунуш, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик ва шаффофлик, ҳаммабоплик, мустақиллик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги<sup>2</sup> каби принциплар асосида ўз фаолиятларини амалга оширишлари кўрсатиб ўтилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, ҳаётий эҳтиёжлари ҳақида қайғуриш, фуқароларимизнинг моддий турмуш шароитларини мунтазам яхшилаб боришга интилиш — давлатимизнинг муҳим хусусиятларидан бири саналади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2014. — № 39. — 488-м.

<sup>2</sup> Ўша манба.

**Кодиров У.А. Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун — кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим ҳуқуқий асоси.**

**Таянч иборалар:** ижтимоий сиёсат, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий шериклик, ижтимоий кафолат, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти.

Мақолада мустақиллик йилларида ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, давлатнинг ижтимоий ҳимоя тизими, уни амалга ошириш шакллари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат органларининг ўрни каби масалалар ёритилган.

**Кодиров У.А. Закон о социальном партнерстве — важнейшая правовая основа сильной социальной политики.**

**Ключевые слова:** социальная политика, социальная защита, социальное партнерство, социальная гарантия, правовое государство, гражданское общество.

В статье освещаются реформы, проводимые в нашей стране в годы независимости в социальной сфере, государственная система социальной защиты, формы её реализации, место и роль государственных органов в социальной защите населения.

**Kadyrov U.A. The law on social partnership — the most important legal basis of strong social policy.**

**Key words:** social policy, social protection, social partnership, social guarantee, legal state, civil society.

The article deals with the social reforms carried out in the years of independence in our country, the state social protection system, forms of its fulfillment, place and role of state organs in social protection of population.

Ў.Ҳ. Мухамедов\*

Ф.А. Примов\*\*

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан илгариллаб боргани сари, хусусий мулкчиликни қарор топтириш ва кафолатлаш, иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш устувор вазифа сифатида эътироф этилмоқда. Асосий қонуннинг 53-моддасида ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлиги ҳисобга олиниб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шакллари-нинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши давлат томонидан кафолатланганлиги белгиланди.

Ушбу конституциявий нормани ҳаётга изчил жорий этиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида 156 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 137 та фармони ва қарори, ҳукуматнинг 280 та қарорлари ҳамда вазирлик ва идораларнинг 646 та норматив тусдаги ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий кафолатлаш борасида янги ислоҳотлар даврини бошлаб берди. Мазкур фармон ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги

«Тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг еттига қарори қабул қилинди.

Шунингдек, 2015 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, ислоҳотлар тизимида муҳим амалий ўзгаришларни ифодалади. Қонун ўзининг ҳажми ва нормаларининг мазмуни бўйича ҳам тарихий аҳамият касб этади. Хусусан, ушбу қонунда ўнта кодекс ва ўттиздан ортиқ қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши назарда тутилган бўлиб, *биринчидан*, тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлиги либераллаштирилди ва тадбиркорлик соҳасидаги баъзи маъмурий тартиботлар бекор қилинди. *Иккинчидан*, хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларига қарши содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик янада такомиллаштирилди ва кучайтирилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 180

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходим-изланувчиси.

(Сохта банкротлик) ва 181- (Банкротликни яшириш) моддаларининг иккинчи қисмига ўзгартириш киритилиб, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилди. Илгари ушбу зарар уч карра қопланиши лозим эди.

Кодекснинг 184-моддаси (Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш) биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши ҳақидаги рағбатлантирувчи норма (184-м., 5-қисм) билан тўлдирилди.

Худди шундай, кодекснинг 188 ва 189-моддаларининг биринчи ва иккинчи қисмлари чиқарилиб, маъмурий юрисдикцияга ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, илгари Жиноят кодексида тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлиги учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги фақат битта моддада (206<sup>1</sup>-модда) белгиланган бўлса, янги қонунга мувофиқ кодекс тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар бўйича жавобгарликни назарда тутувчи 11 та моддадан иборат алоҳида XIII<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) ҳам «Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» деб номланган XVI<sup>1</sup> боб билан тўлдирилди. Мазкур бобнинг жами 11 та моддасида хусусий мулк, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаат-

ларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни вужудга келтирувчи нормалар шакллантирилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу орқали тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг маъмурий-ҳуқуқий чоралари такомиллаштирилди. Яъни ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш борасида муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, МЖТКнинг бор-йўғи иккита моддасида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи жавобгарлик нормалари белгиланган эди. Эндиликда эса қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тўлдирилиб, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг маъмурий-ҳуқуқий чоралари янада такомиллаштирилди.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хомашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли конструктив ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик фаолиятининг мамлакат тараққиётидаги улуши сезиларли даражада ошиб бормоқда.

Шу ўринда айрим рақамларни келтириб ўтсак. Агар 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши атиги 2 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 31 фоизга, 2010 йил якуни бўйича эса қарийб 53 фоизга<sup>1</sup>, бугунги кунда эса 56,7 фоизга етди ёки 1,8 барбар ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда<sup>2</sup>.



Бироқ олиб борилган таҳлиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари асосларини такомиллаштириш борасида яна бир талай устувор вазифалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Юртимизда тадбиркорлик фаолияти бўйича асоссиз текширувлар ўтказилишига йўл қўймасликка қаратилган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинганига қарамай, ана шу соҳа вакиллари бундай ҳолатлар ва бошқа қонунбузарликлар давом этаётганидан шикоят қилмоқда<sup>3</sup>.

Биргина 2015 йилнинг биринчи ярми мобайнида банк бўйича операцияларни ноқонуний равишда тўхтатиб қўйишга оид 105 та ҳолат, ноқонуний молиявий жарима қўллаш бўйича 61 та ҳолат, ноқонуний маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича 8742 та ҳолат, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ноқонуний тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиш бўйича 2659 та ҳолат, лицензияларни ноқонуний равишда тўхтатиб қўйиш, тугатиш ва бекор қилиш бўйича 181 та ҳолат ҳамда кредит ажратиш бўйича 684 та, ер ажратишга оид 617 та, коммуникация тармоғига уланиш бўйича 174 та, лицензия ва бошқа рухсатномалар олиш бўйича 1196 та, рухсатсиз текшириш бўйича 264 та, текшириш тартибини бузиш бўйича 1908 та, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш бўйича 842 та қонун бузилишлари аниқланган.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари асосан давлат органлари иштирокидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида бузилмоқда. Бу эса тадбиркорлик фаолиятига давлат ҳокимиятининг маъмурий таъсири концепциясини қайта кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш асослари ва тартиботларини янада либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва ижроия ҳокимият субъектлари ўртасидаги муносабатларни шаффофлаштириш ва онлайн тарзига ўтказиш борасидаги ишларни янада кенгайтириш ва жадаллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Бизнингча, тадбиркорлик субъектлари ва ижроия ҳокимият органлари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни янада

либераллаштириш ва шаффоф ҳолатга келтириш ҳамда унификациялаш зарур. Чунончи, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ муносабатларнинг асосий қисми маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Хусусан:

— давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни мураккаб маъмурий процедуралардан иборат бўлиб, ўттизга яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади;

— тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 20 та давлат органидан лицензия олиш талаб этилади<sup>4</sup>;

— хўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари) фаолияти ўттиздан ортиқ давлат органи томонидан назорат қилинади<sup>5</sup>;

— 220 та фаолият учун ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб этилади<sup>6</sup>;

— тадбиркорлик субъектларига нисбатан кўрсатиладиган 200 дан ортиқ давлат хизматлари ҳам маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади;

— ўттиздан ортиқ орган ва мансабдор шахслар тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий жазо чораларини қўллайди<sup>7</sup>;

— тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари, бино ва иншоотларни ажратиб бериш, кредитлар бериш, имтиёз ва преференцияларни татбиқ этиш (қўллаш) давлат органларининг оммавий тусдаги қарори (рухсати) билан амалга оширилади;

— тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги маъмурий низолар ҳам суд ва ижроия ҳокимият вакиллари томонидан маъмурий тартибда ҳал этилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик соҳасида иш юритиш ва қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш асослари ҳамда тартиботлари турли-туман ҳамда кўп босқичли бўлиб, уларнинг бу борадаги фаолияти асосан идоравий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади ва мазкур омишлар, ўз навбатида,

---

---

тадбиркорлик соҳасида маъмурий тўсиқлар ва бюрократиянинг шаклланиши ҳамда сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган барча давлат хизматларини босқичма-босқич «бир дарча» марказлари асосида кўрсатилишига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ижроия ҳокимият органларининг тадбиркорлик фаолиятига оид маъмурий-бошқарув ваколатларини амалга ошириш ва бу борада қарорлар қабул қилиш фаолиятини оптималлаштириш ва унификациялаш керак. Айниқса, «Маъмурий процедуралар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муаммоларни ҳал этишда самарали ечим бўла олади, деб ўйлаймиз.

Қолаверса, МЖТКнинг XVI<sup>1</sup> боб билан тўлдирилиши муҳим аҳамият касб этганлигини эътироф этган ҳолда тадбиркорлик ва хусусий мулкчилик асосларига қарши айрим қилмишлар маъмурий жавобгарлик доирасидан четда қолганлигини, мазкур бобда белгиланган жавобгарлик нормаларини янада такомиллаштириш зарурлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Чунки кодексда тадбиркорлик субъектларини ғайриқонуний жавобгарликка тортиш учун жавобгарлик белгиланмаган. Амалда эса бундай қилмишлар учун тегишли органлар томонидан тақдимнома киритилсагина, айбдор ходимлар идоравий қоидалар асосида интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик мавжуд эмас. Шу боис, тадбиркорлик субъектларининг айбсизлигини била туриб маъмурий жавобгарликка тортиш ёки маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга тақдимнома киритганлик учун ҳамда тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартибларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш лозим.

МЖТКнинг XVI<sup>1</sup> бобида назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари ва хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти ва хусусий мулкчилик асосларига қарши ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарлик белгиланди. Бироқ мазкур мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг

аксарияти (масалан, ички ишлар органлари ходимлари) МЖТКнинг 16-моддасида белгиланган махсус жавобгарлик субъектлари бўлганлиги учун МЖТКнинг XVI<sup>1</sup> бобида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда ҳам маъмурий жавобгарликка эмас, балки идоравий-меъерий ҳужжатлар асосида интизомий жавобгарликка тортилади. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган маъмурий жавобгарлик нормаларининг умумий таъсир этиш принциплари ва таъсирчанлигига, самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, МЖТКнинг 16-моддасига ушбу моддада кўрсатилган жавобгарлик субъектларининг XVI<sup>1</sup> бобда белгиланган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун ҳам умумий асосларга кўра маъмурий жавобгарликка тортилишини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институционал тузилмалар тизимида адлия органлари марказий ўрин эгаллайди. Бироқ мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси адлия органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини кўллаш асослари ва тартиблари ҳамда аниқ шарт-шароитларини янада кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг, қолаверса, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи кучни рағбатлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2015. – 17 янв.

<sup>2</sup> <http://xs.uz>. Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишидаги маърузаси.

<sup>3</sup> <http://xs.uz>. // Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

<sup>4</sup> <http://lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-П-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 236-сонли қарори.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: <http://tekshirishlar.uz>.

<sup>6</sup> <http://lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 августдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги 225-сонли Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори.

<sup>7</sup> <http://lex.uz>. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.

#### **Мухамедов Ў. Ҳ., Примов Ф. А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари.**

**Таянч иборалар:** тадбиркорлик, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, маъмурий ҳуқуқ, маъмурий жавобгарлик, текшириш, рухсат бериш тартиботлари, либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари, тадбиркорликнинг ҳуқуқий кафолатлари.

Мазкур мақолада тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини маъмурий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари, тадбиркорлик фаолияти субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашнинг кафолатлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги маъмурий низоларни кўриб чиқиш асосларини такомиллаштириш, давлат органларининг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги маъмурий бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини шаффофлаштириш, тадбиркорлик соҳасидаги идоравий меъёрий ҳужжатларни либераллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ваколатларини кенгайтириш ҳақида сўз юритилади.

#### **Мухамедов У. Ҳ., Примов Ф. А. Правовые гарантии малого бизнеса и частного предпринимательства.**

**Ключевые слова:** предпринимательство, малый бизнес, частное предпринимательство, разрешительная процедура, административная ответственность, проверка, гарантии невмешательства в предпринимательскую деятельность, либерализация, правовые гарантии предпринимательства.

В данной статье речь идёт о средствах административно-правовой защиты прав субъектов предпринимательской деятельности, гарантиях реализации льгот и преференций, предоставленных субъектам предпринимательской деятельности, а также о совершенствовании основ рассмотрения административных вопросов, возникающих между субъектами предпринимательской деятельности, прозрачности процесса принятия административно-управленческих решений в сфере предпринимательской деятельности государственных органов.

#### **Mukhamedov U. H., Primov F.A. Legal guarantees of small business and private entrepreneurship.**

**Key words:** entrepreneurship, small business, private entrepreneurship, licensing procedure, administrative responsibility, checking, guarantees of non-interference in business, liberalization, legal business Grant

In this article we are talking about the means of administrative and legal protection of the rights of business entities, guarantee the realization of benefits and preferences granted to business entities as well as the improvement of fundamentals-pending administrative (distressed) clashes between business entities, transparency of the process, the adoption of administrative upravlenicheskikh rulings the sphere of entrepreneurial activity of state bodies liberalization management of administrative documents in the field of entrepreneurship.

*Б.О. Жалолов\**  
*Д.М. Миразов\*\**

## **ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМЛАРИДА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим вазифаси — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини, аввало, асосиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётига аралаштиришдан ҳимоялаш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмнинг самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Бу хусусда Президентимиз Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да «... демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — бу қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Айнан шундан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идораларининг тергов аппаратлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини ошириш, дастлабки тергов

жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят учун жазо муқаррарлиги принципини амалга ошириш, шу билан бирга, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида адолат мезонлари бўлган қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик каби принципларнинг амалга оширилиши устуворлик касб этади.

Бу борада Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси томонидан қонунчиликка қатъий риоя этиш, ходимлар томонидан ўз хизмат вазифаларини ўташ даврида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир жиноятни тез ва тўла очиш, уларни ҳар томонлама, холисона тергов қилиш, етказилган моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш, айниқса жиноятларни содир этишда гумон қилинувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Соҳадаги ислохотлар жараёнида тергов идораларининг иш фаолиятини баҳолаш мезонлари қайта кўриб чиқилди, жиноят ишларини судларга юбориш ёхуд уларни иложи борича камроқ ҳаракатдан тугатиш каби кўрсаткичлардан ва умуман, собиқ тузумдан қолган «рақамлар ортидан қувиш» тенденциясидан воз кечилиб, асосан қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

жиноятларни келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш, иш бўйича қабул қилинаётган ҳар бир қарорнинг асослилигини ва қонунийлигини таъминлаш сингари ҳолатлар тергов фаолиятини баҳолашда асосий мезон эканлиги белгиланди. Қонуний асослар мавжуд бўлганда жиноят ишини кўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, гумон қилинувчиларни ушлаб туриш, ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналаридан озод этиш каби ҳолатлар салбий кўрсаткич эмаслиги қатъиян белгиланиб, бу талабнинг бажарилиши ва ижроси доимий назоратга олинди. Бунинг самараси ўлароқ, тергов фаолиятини амалга оширишда қонунчилик бузилиши ҳолларининг икки маротабага камайишига, иш сифатининг сезиларли даражада яхшиланишига, бу борадаги кўрсаткичларнинг ошишига эришилди. Қолаверса, бу терговчилар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлигига, фуқаролар билан бўлган муносабатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида айрим жиноят турларини тергов қилиш тартибининг соддалаштирилгани (ярашув, амнистия, хусусий айблов институтлари), жиний жазолар тизимида ўлим жазосининг чиқарилгани, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллашга, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят таркибларининг салмоғи ошганлиги ҳамда қонунчиликка киритилган бошқа ўзгартишлар жиноят ишларини қисқа муддат ичида тергов қилиш имконини яратмоқда.

Бундан ташқари, тергов идоралари раҳбарлари томонидан идоравий, процессуал назоратни тўғри ташкил этиш, тергов ходимларининг касбий билими ҳамда

тажрибаларини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Тошкент шаҳрининг Юнусобод тумани, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва вилоятлар марказидаги тергов бўлимлари базавий тергов бўлимларига айлантирилиб, тергов база органлари ташкил этилди. Ушбу база органларининг асосий вазифалари раҳбарлик лавозимларига захирада турган ходимларнинг бошқарувчилик, идоравий, процессуал назоратни тўғри ташкил этиш фазилатларини шакллантириш, уларни раҳбарлик лавозимларига босқичма-босқич тайёрлаб бориш; фуқаролик олий таълим муассасаларини тамомлаб, янгидан хизматга қабул қилинган ёш мутахассис-терговчиларни стажировкадан ўтказиш ва бошқалардан иборат.

Тергов идоралари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири — жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш, улар юзасидан текширувлар ўтказилиши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, фуқароларнинг дастлабки тергов давомида бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонунбузарликка йўл қўйган тергов ходимларига нисбатан таъсир чораларини кўришдан иборат. Зеро, «...муурожаатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний қарорлар қабул қилаётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари қўпол муомалада бўлаётганидан, аҳоли муурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилмаётганидан шикоят қилмоқда. Фуқаролар тергов органлари томонидан тергов ҳаракатларини амалга оширишда процессуал қонунчиликни қўпол равишда бузиш билан боғлиқ фактлар борлигини кўрсатмоқда»<sup>2</sup>.

Қолаверса, айрим тергов раҳбарларининг ходимлар фаолияти устидан процессуал назоратни талаб даражасида ўрнатмаганлиги оқибатида тергов ҳаракатлари сифатсиз олиб борилиб, дастлабки тергов жараёнида терговнинг тўлаллиги таъминланмасдан, ЖПК талабларига риоя этилмаслик

---

ҳолатлари мавжуд. Ҳодиса содир бўлган жойга тергов-тезкор гуруҳларининг тўлиқ таркибда чиқмаслиги, изларни аниқлаш ва сифатли олишга етарлича эътибор берилмаслиги, изларнинг сифатсиз олинishi, жиноятни фош этиш бўйича режаларнинг юзаки тузилиши, тергов версиялари илгари сурилмаслиги ва текширилмаслиги ҳамда соҳавий хизматлар орасида ҳамкорликнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги жиноятларнинг тез ва тўла очилишига салбий таъсир ўтказмоқда. Баъзи жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг асосиз тўхтатилиши, айблов хулосаси билан прокуратура ва судларга юборилган жиноят ишларининг қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилиши, жиноят ишларининг ЖПКнинг 83-моддаси билан тугатилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда.

Энг ачинарлиси, айрим раҳбарларнинг бефарқлиги оқибатида тергов ходимлари томонидан хизмат интизомини қўпол равишда бузиш, хизмат ваколатини суистеъмол қилиш каби салбий ҳолатларни ҳанузгача кузатиш мумкин.

Албатта, юқоридаги ҳолатлар республикамизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш борасида соҳа олдида турган қўйидаги вазифаларнинг бажарилишини тақозо этади:

биринчидан, ҳудудий ички ишлар идоралари тергов аппаратлари терговчиларининг жиноят ишларини суд ва прокуратура идораларидан қўшимча терговга қайтарилиши, жиноят ишларини ҳаракатдан тугатиш ва тўхтатиш, жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларнинг бекор қилиниши билан боғлиқ ҳар бир ҳолатни чуқур таҳлил қилиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

иккинчидан, дастлабки терговни амалга оширишда ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараб, жиноят ишлари, ҳужжатларнинг пайсалга, сансалорликка солинишига сабабчи бўлган ҳар бир тергов

ходими ва унинг бевосита раҳбарига тегишли таъсир чораларини кўриш, бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш чора-тадбирлари амалга ошириш;

учинчидан, судларга айблов хулосалари билан юборилаётган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов тўлиқ ҳажмда ўтказилганлиги устидан идоравий назоратни кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишда терговчиларга амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш ҳамда дастлабки терговнинг илғор усул ва услубларини кенг тарғиб қилиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

тўртинчидан, тергов сифати билан боғлиқ амалиётни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, бу борадаги тергов ҳисоботларининг ҳаққонийлигини таъминлаш ва доимий назоратда тутиш, бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш, терговчиларнинг касбий маҳорати ва билим савияларини ошириб бориш учун уларни мунтазам равишда ўқитиш ишларини давом эттириш;

бешинчидан, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш;

олтинчидан, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини таъминлаш борасида тегишли ташкилий ишларни амалга ошириб бориш, суд ва прокуратура идоралари томонидан жиноят ишларининг асосиз равишда қўшимча терговга қайтарилиши, терговчиларнинг қарорларини бекор қилиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда ҳаракат қилинишини назорат этиш;

еттинчидан, дастлабки тергов ҳаракатлари жараёнида жиноят юз берганлиги, унинг айбдорлари, иш бўйича айбланувчини фош қиладиган ёки оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиб, ҳисобга олинishi, жиноят иши бўйича қонуний тўхтамга келиниши устидан назорат ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

---

---

<sup>1</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — Б.7–9.

<sup>2</sup> <http://xs.uz>. // Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

**Жалолов Б.О., Миразов Д.М. Ички ишлар органлари тизимларида дастлабки терговни амалга ошириш ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари.**

**Таянч иборалар:** қонун устуворлиги, дастлабки тергов, процессуал мажбурлов, ҳимоя ҳуқуқи, тергов аппаратлари.

Мақолада ички ишлар идораларининг тергов аппаратлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини ошириш, дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят учун жазо муқаррарлиги принципини амалга ошириш масалалари ҳақида мулоҳаза юритилиб, суд-ҳуқуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан фаолиятини таъминлаш юзасидан таклифлар берилган.

**Жалолов Б.О., Миразов Д.М. Состояние предварительного следствия в системе органов внутренних дел и пути его совершенствования.**

**Ключевые слова:** верховенство закона, предварительное следствие, процессуальное принуждение, право защиты, следственные аппараты.

В статье рассмотрены вопросы, касающиеся обеспечения верховенства закона в деятельности следственных аппаратов органов внутренних дел, повышения процессуальной независимости следователей, обеспечения конституционных прав граждан в процессе предварительного следствия, реализации принципа неотвратимости наказания за совершение преступления, сформулированы предложения по обеспечению независимости судебно-правовых органов.

**Zhalolov B. O., Mirazov D. M. Condition of preliminary investigation in the system of the organs of internal affairs and the ways of its improvement.**

**Keywords:** rule of law, preliminary investigation, procedural coercion, right of protection, investigative apparatuses.

The article deals with the questions concerning ensuring the rule of law in the activity of investigative offices of the organs of internal affairs, increasing of procedural independence of investigators, providing constitutional rights of citizens in the course of preliminary investigation, realization of the principle of inevitability of punishment for commission of crime and proposals on ensuring the independence of judicial and legal bodies are formulated.

Б. Э. Закиров\*  
С.Н.Гордеев\*\*

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РОЗЫСКНОЙ РАБОТЫ ОПЕРАТИВНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

«В истории каждого государства, — отмечает Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов, — переход к новому социальному качеству, к сожалению, всегда проходил на фоне такого отвратительного явления, как преступность.

При этом рост преступности является не только серьезным препятствием на пути реформ, но и при определенных обстоятельствах несет прямую угрозу достижению намеченных в переходный период целей»<sup>1</sup>.

В борьбе с преступностью на сегодняшний день повышается роль оперативно-розыскной деятельности, в связи с чем на основе выдвинутой главой государства Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране<sup>2</sup> 25 декабря 2012 г. был принят Закон Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности», определивший основные задачи, принципы и направления работы оперативно-розыскного характера.

Следует отметить, что с момента формирования теории оперативно-розыскного права сложилось устойчивое мнение о том, что одним из направлений деятельности оперативно-розыскного характера выступает розыскная работа, которая в настоящее время законодательно закреплена в качестве одной из ее основных задач<sup>3</sup>.

Действительно, розыскная работа выступает в роли самостоятельного направ-

ления оперативно-розыскной деятельности, которая наряду с предупреждением, выявлением, пресечением и раскрытием преступлений, имеет свои частные цели и задачи, а также особенности в их реализации.

Раскрывая содержательную часть розыскной работы, важно очертить границы ее основных направлений, определяющих специфику данной сферы.

Так, результаты изучения нормативно-правовых актов и специальной литературы позволяют выделить следующие направления розыскной работы оперативных подразделений:

1) осуществление комплекса розыскных мероприятий, направленных на установление местонахождения лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания, пропавших без вести и иных категорий разыскиваемых, а также принятие в отношении их предусмотренных законом мер;

2) осуществление комплекса мероприятий идентификационного характера, направленных на установление личности неопознанных трупов (при отсутствии признаков насильственной смерти) и граждан, в связи с болезнью или возрастом не способных сообщить о себе надлежащие сведения;

3) эффективное осуществление профилактики розыска<sup>4</sup>.

Данный вывод, с учетом проведенных

\* Начальник кафедры оперативно-розыскного права Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент.

\*\* Старший научный сотрудник-соискатель Академии МВД Республики Узбекистан.



---

---

исследований, на наш взгляд, наиболее полно отражает приоритетные направления розыскной работы применительно к практике оперативных подразделений.

Подобное умозаключение позволяет в определенной степени избежать узкого подхода к организации и тактике рассматриваемой сферы, нацеливает на комплексное использование сил и средств соответствующих органов в решении розыскных задач, предоставляя возможность оперативному составу эффективно и целенаправленно организовать и определить тактику проведения розыскных действий.

Результаты исследования практики розыска лиц, скрывающихся от органов следствия и суда, свидетельствуют о положительной динамике показателей деятельности в данном направлении розыскной работы. Так, показатель эффективности деятельности по розыску лиц, скрывающихся от органов следствия и суда, за период с 2009 г. по 2015 г. возрос на 3,22 %.

Однако уровень эффективности принимаемых мер всё же является недостаточным, ведь определенная часть рассматриваемой категории разыскиваемых не задерживается и не привлекается к уголовной ответственности, что создает условия для дальнейшего продолжения ими преступной деятельности.

Уклонение от правосудия нарушает принцип неотвратимости ответственности, делает уголовной процесс безрезультативным. Ибо, как правило, процесс доказывания в его конкретном выражении начинается только тогда, когда есть кому доказывать, иными словами, когда установлено и задержано лицо, совершившее преступление<sup>5</sup>.

Эффективное осуществление розыска скрывшихся преступников – одно из условий как реализации вышеизложенного принципа уголовного закона, так и пресечения дальнейшей криминальной деятельности лица. То есть разыскиваемый, будучи свободным в своих действиях и обладая антиобщественной направленностью, склонен и может продолжить совершать про-

тивоправные деяния. Кроме того, неустановление местонахождения обвиняемого (подсудимого) создает угрозу безопасности потерпевшего и свидетелей, формирует у определенной части населения мнение о неспособности правоохранительных органов государства обеспечить защиту прав и законных интересов граждан<sup>6</sup>.

Подобное положение может подорвать веру граждан в силу закона, воспрепятствовать формированию здорового нравственно-психологического климата в обществе. А этот фактор является одним из решающих в динамике и состоянии преступности, способен создать стереотип того, что «совершив противоправное деяние, можно просто скрыться», выйдя из поля зрения соответствующих органов, тем самым избежать уголовной ответственности.

Важное место в розыскной работе занимает также деятельность по установлению местонахождения без вести пропавших лиц. Пропавшие без вести лица могут стать жертвами тяжких преступлений против личности, а игнорирование криминальных обстоятельств их исчезновения при принятии первоначальных мер розыска может привести к тому, что преступления останутся нераскрытыми, а виновные в их совершении – безнаказанными.

Внезапность и беспричинность исчезновения лица, на наш взгляд, должны рассматриваться как признаки преступления, а вовремя предпринятые к отысканию пропавшего меры могут спасти жизнь человека.

Своевременное реагирование на заявления граждан и реализация органами внутренних дел целенаправленных неотложных мер по розыску без вести пропавших граждан оказывает положительное влияние на криминогенную ситуацию, способствует раскрытию замаскированных под безвестное отсутствие граждан убийства, установлению личности по неопознанным трупам.

Следует помнить, что выявленная при раскрытии и расследовании замаски-

---

---

рованных убийств информация может свидетельствовать и о проявлении транснациональной преступности в сфере теневой экономики, торговли людьми, контрабанды наркотических средств и оружия, отмывания незаконных доходов, свидетельствовать о деятельности деструктивных религиозно-экстремистских организаций.

Относительно равная доля, наряду с розыском лиц, пропавших без вести, в розыскной работе органов внутренних дел принадлежит деятельности по установлению личности неопознанных трупов, ежегодно превышающей 5% от общего объема рассматриваемого направления оперативно-розыскной деятельности.

Учитывая, что скрывающийся от правоохранительных органов преступник либо без вести пропавшее лицо могут стать жертвами преступления, несчастного случая, совершить самоубийство, эффективность установления их местонахождения во многом зависит и от результатов деятельности по установлению личности неопознанных трупов. Н.В.Филимонов и В.И.Моисеенко объясняют отнесение данного направления работы к оперативно-розыскной деятельности тем, что оперативные аппараты имеют возможность получить необходимые сведения при осмотре одежды, документов и иных предметов на месте обнаружения трупа, а также информацию в ходе оперативно-розыскных мероприятий, проводимых в связи с раскрытием преступления, розыском преступников и без вести пропавших<sup>7</sup>.

Следует отметить, что объем и характер розыскной работы определяются не только направленными на обнаружение разыскиваемых лиц мероприятиями.

Важнейшей задачей розыскной работы является также выявление, изучение и устранение условий, способствующих уклонению от ответственности и безвестному исчезновению граждан, длительному укрывательству (пребыванию) разыски-

---

---

ваемых лиц на обслуживаемой территории. То есть речь идет о так называемой профилактической составляющей розыскной работы.

Под профилактикой в розыскной работе следует понимать комплекс мероприятий, осуществляемых в целях установления причин уклонения и условий, способствующих ему; выявления из числа указанных лиц тех, кто намеревается или готовится скрыться (в том числе совершить побег из-под стражи); разъяснения им того, что их задержание и уголовная ответственность за побег – неизбежны; создания условий, затрудняющих уклонение (побег) или исключаящих его возможность; устранения причин и условий, способствующих длительному уклонению (пребыванию) разыскиваемых лиц на обслуживаемой территории; выявления лиц, склонных по каким-либо возрастным или физиологическим причинам к внезапному уходу из мест проживания, а также проведения в отношении их мер виктимологической профилактики и др.

Актуальность предупреждения уклонения, побега и безвестного исчезновения вполне очевидна, так как упущения в этом направлении могут вести к росту количества разыскиваемых лиц, а не устранение условий их длительного пребывания (проживания) на определенной территории влияет на эффективность розыскной работы, увеличивая объем деятельности оперативных подразделений.

Исходя из изложенного, можно утверждать, что розыскная работа органов внутренних дел должна включать в себя не только оперативно-розыскные меры, но также систему организационных, процессуальных, криминалистических и иных специальных мероприятий, осуществляемых в целях эффективной реализации задач рассматриваемого направления.

Однако, как показывает изучение практики, в розыскной работе все еще существует ряд пробелов и недостатков.

---

---

Анализ состояния розыскной работы оперативных подразделений органов внутренних дел позволяет сгруппировать основные факторы, негативно влияющие на эффективность их деятельности, по следующим направлениям:

- обусловленные недостаточным уровнем изучения и распространения передового опыта применения тактических приемов в процессе использования негласных сил, средств и методов оперативно-розыскной деятельности в розыскной работе;

- связанные с неполной реализацией принципа индивидуальности в розыскной работе, недостаточным уровнем работы с близким окружением разыскиваемых лиц;

- вытекающие из недостаточного тактического прогнозирования возможного поведения разыскиваемых, логического осмысления и творческого подхода к осуществлению розыскных задач;

- связанные с недостаточностью своевременности и наступательности оперативно-розыскных мероприятий;

- обусловленные целесообразностью повышения уровня использования возможностей других служб и подразделений органов внутренних дел.

Учет факторов, негативно влияющих на розыскную работу, формирует огромный резерв дальнейшего совершенствования деятельности в данном направлении, поскольку своевременно предпринятые меры организационного характера и верно выбранная тактика создают благоприятные условия для быстрого и эффективного розыска соответствующих категорий лиц.

Вопрос повышения эффективности розыскной работы на сегодняшний день приобретает особую значимость, так как данное направление деятельности может сыграть существенную роль в предупреждении преступности, устранении аспектов латентности, а также формировании в общественном сознании позитивной позиции по отношению к деятельности органов внутренних дел по обеспечению

законности и правопорядка.

Основные выводы, направленные на дальнейшее повышение эффективности розыскной работы оперативных подразделений органов внутренних дел, можно сформулировать следующим образом:

- 1) в целях повышения результативности розыскной работы представляется необходимым проведение комплексного исследования и разработка на его основе научно обоснованных предложений и рекомендаций по совершенствованию теоретических аспектов, правового обеспечения, организационных и тактических основ данного направления деятельности;

- 2) принципиального пересмотра отношение оперативных подразделений к сущности и содержанию информационно-аналитической деятельности, выступающей важнейшим условием успешного розыска. С этой позиции необходимо повысить также эффективность перспективного планирования, базирующегося на результатах информационно-аналитической работы;

- 3) необходимо создать устойчивую систему организации качественного, комплексного и систематического взаимодействия и использования возможностей иных служб и подразделений как правоохранительных структур в целом, так и органов внутренних дел в частности;

- 4) на первоначальном этапе розыска решающим моментом должно стать квалифицированное проведение комплекса первичных оперативно-розыскных мероприятий по месту жительства и работы разыскиваемого лица, направленных на выяснение всех сведений об особенностях личности последнего, определение точного момента начала его отсутствия, что предопределяет реализацию принципа наступательности и целенаправленности в выдвижении версий;

- 5) для достижения положительных результатов розыска необходимо широко использовать глубоко продуманные оперативные тактические приемы, возможности

---

---

социальных сетей Интернета;

б) в ходе проведения оперативно-розыскных мероприятий по розыску без вести пропавших важно акцентировать внимание на изучении психологических аспектов данного направления розыскной работы;

7) необходимо повысить ответственность органов следствия при избрании меры пресечения относительно обвиняемых, склонных к уклонению от правосудия;

8) в целях исключения недооценки оперативным составом значения розыскной работы необходимо усилить контроль

руководителей за данным направлением деятельности на всех ее этапах, предусмотрев оказание практической помощи сотрудникам в выборе тактически важных мер.

Безусловно, предложенные меры не носят исчерпывающий характер, поскольку факторы, негативно влияющие на розыскную работу, многообразны и далеко неоднозначны. Процесс совершенствования розыскной работы требует постоянного целенаправленного выявления и анализа таких факторов в целях их устранения, что, в свою очередь, будет влиять на обеспечение результативности розыскной работы.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса // По пути безопасности и стабильного развития. Т.6. – Т., 1998. – С. 81-82.

<sup>2</sup> См.: Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества – основной критерий развития нашей страны. Т. 19. – Т., 2011. – С. 61-62.

<sup>3</sup> Закон Республики Узбекистан от 25 декабря 2012 г. «Об оперативно-розыскной деятельности» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2012. – № 52. – Ст. 585.

<sup>4</sup> См.: Гордеев С.Н. О понятии розыскной работы органов внутренних дел // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2014. – №4. – С. 41-47.

<sup>5</sup> См.: Ткачук Т.А., Есин С.Н. Актуальные проблемы правового обеспечения розыска лиц, скрывшихся от дознания, следствия и суда // Вестник Владимирского юридического института. – 2008. – № 4(9). – С.238.

<sup>6</sup> См.: Закирова Э.Ф. Приостановление предварительного следствия в случае, когда подозреваемый или обвиняемый скрылся от следствия либо место его нахождения не установлено по иным причинам: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2004. – С.4.

<sup>7</sup> См.: Филимонов Н.В., Моисеенко В.И. Организация и тактика установления личности больных и детей, которые не могут сообщить о себе сведений, и неопознанных трупов. – Омск, 1990. – С.6.

**Зокиров Б. Э., Гордеев С. Н. Ички ишлар органлари оператив тузилмаларининг қидирув ишларини такомиллаштириш масалалари.**

**Таянч иборалар:** қидирув, қидирув иши, қидирув ишини ташкил этиш, тезкор-қидирув фаолияти, самарадорлик.

Мақолада ички ишлар органлари қидирув ишининг долзарб жиҳатлари таҳлил қилиниб, унга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамда соҳани такомиллаштириш юзасидан хулосалар келтирилган.

---

---

◆

**Закиров Б. Э., Гордеев С. Н. Вопросы совершенствования розыскной работы оперативных подразделений органов внутренних дел.**

**Ключевые слова:** розыск, розыскная работа, организация розыскной работы, оперативно-розыскная деятельность, эффективность.

В статье анализируются актуальные вопросы розыскной работы органов внутренних дел, характеризуются негативные факторы, влияющие на ее результативность, сформулированы предложения по дальнейшему совершенствованию данного направления деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел.

**Zakirov B. E., Gordeyev S. N. Questions of improvement of search work of operational divisions of the organs of internal affairs.**

**Key words:** search, search activity, organization of search activity, operational search activity, efficiency.

The article analyses topical issues of search work of the organs of internal affairs, characterizes negative factors influencing on its productivity. The author shares with his proposals on further improvement of search activity of operational divisions of the organs of internal affairs.

---

---

## ИЛГАРИ СУДЛАНГАНЛАР ТОМОНИДАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ

Шахсни содир этган унча оғир бўлмаган қилмиши учун қаттиқ жазолаш адолатсизликдан далолат беради. Сир эмас, собиқ Иттифоқ даврида «жамият учун хавfli бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган»<sup>1</sup>. Бу ҳол «маҳкумнинг жамиятга, нормал жамиятда яшашга мослашув қобилиятини бузиб, ўзи ва яқинлари учун масъулият ҳиссини йўқ қилади»<sup>2</sup>. «Шахсни жамиятдан ажратиш, айниқса, бу узоқ вақт давом этса, фойдали ижтимоий алоқаларнинг сусайишига, баъзан эса йўқолишига, шахсларнинг ижтимоий вазифалари жиддий чекланишига, эркин фуқаролар ҳар куни дуч келадиган маиший масалаларни ҳал қилишда мустақиллик ҳуқуқидан маҳрум бўлишига олиб келади»<sup>3</sup>.

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади. Ушбу концептуал ёндашувни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда жиноятлар таснифи ва жазо тизими қайта кўриб чиқилди. Бунда жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлди. «Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди»<sup>4</sup>.

Мустақиллик йиллари жиноятчиликнинг, шу жумладан, рецидив турининг

олдини олиш устувор йўналиш сифатида белгиланди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссияларнинг ташкил этилганлиги<sup>5</sup>, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги<sup>6</sup>, 2007 йил 11 июлдаги «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги<sup>7</sup>, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғи тарзидаги янги эҳтиёт чораси киритилганлиги, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни билан жиноят қонунида назарда тутилган жазо тизими «Озодликни чеклаш» деб номланувчи янги жазо тури билан тўлдирилганлиги мамлакатимизда жиноий жазо тизимини янада либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг яққол тасдиғидир.

**Хорижий экспертларнинг таъкидлашича,**

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедраси бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

---

---

**ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди<sup>8</sup>.**

Хусусан, жиноят қонунчилигига киритилган озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тури билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтганлар учун муайян имкониятдир. Бунинг негизида, моҳиятида шахснинг келгуси тақдири, энг асосийси, бир марта жиноят содир этган шахснинг такрор жиноят йўлига киришининг олдини олиш истаги ётади. Чунки, адашиб жиноят содир этган, ҳали ахлоқан тўла бузилиб улгурмаган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларидаги муҳит таъсири билан, яъни салбий хулқ-атворга эга, агрессив, тажовузкор маҳкумлардан салбий хусусиятларни қабул қилиб олиш эҳтимоли кўп. Бу эса, бир марта жиноят содир этган шахсларга индивидуал ёндашган ҳолда унинг келгусида такрор жиноят содир этишининг олдини олиш чораларини кўриш лозимлигини талаб этади.

Озодликни чеклаш жазоси қуйидаги афзалликларга эга: *биринчидан*, жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, жиноят содир этиш тажрибасига эга маҳкумлар билан яқин муносабатда бўлиш ва улардан салбий тажрибаларни ўранишининг олдини олади; *иккинчидан*, жазо ижро этилиши жараёнида маҳкум одатий ижтимоий муҳитдан ажратилмаслиги сабабли жазони ўтаб бўлгандан кейин уни ижтимоий реабилитация қилишга эҳтиёж қолмайди.

Ҳолбуки, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахслар жазодан озод бўлганларидан сўнг ҳар доим ҳам ўзларининг онгли турмуш шароитларини ташкил қилиб, бунга қўшилиб кета олмайдилар. Бу даврда жазодан озод бўлган шахслар билан ғоят мураккаб бўлган, бошқалар учун ўн йиллар давом этадиган жамиятда яшашга кўникиш, мослашиш

муаммосини жуда қисқа вақт мобайнида ҳал қилишларига тўғри келади<sup>9</sup>.

Криминологик тадқиқотларда ўта шафқатсизлик билан жиноят содир қилган маҳкумларнинг салкам ярми ҳеч жойда ишламаслиги ва ўқимаслиги, ярмида эса доимий яшаш жойининг йўқлиги аниқланган. Бундай жиноят содир қилганларнинг 50 фоизини эса иш жойини тез-тез ўзгартириб турадиган малакасиз ишчилар, яъни умуман ҳаётга ёмон кўникадиганлар ташкил этган<sup>10</sup>.

Бизнингча, муқаддам судланган шахсларни жамиятдан «бу жиноятчи», «бу қамалган инсон» деб ажратиб қўйиш эмас, балки унга керакли ёрдамни кўрсатиш, унинг қайта жиноят содир этишига олиб келадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали шахсни жамиятга мослаштириш лозим.

Ҳозирги кунда амалиётда озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларни жамиятга мослаштириш пенитенциар ва постпенитенциар йўналишларда олиб борилиши яққол кўзга ташланмоқда. Пенитенциар йўналиш жазони ижро этиш муассасаларининг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларнинг турмуши ва меҳнат фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган тадбирларни қамраб олади. Бу фаолият дастлабки босқич бўлиб, унда ушбу тоифадаги шахсларнинг қонунга итоаткор жамиятга кўникишлари учун асос яратилади<sup>11</sup>. Бунда жазони ижро этиш муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишларни самарали ташкил этиш муҳим ўрин тутаетди. Чунки, мазкур муассасаларда олиб бориладиган тарбиявий-профилактик чоратадбирлар жазо ўтаётган шахсларнинг ахлоқини тузатувчи воситалардан бири бўлиб, маҳкумларни қонунлар ҳамда жамиятда устун бўлган хулқ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек, уларнинг маънавий билим савиясини ҳамда касб-ҳунар маҳоратини оширишга ёрдам беради. Озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни ижро этиш тизимида тегишли қонунчилик ҳужжатлари асосида маҳкумлар

---

---

билан пенитенциар йўналишда ижтимоий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ташкилий ва бошқа комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Постпенитенциар йўналиш эса ушбу йўналишдаги ишларнинг энг истиқболли воситаларидан бири сифатида жазони ўтаган шахслар учун ижтимоий мослаштириш марказлари фаолиятини самарали ташкил этишни тақозо этади. Бундай марказнинг фаолияти ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаларида эришилган профилактик ишларни янада мустаҳкамлаш ҳамда мазкур шахсларнинг жамиятга мослашиш жараёнини сифатли ташкил этишдан иборатдир<sup>12</sup>.

Юқоридаги ишларнинг самараси сифатида 2015 йилга келиб рецидив жиноятчиликнинг жами жиноятчилик таркибидаги ҳиссаси 1992 йилга нисбатан 5,4 фоизга<sup>13</sup>, 2001 йилга нисбатан эса 6 фоизга камайганлигида кўришимиз мумкин<sup>14</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилларда илгари судланган шахслар томонидан қайта жиноятлар содир этилишининг олдини олиш борасида постпенитенциар йўналишда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 сентябрдаги «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатишган шахсларни мослаштириш марказлари ва махсус комендатура ҳисобидан чиқариш ҳақида»ги 357-сонли фармойишига асосан вилоятлардаги ҳокимиятлар ҳузурида ижтимоий мослашув марказлари, жойларда эса унинг шўъбалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори билан фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси ташкил этилди. Улар томонидан профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорликда ички ишлар органларининг профилактик

ҳисобида турган, айниқса, илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўювчи, турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактика ишлари олиб боришда иштирок этиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, жазони ижро этиш жойларидан бўшаб келган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларни белгиланган миқдорда нафақа пули, кийим-бош, озиқ-овқат билан таъминлаш, зарур ҳолларда уларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш билан боғлиқ ишлар ҳал этиб келинмоқда.

Жумладан, 2015 йилда маъмурий назоратда турган шахсларга бириктирилган мураббийлар сони 2014 йилга нисбатан 25,2 фоизга, ўта хавфли рецидивистлар билан ўтказилган профилактик ишловлар 22,3 фоизга, расмий огоҳлантирилган ўта хавфли рецидивистлар 33,3 фоизга, ишга жойлаштирилган маъмурий назоратда турган ўта хавфли рецидивистлар 24,0 фоизга, моддий ёрдам кўрсатилган маъмурий назоратда турган ўта хавфли рецидивистлар 18,5 фоизга ошган.

Криминологияга оид адабиётларда рецидив жиноятчиликнинг ўзига хос сабаб ва шароитлари: муқаддам судланган шахслар оиласида юзага келган салбий муносабатлар; муқаддам судланган шахсларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишда вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар; жазони ижро этиш муассасаларидаги салбий муҳит; муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар ҳамда улар устидан маъмурий назоратни олиб борувчи субъектлар фаолиятидаги хато ва камчиликлар билан боғлиқ криминоген омилларга ажратилади<sup>15</sup>.

Бизнингча, муқаддам судланган шахсларнинг озодликка чиққандан сўнг қайта жиноят содир этишларига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда: *биринчидан*, оила аъзолари билан унинг ўртасида бўшлиқнинг мавжудлиги; *иккинчидан*, шахснинг жазони ижро



этиш муассасаларида орттирган салбий хусусиятлардан воз кеча олмагани; *учинчидан*, жазони ўташ жойларидаги танишлари билан алоқанинг мавжудлиги; *тўртинчидан*, жамиятнинг, айниқса, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларининг озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб келган шахсларга нисбатан (жумладан, ишга қабул қилиш вақтда) салбий муносабати; *бешинчидан*, уларнинг маиший турмуш соҳасидаги муаммоларининг ўз вақтида ҳал этилмаслиги; *олтинчидан*, ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан уларга керакли ижтимоий-ҳуқуқий, моддий-маънавий ёрдамларнинг ўз вақтида ва етарли даражада берилмаётгани; *еттинчидан*, ўзгаларнинг уларга нисбатан бефарқлиги ёки совуқ муносабатда бўлиши.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, жазони ўташ жойларидан бўшаб келган шахслар билан ўтказиладиган профилактик суҳбатнинг биринчи кундаёқ қуйидаги маълумотлар олиниши зарур: уларнинг судлангунга қадар қариндошлари ва яқин алоқалари; маиший ва оилавий шароити, турар жойининг бор-йўқлиги; оила аъзоларининг унга бўлган муносабати; моддий таъминоти; шунингдек жазони ўташ жойидаги хулқ-атвори ва тузалиш даражаси. Бу маълумотлар у билан ўтказиладиган дастлабки профилактик суҳбат давомида ёки у жазо ўтаган жойдаги муассаса томонидан юборилган ҳужжатлар орқали олиниши лозим.

Маълумки, муқаддам судланган шахсларнинг бўш вақтларида ижтимоий-фойдали фаолиятга жалб этилмаслиги ва бу масалага ички ишлар идоралари ҳамда жамоатчилик томонидан етарли эътибор берилмаслиги улар устидан олиб борилаётган назоратнинг кучсизланишига ёки умуман назоратсизликка олиб келади. Хулқ-атвори оила аъзолари, яшаш жойидагилар, ички ишлар органлари ходимлари томонидан назорат қилинмайдиган, ижтимоий-фойдали фаолиятдан йироқ шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш кечирувчи, жиноят содир этишга мойил шахслар таъсирга тушиб қоладилар

ёки уларнинг ўзлари бошқаларни, айниқса, вояга етмаганларни жиноий фаолиятга жалб этадилар.

Рецидив жиноятлар содир этган маҳкумлар орасида анкета сўровлари ўтказилганида уларнинг учдан бир қисми, яъни 33,2 фоизи бўш вақтларини ҳеч ким назорат қилмаганлигини айтганлар<sup>16</sup>.

Статистик маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, мамлакатимизда 2014 йилга нисбатан 2015 йилда илгари жиноят содир этган шахслар сони 2,6 фоизга кўпайган, 2015 йилда жами жиноятда иштирок этган шахслар таркибида илгари жиноят содир этганлар сони 9,2 фоизни ташкил этиши кузатилган.

2014 йилга нисбатан 2015 йилда профилактик ҳисобда турган илгари судланган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар 11,0 фоизга, маъмурий ҳуқуқбузарликлар 14,0 фоизга, шундан маъмурий назоратда турган ўта хавfli рецидивистлар томонидан 42,8 фоизга, ушбу тоифадаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар эса 31,2 фоизга, илгари жиноят содир этган шахслар томонидан содир этилган қотиллик 26,5 фоизга, қасдан оғир тан жароҳати етказиш 28,7 фоизга, безорилик 9,7 фоизга, фирибгарлик 10,1 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин<sup>17</sup>.

Маъмурий назорат – ҳуқуқий тартибни таъминлашда ички ишлар органларининг энг муҳим фаолият усулларида бири. Маъмурий назорат давлат бошқарувида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга йўналтирилган давлат мажбурловининг бир кўринишидир. Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари муҳим вазифани бажаради ва асосий субъектлардан бири ҳисобланади. Ички ишлар органларининг маъмурий назорати – бу фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан қонун ва қонуности ҳужжатларига амал қилинаётганлиги устидан мунтазам кузатув бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, ҳуқуқбузарлик содир этган

---

---

шахсларни жавобгарликка тортиш ва улар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини тартибга солишга қаратилган фаолиятдир<sup>18</sup>. Ҳозирги кунда (2015 йил якунлари бўйича) жами маъмурий назоратда турганлар таркибида ўта хафли рецидивистлар 16,0 фоизни ташкил этмоқда.

Илгари жиноят содир қилганлиги учун жазони ўтаган, лекин жазодан ўзига тегишли ижобий хулоса чиқармаган шахсларга нисбатан профилактик турдаги чораларнинг етарли тарзда, ўз вақтида олиб борилмаслиги уларнинг яна ўз жиноий фаолиятини давом эттиришига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар хавфсизлигига ва жамият тараққиётига жиддий хавф туғдиради. Шу нуқтаи назардан қайта жиноят содир этиб, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб қайтган шахсларга нисбатан ахлоқ тузатиш усуллари самарали қўллаш, уларни озодликка чиққандан кейинги дастлабки даврда жамиятга ижтимоий кўникиб олишларига ёрдам бериш, шунингдек, хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш билан бирга, ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш юзасидан ёрдам беришни ташкил этиш ва амалга ошириш талаб этилади.

Чунки, илгари судланган шахслар томонидан жиноятларнинг такрор содир этилиши бундай шахслар жиноий фаолияти ва жиноий шерикларидан воз кечмаганликларини, шунингдек, уларда жамиятга зид қарашларнинг мавжудлигини кўрсатади. Аммо бу ҳолат такроран жиноят содир қилаётган муқаддам судланган шахсларнинг тақдирига бефарқ бўлиш, уларга нисбатан ҳеч қандай ғамхўрлик қилишнинг зарурати йўқ деган хулосани бермайди. Аксинча, қайта жиноят содир этувчи бундай шахслар ўсган муҳит, уларнинг жиноят содир қилишига сабаб бўлган омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш зарур.

Албатта, жазони ўташ жойидан бўшаб келган шахслар орасидан ижтимоий

фойдали меҳнатдан бўйин товлаб меҳнат қилишни истамайдиганлари ҳам бор. Бундай ҳолларда профилактика (катта) инспекторлари уларнинг ҳаёт кечириш манбаи, меҳнат билан шуғулланмаслик сабабларини ўрганадилар ва уларни меҳнатга жалб этиш чораларини кўрадилар.

Ҳолбуки, жазони ижро этиш жойларидан бўшатиш билан таъминлаш масаласи ҳозирги вақтда энг асосий муаммолардан биридир. Шу боис, жазони ижро этиш жойларидан бўшатиш билан шахсларни ижтимоий ҳаётга кўнктириш марказларининг фаолиятини кучайтириш, бундай тоифадаги шахсларни турар жой, айниқса, иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш уларнинг қайтадан жиноят йўлига киришларининг олдини олишга имкон беради, деб ўйлаймиз<sup>19</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари томонидан қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш келгусида рецидив жиноятчиликнинг олдини олишга, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатиш билан шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва уни амалга ошириш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилади:

– илгари судланган шахслар жазони ижро этиш жойларидан озод қилинганларидан кейин уларни ижтимоий ҳаётга кўнктириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиш механизмининг ишлашини таъминлаш;

– ушбу тоифадаги шахсларнинг ҳаётига салбий таъсир этувчи криминоген вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, бартараф этиш, таъсирини кучсизлантириш бўйича чоратadbирларни мунтазам равишда амалга ошириш;

– муқаддам судланган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан

---

---

ҳамкорликни кучайтириш;

– ушбу тоифадаги шахслар бўш вақтларини қандай ўтказаятганликларини оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва жамоатчилик вакиллари ёрдамида мунтазам назорат қилиб туриш, яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишни самарали ташкил этиш;

– рецидив шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби ва қоидаларига тўлиқ амал қилиш, уларга нисбатан ўрнатилган махсус маъмурий назоратни ўз вақтида олиб бориш, шунингдек уларга нисбатан ўрнатиладиган қонуний чеклашларни тўғри танлаш зарур.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002. – Б. 35.

<sup>2</sup> Зарипов З.С., Мирзажонов Қ. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун муқобил чоралар // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001. – № 4. – Б. 50.

<sup>3</sup> Антонян Ю.М., Верещагин В.А. Тюремная субкультура осужденных и нейтрализация её негативных проявлений // Государство и право. – 1996. – № 9-10. – С. 14.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 19.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги «Маҳалла посбони жамоат тузилмалари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари, Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1999. – № 4. – 20-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-м.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ахборотномаси. – 2007. – № 7. – 333-м.

<sup>8</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 21.

<sup>9</sup> Каракетов Й., Усмоналиев М. Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик чоралари. – Т., 1995. – Б. 79.

<sup>10</sup> Антонян Ю.М. Преступления, совершаемые с особой жестокостью // Государство и право. – 1992. – № 9. – С. 65.

<sup>11</sup> Безруказаров Г.О. Моральные нормы поведения осужденных в местах лишения свободы и юридические обязанности как средство их обеспечения // Реализация положений нового законодательства в сфере исполнения уголовных наказаний. – М., 1995. – С. 12.

<sup>12</sup> Қаранг: Жаббарбергенов Р. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан бўшатишган шахсларни жамиятга мослаштириш – рецидив жиноятларнинг олдини олиш йўналиши // Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. – Т., 2004. – Б. 225.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2015 йил 12 март). – Т., 2015. – Б. 14.

<sup>14</sup> Қаранг: Кримнология. Умумий қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т., 2015. – Б. 84.

<sup>15</sup> Исмоилов И., Сатторов Ч. Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. – Т., 2000. – Б. 14–15.

<sup>16</sup> Пўлатов Ю.С., Сатторов Ч.А. Рецидив жиноятчиликка қарши курашда яқка тартибдаги профилактик чораларнинг роли // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2001. – № 1. – Б. 42.

---

---

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармасининг «Илгари жиноят содир этган шахслар билан ўтказилган профилактик тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи»да келтирилган статистик маълумотлар таҳлили.

<sup>18</sup> *Бородин С.С., Иванов П.В., Оськин Ф.Ф.* Административная деятельность органов внутренних дел. Словарь терминов и понятий. – СПб., 2000. – С. 10.

<sup>19</sup> *Исмоилов И.* Ишсизлик ва жиноятчилик // Хуқуқ-Право-Law. – 1998. – № 1. – Б. 39–41.

**Мухторов Ж.С. Илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш.**

**Таянч иборалар:** илгари судланган, рецидив жиноят, жамиятга мослаштиришнинг пенитенциар йўналиши, жамиятга мослаштиришнинг постпенитенциар йўналиши, тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар.

Мақолада илгари судланганлар томонидан жиноят содир этилишининг сабаб ва шароитлари, илгари судланган шахслар, хусусан, жазони ижро этиш муассасарида жазо ўтаб қайтганларнинг шахси, рецидив жиноятларнинг олдини олиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар атрофлича ёритилган.

**Мухторов Ж.С. Предупреждение совершения преступлений со стороны ранее судимых лиц.**

**Ключевые слова:** ранее судимое лицо, рецидивное преступление, пенитенциарное направление адаптации к обществу, воспитательно-профилактические меры.

В статье рассматриваются причины и условия совершения преступлений ранее судимыми лицами, в частности, лицами, возвратившимися из мест исполнения наказания, государственная политика в области предупреждения рецидивных преступлений и её значение, а также задачи профилактических служб в этом направлении.

**Muhtarov J.S. The prevention of commission of crimes by previously convicted persons.**

**Keywords:** previously convicted person, recurrent crime, penitentiary assigned to adaptation to community, educational and preventive measures.

The article deals with reasons and conditions of committing crime by previously convicted persons, especially by the persons who came back from the places of execution of punishment, a state policy in the field of prevention of recurrent crimes and its significance as well as the tasks of preventive services in this direction.

Ў.Т. Назаров\*  
Т.Б. Маматқулов\*\*  
С.А. Нурумбетова\*\*\*

## ВОҚЕА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА МИКРООБЪЕКТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

«Экспертиза бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, турли жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар судловда суд экспертизаси ўзига хос ўринга эга.

Ҳуқуқни қўлловчи органлар ва судлар жиноятларни тезкорлик билан фош этиш, холисона тергов қилиш ва судда кўриш, низоларни ҳал қилиш жараёнида суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланишлари лозим. Чунки, суд экспертизаси махсус билимларга асосланган иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита, «тилсиз, инкор этиб бўлмайдиган» далилдир. Аммо амалий фаолиятда техник-криминалистик таъминотнинг талаб даражасида эмаслиги ёхуд айрим ҳолларда ходимларнинг эътиборсизлиги, воқеа жойида топилган излар, микрозаррачалар билан ишлаш бўйича назарий-амалий билимларнинг етишмаслиги сабаб баъзи эксперт-криминалистлар ҳодиса содир бўлган жойда қўл (бармоқ) изларини олишдан нарига ўта олмайдилар.

Ички ишлар идоралари эксперт-криминалистика хизматларининг 2015 йилга асосий аналитик маълумотларига кўра, ўтган йилда эксперт-криминалистлар республикамиз бўйича 46,85 фоиз жиноятнинг очилишида кўмаклашганлар. Ҳодиса содир бўлган жойдан далилий ашёларни олишда микрозаррачалар олинганлиги қайд этилмаган.

Воқеа жойларига чиққан тергов-тезкор гуруҳи ходимларининг ҳодиса жойини сифатли кўздан кечириши ва айнқса, эксперт-криминалист ходимларининг далилий ашёларни олишга, воқеа жойини кўздан кечиришда бармоқ изларини олишда асосий эътибор микрозаррачалар ва бошқа изларни олиш ҳамда улар асосида тегишли экспертизалар тайёрлаш бўйича белгилаб берилган вазифалар қанчалик долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ашёвий далиллар ичида микроскопик тадқиқотлар билан боғлиқ бўлган кичик ўлчамли объектлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай объектлар қаторига чанг зарралари кўринишидаги тупроқ бирикмалари, толали маҳсулотлар, кўчган бўёқ қатламлари ва зарралари ҳамда бошқа шунга ўхшаш объектларни киритиш мумкин. Микрообъектлар деганда, жиноят ҳодисасига тегишли, ўлчамлари ва массалари кичик бўлган шундай объектлар тушиниладики, уларни ҳодиса жойида топиш, олиш ва тадқиқ қилиш махсус восита ва аппаратларнинг қўлланилишини талаб қилади<sup>2</sup>.

Ҳодиса жойида микрообъектлар билан ишлашни шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) ҳодиса жойида микрообъектларни қидириш ва топиш;
- 2) техник қайд этиш (фото, видео тасвирга олиш);

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистик маркази бошлигининг ўринбосари.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедраси бошлиғи в.б., юридик фанлар номзоди, доцент.

\*\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси.

- 3) кўздан кечириш;
- 4) микрообъектларни олиш;
- 5) ҳодиса жойида микрообъектларнинг «экспресс-таҳлил»и ва дастлабки тадқиқоти;
- 6) микрообъектларни кўздан кечириш баённомасида қайд этиш;
- 7) микрообъектларни ўраб жойлаштириш;
- 8) микрообъектларни сақлаш;
- 9) микрообъектлар бўйича экспертиза тайинлаш.

Микрообъектлар икки усул – визуал ҳамда физикавий ва кимёвий методлар орқали қидириб топилади. Визуал усулда табиий ёруғликдан фойдаланиб, ўтувчи нурлар, турли лупалар ёрдамида микроскоп остида қидирилади. Иккинчи усулда эса турли техник восита ва методлардан фойдаланилади. Яъни физикавий методларга турли ёруғлик манбалари ва филтрлар, ультрабинафша ва инфрақизил нурларда микрообъектларни қидириш ва бошқалар киради. Кимёвий усулда турли моддалар асосида кимёвий таҳлил ўтказилади.

Эксперт-криминалистлар микрообъектларни қидиришда қўйидагиларга риоя қилишлари керак. Яъни:

- барча объектлар олдин жойидан кўзга-тилмасдан текширилиши;
- объектларни кўчиришда уларнинг тагига тоза қоғоз қўйилиши;
- ишлаётганда диққат-эътиборли бўлиши, резина қўлқоплардан фойдаланиши;
- объектларни бир бирига тегиб кетишидан сақланиши;
- из ташувчидан олинган микрообъектлар кейинчалик эксперт тадқиқоти учун тегишли тартибда сақланиши;
- ноқулай шароитларда из ташувчилар олиниб, кейинчалик кўздан кечириш учун сақланиши<sup>3</sup>.

Микрообъектларни қидириш икки босқичли ҳаракатдир. Биринчи босқичда микрообъектлар бўлиши мумкин бўлган объект аниқланади, сўнг эса уларни қидиришга киришилади. Иккинчи босқич ҳаракатлари айрим ҳолатларда лаборатория шароитида олиб борилади. Кўпгина

жиноятларнинг содир этилишида (қотиллик, номусга тегиш, тан жароҳатлари етказиш ва бошқалар) жиноятчи билан жабрланувчи бевосита алоқада бўлади ва натижада, микроразрларнинг бир объектдан иккинчи объектга ўтиши содир бўлади. Шунингдек, жиноятчилар ўзларининг мақсадларини амалга оширишда турли буюмлар, ускуналардан фойдаланади ва улар бевосита микрообъектларнинг ташувчиси бўлиб қолади.

Амалиётдан маълум бўлишича, бундай из ташувчиларга кўпроқ қўйидагилар киради:

- одам танаси, кийимлари ва пойафзали;
- пичоқлар, совуқ қуроллар ва ўқотар қуроллар;
- бузиш қуроллари ва ускуналар;
- контактли жароҳатга эга объектлар;
- ер ҳудудлари, йўл, пол ва объектларнинг ўзаро таъсирлашув жойлари;
- транспорт воситалари.

Микрообъектларни турли асослар, яъни: моддий мавжудлик шаклига; кўриниш даражасига; мустаҳкам шаклининг мавжудлигига; келиб чиқиш манбаига; гуруҳий тегишлилигига; из ташувчи билан таъсир алоқасига; физикавий хусусиятларига; бошқа асосларга кўра таснифлаш мумкин. Моддий мавжудлик шаклига кўра улар микроразрлар (бирор буюм ёки объектнинг майда заррачалари), микроизлар (изларни қидиришда уларнинг майда қисмчаларининг топилиши) ҳамда микро из-моддалар (қон томчилари, автомашина мойлари ва бошқа шунга ўхшаш моддаларнинг кичик қисмлари)га бўлинади.

Ҳодиса жойидан топилган микрообъектлар кўздан кечириш баённомасида қайд этилади. Баённомада из ташувчи предметнинг таърифи: унинг турган жойи, кўриниши, функцияси, вазифаси, бошқа шунга ўхшаш объектлардан фарқловчи хусусиятлари; из ташувчи предметда микрообъектнинг жойлашган жойи ва унинг кўзгалмас мўлжалга нисбатан жойлашуви; микрообъектнинг характеристикаси: ягона ёки тўплам ҳолати, кўриниши, ранги, табиати, ўлчами ва топилиш усули ёзилади. Микрообъектларнинг шакли (толасимон,

---

---

чанг ҳолатида, қиринди шаклида, ўсимлик қолдиқлари кўринишида, соч толасига ўхшаш ва бошқалар) олиш ва ўраб жойлаштириш воситалари киритилади.

Микрообъектлар ҳодиса жойидан из ташувчи билан ва алоҳида тарзда олиниши мумкин. Масалан, алоҳида тарзда қуйидагича олинади:

– ажратилиши қулай бўлган микрообъектлар из ташувчи предметда эркин жойлашган бўлади (металли куқунлар полда сочилиб ётибди, мурда танасида соч толаси турибди, фара синиқлари асфальтда ётибди ва бошқалар);

– топилган микрообъектлар из ташувчи предметнинг юзасида жойлашган ва транспортда ташиш давомида уларни йўқотиш хавфи мавжуд ёки жойлашган жойини ўзгартириб юбориши мумкин;

– из ташувчи предмет катта ҳажмга эга ва уни транспортда ташиш имконияти йўқ (мебель, сейф, пианино ва бошқалар);

– микрообъектлар скальпел, пинцет, нина ёрдамида олинади, мурданинг қўлидаги микрообъектлар эса оқ рангли юпқа тасма орқали олинади;

– тирноқ ости таркиби тирноқ пластинасидан фойдаланиб олинади, металл микрообъектлар магнитли чўтка ёрдамида олинади;

– агар микрообъектлар кўп миқдорда бўлса, из ташувчи билан бирга олинади ёки мутахассис ёрдамида уларнинг ичидан олинadигани танланади.

Ҳар бир из ташувчи алоҳида ўраб жойлаштирилади, нам буюмлар олдин қуритилиб, сўнг ўраб жойлаштирилади. Кийим-кечаклар тахланади ва ҳар икки қатлам орасига тоза қоғоз қўйилади. Ўраб жойлаштириш воситаси сифатида матолар,

дока, пахта, қоп, полиэтилен қоплар ишлатилмайди. Совуқ қуроллар, пистолетлар, револьверлар, усқуналар, ойна синиқлари, ёғоч бўлаклари, шиша идишларда қўл изларининг мавжудлиги ва уларнинг бузилиб кетмаслигини эътиборга олган ҳолда ўраб жойлаштирилади. Қўл тирноғи ости таркиби ҳар бир қўл учун ва ҳар бир бармоқ учун алоҳида рақамланган ҳолда ўралади. Кичик ҳажмли буюмлар қўзғалмас тарзда мусаҳкамланиб, транспортда ташиш давомида микрообъектларнинг йўқолиб кетмаслигини таъминлаган ҳолда, катта ҳажмли буюмлар эса бошқа объектлар билан таъсирлашмайдиган шароитда яшиқларга, картон қутиларга жойлаштирилади ва оғзи қоғоз билан елимланган, муҳрланган ҳолда бўлади. Ўраб жойлаштириш воситаларида нима, қаердан ва қачон олинганлиги тўғрисидаги ахборотлар ёзилиши керак<sup>4</sup>.

Микрообъектлар фото ёки видеотасвирга олинади. Улар топилган жойда ориентирли, узелли ва деталли фотосуратга тушириш методларидан фойдаланилади. Бунда микрообъектларнинг бошқа атрофдаги объектларга нисбатан ўзаро жойлашуви, уларнинг структуравий ва рангли хусусиятлари тўғрисидаги ахборотлар акс этиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳодиса жойини кўздан кечириш – ишга тааллуқли жиноят изларини топиш, қайд этиш, тадқиқ этиш ва олиш мақсадида ўтказиладиган, бўлиб ўтган ҳодиса характерини ва ишга тегишли бошқа ҳолатларни аниқлашдан иборат кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатидир. Жиноятнинг очилиши ва унинг самарали тергов қилинишида ҳодиса жойини кўздан кечириш ва унда микрообъектлар билан ишлаш марказий ўрин тутуди ва муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Астанов И.Р. Жиноят ишлари бўйича экспертиза ўтказиш: назария ва амалиёт. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2010. – Б. 27–28

<sup>2</sup> Носиров У.М. Ҳодиса жойини кўздан кечириш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2014. – Б. 226.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 227.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б. 232.

---

---

**Назаров Ҳ.Т., Маматқулов Т.Б., Нурумбетова С.А. Воқеа жойини кўздан кечиришда микрообъектлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Таянч иборалар: микрообъектлар, эксперт-криминалист, далилий ашё, физикавий ва кимёвий метод, «экспресс-таҳлил», микрозарра.

Мақолада «микрообъектлар» тушунчаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш ва тергов ҳаракати жараёнида микрообъектларни қидириш, топиш, кўздан кечириш, фото ва видео тасвирга тушириш ва сақлаш, айниқса жиноятнинг очилиши ва самарали тергов қилинишида ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда унда микрообъектлар билан ишлашнинг ўзига хос томонлари ёритилган.

**Назаров Ҳ.Т., Маматқулов Т.Б., Нурумбетова С.А. Специфика работы с микрообъектами при осмотре места происшествия.**

**Ключевые слова:** микрообъекты, эксперт-криминалист, вещественные доказательства, физико-химический метод, экспресс-анализ, микрочастица.

В статье анализируется содержание понятия микрообъектов, рассматривается специфика работы экспертов-криминалистов в процессе поиска, обнаружения, осмотра, фотографирования, видеосъемки и сохранения микрообъектов в ходе осмотра места происшествия и следственных действий, значимость и эффективность работы с микрообъектами при раскрытии и расследовании преступлений.

**Nazarov H.T., Mamatkulov T.B., Nurumbetova S. A. Specific character of work with microscopic objects in inspection of crime scene.**

**Keywords:** micro objects, forensic expert, physical evidence, physical and chemical method, express analysis, microparticle.

The article is devoted to the analysis of the content of the notion of microscopic objects and deals with specific character of work of forensic experts in the course of search, detection, examination, photography, video filming and preservation of microscopic objects in the process of observation of the scene and investigative actions, the significance and efficiency of the work with microscopic objects in solution and investigation of crimes.

---

---



## УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ СЛЕДОВАТЕЛЯ С ОПЕРАТИВНЫМИ ПОДРАЗДЕЛЕНИЯМИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Под взаимодействием в органах внутренних дел понимается основанная на законах и подзаконных актах, согласованная по целям, времени и месту деятельность различных звеньев системы органов внутренних дел<sup>1</sup>.

Значимость взаимодействия в органах внутренних дел проявляется в том, что именно оно сокращает путь к цели, повышает эффективность предпринимаемых действий, в нашем случае — преступления раскрываются быстрее, расследование ведется качественнее.

Эффективность взаимодействия выражается не только в единстве, но и в специфике методов осуществления раскрытия и расследования преступлений. Следователь и оперативные подразделения ОВД обладают специфическими, только им присущими средствами раскрытия и расследования преступлений. Вместе с тем эти полномочия дают наибольшую отдачу только в ходе совместной и согласованной деятельности.

Однако ни в теории, ни на практике до сих пор нет ясного ответа на вопрос: каким образом эффективно объединить усилия и возможности процессуальной деятельности следователей и оперативно-розыскной деятельности сотрудников уголовного розыска как представителей двух систем, осуществляющих свою деятельность в различных законодательных режимах (уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной). Изучение современной практики также свидетельствует о том, что сближение между оперативно-розыскной и процес-

суальной деятельностью в достижении единой цели осуществляется в недостаточной степени.

Следует особо обратить внимание на два фактора, непосредственно влияющих на эффективность взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел. Первым и основным из них является правовая регламентация данного взаимодействия в уголовно-процессуальном законодательстве. Вторым фактором рассматриваемого взаимодействия является правовая регламентация в нормах Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности». Это означает, что уголовно-правовая регламентация взаимодействия следователя с оперативными подразделениями имеет правовую основу, закрепленную в нормах уголовно-процессуального и оперативно-розыскного законодательства.

На наш взгляд, правовую регламентацию взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел можно рассматривать в двух аспектах:

во-первых, как отражающую общее процессуальное и организационное сотрудничество следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел на основе действующего уголовно-процессуального и оперативно-розыскного законодательства в форме непосредственного взаимодействия;

во-вторых, взаимодействие в этой области отражает отношения следователя и оперативных подразделений органа

\* Старший научный сотрудник-соискатель Академии МВД Республики Узбекистан.

---

---

дознания ОВД, возникающие на стадиях досудебного производства, начиная с доследственной проверки и заканчивая направлением уголовного дела в суд.

Правовая регламентация взаимодействия определяется его целями. В одних случаях такой целью может быть совершенствование уголовно-правового законодательства, регулирующего взаимодействие следователя с органами дознания при проведении следственных и процессуальных действий, в других регламентация взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов дознания при осуществлении последними оперативно-розыскной деятельности, и, наконец, в-третьих — правовое регулирование взаимодействия следователя с оперативными подразделениями в розыске скрывшегося преступника посредством проведения розыскных действий.

Согласно действующему законодательству существуют и процессуальные сроки взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел, определяющие правовую регламентацию рассматриваемой деятельности. Затрагивая общие аспекты взаимодействия следователя с оперативными работниками, Г. А. Абдумажидов указывает на продолжительность взаимодействия, подчеркивая, что оно может быть единовременным, кратковременным и долговременным<sup>2</sup>. Так, рассматриваемое нами взаимодействие может носить: разовый характер (при выполнении отдельных разовых поручений); срочный характер (на период доследственной проверки, производства дознания, предварительного следствия); осуществляться на постоянной основе в течение значительного времени (например, в период всей работы по конкретному уголовному делу или группе дел того или иного вида, после приостановлении производства по уголовному делу в связи с неустановлением лица, совершившего преступление, или неизвестностью местонахождения скрывающегося обвиняемого) и др.

В связи с принятием Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» возникла необходимость внесения изменений в действующий УПК страны, направленных на гармонизацию норм данного Закона с процессуальным законодательством. В связи с этим считаем целесообразным подробнее охарактеризовать данные аспекты взаимодействия.

Следует признать, что при расследовании преступлений оперативно-розыскная деятельность имеет субординационное подчинение в отношении процессуальной деятельности органов дознания, которым предоставлено право на проведение оперативно-розыскной деятельности и которое, в зависимости от содержания взаимодействия, можно подразделить условно на две группы.

В первую группу взаимодействия следователя и оперативных подразделений органов дознания входят оперативно-розыскные мероприятия, результаты которых сами по себе не могут служить основанием для принятия процессуальных правовых решений. Это могут быть оперативно-розыскные мероприятия, проводимые в связи с необходимостью получения разведывательной информации в интересах безопасности общества и государства.

Касаясь вопросов взаимодействия оперативно-розыскных подразделений и следователя органов внутренних дел при раскрытии и расследовании преступлений, рассматриваемую первую группу взаимодействия относительно подробно исследовал А.В. Гордин<sup>3</sup>.

Во вторую группу взаимодействия следователя и оперативных подразделений органов дознания можно включить оперативно-розыскные мероприятия, материалы деятельности которых согласно ч. 2 ст. 19 Закона Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» могут служить основанием для возбуждения уголовного дела, представляться в органы дознания, следствия, прокуратуру, в произ-

---

---

водстве которых находится уголовное дело, для подготовки и проведения следственных действий, а также использоваться при доказывании по уголовным делам в соответствии с нормами УПК Республики Узбекистан. Это могут быть оперативно-розыскные мероприятия, проводимые в интересах оперативно-розыскного сопровождения дознания и предварительного следствия по конкретным уголовным делам, а точнее:

– выявление возможных свидетелей и других источников доказательств;

– проверка достоверности полученных показаний;

– сбор данных для розыска подозреваемых и других причастных к расследованию лиц.

Следует отметить, что оперативно-розыскные мероприятия в соответствии с данными основаниями проводятся исключительно по согласованию и с ведома следователя, в производстве которого находится уголовное дело.

Таким образом, соотношение процессуальной и оперативно-розыскной деятельности при взаимодействии следователя с органами дознания исходит из следующих компонентов:

во-первых, процессуальная деятельность всегда является гласной и требует наличия источника процессуальной информации;

во-вторых, оперативно-розыскная деятельность имеет перманентный конфиденциальный характер и содержит требование о запрете разглашения источника информации, имея целью уголовно-процессуальную реализацию данных оперативно-розыскной деятельности. Процессуальная же деятельность использует оперативно-розыскную деятельность только в интересах обеспечения задач предварительного следствия и судебного разбирательства, безотносительно к целям и задачам оперативно-розыскной деятельности;

в-третьих, оперативно-розыскная деятельность всегда может в полном объеме использовать данные, полученные процес-

суальным путем, тогда как процессуальная деятельность обеспечивается оперативно-розыскной информацией только в той части, которая может указать направление для процессуального поиска источника доказательства, без раскрытия источника оперативной информации;

в-четвертых, уголовно-процессуальная деятельность, осуществляемая дознавателем, следователем, прокурором, отличается от оперативно-розыскного процесса, осуществляемого оперативным работником, по оценке итогов данной деятельности, так как итогом процессуальной деятельности является получение информации, обладающей свойством процессуального доказательства, в то время как итогом оперативно-розыскной деятельности является получение информации, которая только при наличии оснований, предусмотренных ст. 19 Закона «Об оперативно-розыскной деятельности», может быть использована в расследовании преступлений;

в-пятых, процессуальная деятельность осуществляется уполномоченными уголовно-процессуальными органами и должностными лицами, обладающими уголовно-процессуальной правосубъектностью осуществлять дознание, предварительное следствие в целях установления доказательств виновности или невиновности конкретного лица о совершении или не совершении им преступного деяния, в то же время оперативно-розыскная деятельность осуществляется только оперативными работниками органа дознания для решения задач предварительного расследования и имеет по отношению к ним сопровождающий, обеспечивающий и охраняющий характер;

в-шестых, по времени совершения процессуальная деятельность осуществляется только в рамках возбужденного уголовного дела и отчасти, когда производятся следственно-проверочные действия по установлению признаков совершенного преступления, в стадии возбуждения уголовного дела, в то

---

---

время как оперативно-розыскная деятельность может осуществляться задолго до официального проведения следственно-проверочных действий на основе получения оперативной информации о замышляемых и подготавливаемых, однако еще не совершенных преступлениях.

Вышеуказанные отличия уголовно-процессуальной деятельности от оперативно-розыскной деятельности отражают особенности уголовно-правовой регламентации взаимодействия следователя с органами дознания.

Таким образом, как следственные действия, так и оперативно-розыскные меры взаимно дополняют друг друга при взаимодействии следователя и органа дознания, действуя на объект воздействия с различных направлений: следственные в официально-гласной процессуальной сфере, оперативно-розыскные меры в конфиденциальной сфере. Вместе с тем, их цели различаются между собой всего лишь на один порядок, а именно: получение процессуальной информации дает возможность реализовать задачи уголовного процесса, а получение оперативной информации для выявления, предупреждения, пресечения и раскрытия преступлений, а также для выявления и установления лиц, их совершивших; осуществление розыска лиц, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от уголовного наказания, без вести пропавших; добывание информации о событиях или действиях, создающих угрозу государственной, военной, экономической или экологической безопасности Республики Узбекистан.

Таким образом, можно согласиться с мнением Д. И. Астапкина о том, что «оперативно-розыскная деятельность в борьбе с преступностью дополняет следственно-процессуальную, так как обеспечивает условия для выполнения задач уголовного процесса с точки зрения создания наиболее благоприятной оперативно-розыскной ситуации путем негласного воздействия на

лиц, либо сбора соответствующей информации о лицах, подготавливающих, замышляющих или совершивших преступные деяния»<sup>4</sup>.

Следует отметить, что в уголовно-правовой регламентации взаимодействия следователя и органа дознания существует определенная интерпретация данного понятия. В соответствии с этой интерпретацией уголовно-правовое взаимодействие следователя и органа дознания заключается в их согласованной деятельности по обеспечению успешного раскрытия и расследования преступлений каждой из сторон в рамках своей компетенции, присущими ей средствами и методами<sup>5</sup>.

На основании этого в уголовном процессе при возбуждении уголовного дела, орган, возбудивший дело, обязан немедленно уведомить об этом прокурора, перед которыми, по справедливому утверждению Б.Х.Пулатова, Генеральная прокуратура Республики Узбекистан ставит задачу организовать надзор за законностью производства дознания и предварительного следствия так, чтобы вся деятельность по борьбе с преступностью, ни одно действие либо принятое решение органов дознания и предварительного следствия не расходилось с законом, осуществлялись в строгом соответствии с законом<sup>6</sup>. По выполнению же неотложных следственных действий, но не позднее десятидневного срока, орган дознания должен передать дело следователю и, если преступление еще не раскрыто, принимать оперативно-розыскные меры к установлению преступника, уведомляя следователя об их результатах (без указания применения в оперативной работе негласных методов и источников получения соответствующих сведений). Следственные и розыскные действия по переданному следователю делу о раскрытом преступлении орган дознания выполняет только по поручению следователя. Аналогичный порядок определен и в действующем уголовно-процессуальном законодательстве, где указывается порядок

---

---

взаимодействия следователя с органом дознания при проведении доследственной проверки.

Основной целью уголовно-процессуальной регламентации взаимодействия следователя и оперативных подразделений органов внутренних дел является оптимизация регулирования в действующем законодательстве оперативно-розыскной деятельности для раскрытия неочевидных преступлений. В случае, если преступление совершено в условиях очевидности, то для его раскрытия большого времени не требуется, и на повестке дня стоит вопрос том, чтобы качественно расследовать данное преступление, в связи с чем потребность взаимодействия с органом дознания может и не возникать или выражаться в форме разовых поручений<sup>7</sup>. Но необходимо отметить, что уголовно-процессуальный закон предусматривает и нормы, согласно которым выполнение некоторых следственных действий является прерогативой исключительно следователя, и он выполняет их сам, не поручая органу дознания (предъявление обвинения, назначение экспертизы, ознакомление обвиняемого и его защитника с материалами законченного следственного производства).

Следует отметить, что помимо вышеуказанных законодательных актов взаимодействие следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел регламентируется прежде всего Указом Президента Республики Узбекистан от 27 марта 2001 г. «О мерах по улучшению деятельности органов внутренних дел», где изложены меры по улучшению деятельности органов предварительного следствия, органов дознания и укреплению законности, а также приказом МВД Республики Узбекистан, касающимся вопросов организации следственной работы в органах внутренних дел Республики Узбекистан, в котором предусмотрены дополнительные меры по совершенствованию управленческой деятельности органов следствия, обеспечение

взаимодействия по расследованию уголовных дел, установлению и задержанию преступников с подразделениями уголовного розыска и борьбы с терроризмом, патрульно-постовыми и дорожно-патрульными службами, инспекторами профилактики и сотрудниками других служб органов внутренних дел.

Не последнее место в правовой регламентации взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел занимает также начальник следственного подразделения и органа дознания. Их указания о формах и содержании взаимодействия, как и указания прокурора, обязательны для следователя и дознавателя. Эти указания могут, помимо прочего, относиться к организации следственно-оперативной группы, ее составу и т.п. Отметим, что роль начальника следственного подразделения в организации взаимодействия следователя с органами дознания и вопросы соблюдения законности рассмотрены в трудах ряда отечественных ученых, в том числе А.Х.Рахманкулова, Д.М.Миразова, У.Т.Тургунова<sup>8</sup>.

Как нам видится, уголовно-правовое регулирование взаимодействия следователя и оперативных подразделений органов внутренних дел в раскрытии и расследовании преступлений складывается из ряда элементов, из которых *первый* элемент выражается в предварительном анализе материалов дела следователем, определении задач, которые требуют совместной деятельности, конкретных исполнителей его поручений из числа сотрудников органов дознания.

*Второй* элемент заключается в необходимости взаимообмена различного рода информацией, которую имеют в своем распоряжении следователь и органы дознания, могущую существенно повлиять на ход расследования преступлений. Необходимо заметить, что обмен информацией между следователем и сотрудником органа дознания имеет двусторонний, взаимодей-

---

---

полняющий характер. Взаимное информирование необходимо для корректировки и обеспечения согласованности планов следствия и деятельности органа дознания. Как уже было отмечено, это особенно важно при планировании проведения совместных следственных, розыскных действий, процессуальных мероприятий, успех которых зависит от того, точно ли выдерживают ее участники намеченные сроки и очередность запланированных розыскных и следственных действий. Это важно для деятельности следственно-оперативной группы, которая может выражаться в выполнении совместных, одновременно проводимых следственных и розыскных действий.

*Третий* элемент можно охарактеризовать как корректировку работы участников взаимодействия в зависимости от результатов работы.

Следует отметить, что под рассматриваемым взаимодействием понимается соответствующая уголовно-процессуальному порядку субординационная, согласованная по целям, задачам, силам, средствам, месту, времени и формам проведения деятельность на основе выполнения органом дознания поручений следователя, имеющая целью раскрытие совершенного и пресечение совершаемого преступления, установление и привлечение к ответственности лица, совершившего преступное деяние, обнаружение и возврат похищенного имущества владельцу, включая иную информацию, способствующую ходу и результатам предварительного следствия, возможного розыска скрывающегося обвиняемого, его задержания.

В заключение предлагаются следующие научные и практические рекомендации, направленные на совершенствование уголовно-процессуального порядка

взаимодействия следователя с оперативными подразделениями в борьбе с преступностью:

совершенствование уголовно-процессуальной регламентации механизма взаимодействия следователя с оперативными подразделениями ОВД в значительной степени зависит от внесения соответствующих изменений в действующее уголовно-процессуальное и оперативно-розыскное законодательство по вопросам процессуального и организационного сотрудничества между ними. Это взаимодействие должно содержать нормы по согласованию целей, задач, сил, средств, места и времени деятельности в процессе собирания доказательств по уголовному делу, находящемуся в производстве следователя и дознавателя;

можно согласиться с предложением Д.М.Миразова, который отмечает, что «учитывая планомерное расширение перечня и полномочий органов дознания, а также принятие Закона «Об оперативно-розыскной деятельности», целесообразно точно определить круг полномочий и дел, рассматриваемых органами дознания, для чего требуется пересмотр и принятие в новой редакции ст. 343 УПК, где будут упорядочены начало, окончание дознания, следственные и процессуальные действия, проводимые ими»<sup>9</sup>;

необходимо разработать инструкцию по взаимодействию следователя с оперативными подразделениями по раскрытию и расследованию преступлений.

Таким образом, на сегодняшний день уголовно-процессуальное взаимодействие следователя с оперативными подразделениями нуждается в планомерной координации, что будет способствовать повышению эффективности взаимодействия участников уголовного процесса в раскрытии и расследовании преступлений.

---

<sup>1</sup> См.: *Икрамов Ш.Т.* Тезкор-қидирув хизматлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги: Ўқув қўлланма. – Т., 2013. – Б.24.

<sup>2</sup> См.: *Абдумажидов Г. А.* ва бошқ. Криминалистика. – Т., 2003. – Б.18.

---

<sup>3</sup> См. подробнее: *Гордин А. В.* Взаимодействие оперативно-розыскных подразделений и следователя органов внутренних дел при раскрытии и расследовании преступлений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2005. – С. 22.

<sup>4</sup> См. подробнее: *Астапкин Д. И.* Взаимодействие следователя и сотрудников оперативно-розыскных подразделений на начальном этапе расследования заказных убийств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С. 26.

<sup>5</sup> См. подробнее: *Оспанов С. Д.* Взаимодействие органа дознания со следственным аппаратом ОВД: процессуальные, криминалистические и организационные проблемы: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1990. – С. 25.; *Слинько С. В.* Сущность, формы и правовые основы взаимодействия следователя с органом дознания: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Харьков, 1991. – С. 26.; *Яковенко В. Е.* Взаимодействие следователей с работниками ГАИ при расследовании дел о дорожно-транспортных происшествиях: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1992. – С. 24.

<sup>6</sup> См. подробнее: *Пулатов Б.Х.* Прокурор назорати. – Т., 2009. – Б. 18.

<sup>7</sup> См. подробнее: *Тхакушинов М. А.* Реализация принципов уголовного судопроизводства в уголовно-процессуальной деятельности прокуратуры: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – СПб., 2003. – С. 46.

<sup>8</sup> См. подробнее: *Рахманкулов А.Х.* Предварительное следствие в органах внутренних дел. – Т., 2005. – С. 24; *Тургунов У.Т.* Обеспечение законности на стадии предварительного расследования. – Т., 2014. – С. 59.

<sup>9</sup> *Миразов Д.М.* Судга қадар иш юритувни тартибга солувчи ЖПК нормаларига киритилган қўшимча ва ўзгартишларнинг таҳлили ва ривожланиш истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2014. – №4. – Б. 62.

**Каримова Д.Э. Терговчининг ички ишлар идоралари тезкор бўлинмалари билан ҳамкорлигининг жиноят-процессуал жиҳатлари.**

**Таянч иборалар:** ҳамкорлик, терговчи, ички ишлар идоралари, тезкор-қидирув бўлинмалар, суриштирув органлари, жиноят-процессуал жиҳатлар, ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш.

Мақолада терговчининг ички ишлар идоралари тезкор-қидирув бўлинмалари билан ҳамкорлигининг жиноят-процессуал жиҳатлари, терговчининг суриштирув органлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш ҳақида сўз боради.

**Каримова Д.Э. Уголовно-процессуальные аспекты взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел.**

**Ключевые слова:** взаимодействие, следователь, органы внутренних дел, оперативные подразделения, органы дознания, уголовно-процессуальные аспекты, совершенствование механизма взаимодействия.

В статье рассматриваются уголовно-процессуальные аспекты взаимодействия следователя с оперативными подразделениями органов внутренних дел, сформулированы предложения по совершенствованию взаимодействия следователя с органами дознания.

**Karimova D.E. Criminal procedure aspects of interaction of the investigator with operational units of the organs internal affairs.**

**Keywords:** interaction, investigator, the organs of internal affairs, operational units, bodies of inquiry, criminal procedure aspects, improvement the mechanism of interaction.

The article deals with criminal procedure aspects of interaction of the investigator with the operational units of the organs of internal affairs. The author puts forward suggestions on improvement of interaction of the investigator with the organs of inquiry.

---

Х. О. Абдурахмонов\*

## САЙЛОВ ТИЗИМИДА ЭЛЕКТОРАЛ ИСЛОҲОТ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Илмий адабиётларда шаклланган нуқтаи назарга кўра, *электорат* (лот. *elector* – сайловчи, инг. *electorate* – сайловчилар жамоаси, сайлов корпуси) – давлат, маъмурий-худудий бирлик, сайлов округи барча сайловчиларининг умумлаштирилган номи. Бундан ташқари, мазкур тушунча муайян депутатни, сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсни қўллаб-қувватловчи сайловчиларни англатиши ҳам мумкин<sup>1</sup>.

Юридик энциклопедияда электорат парламент, президент ёки муниципал сайловларда иштирок этувчи сиёсий партиянинг сайловчилари, тарафдорлари эканлиги таъкидланади<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, ҳар икки манбада берилган таърифда ҳам ушбу тушунча сайловчиларга нисбатан ишлатилади. Сайлов жараёнининг асосий субъектларидан бири ҳам сайловчилардир. Сайловчиларнинг иштироки ва овози сайлов натижаларини ҳал этувчи муҳим омилдир.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, сайлов бу биз қураётган ҳуқуқий демократик давлатнинг узвий бир қисми, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий шаклидир<sup>3</sup>.

Янги демократик жамиятнинг сиёсий тизими ва давлат тузумини белгилар эканмиз, унда ҳар бир фуқаронинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли даражада эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак. Бунда давлатнинг зиммасига катта масъулият юкланиб, у сиёсий партия-

ларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди, уларга ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Асосий қонунимиз – Конституцияда жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Демократик жамият сиёсий тизимида сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари алоҳида ўрин тутаяди. Партиялар фуқаролар билан давлатни боғлаб туриш вазифасини бажарувчи фаол бўғин ҳисобланади. Партия давлат билан халқнинг ўртасидаги гоёвий воситачи бўлиб, айни вақтда сиёсий маданиятни юксалтирувчи омиллардан биридир. Сиёсий партияларнинг аҳамияти шундаки, сайловлар пайтида кўрсатилаётган номзодлар қобилияти, салоҳияти, халқ ўртасида обрў топган кишилардан иборат бўлиши таъминланади. Бошқача айтганда, номзодларнинг, етакчиларнинг холис табиий танланиши рўй беради<sup>5</sup>.

Президентимиз Ислон Каримов бу хусусда тўхталиб, «... биз демократик жамият қурмоқчи эканмиз, жамиятимизда албатта кўппартиявийлик тизими бўлиши керак... Кўппартиявийлик, аввало, жамиятимизда ўз манфаат ва қарашларига эга бўлган ҳар қайси ижтимоий қатлам ва гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўлиқ акс эттириш учун керак. ...сиёсий партиялар ҳам ўз гоёси, мақсад ва вазифалари билан бир-биридан фарқ қилиши зарур. Шундагина улар жамиятдаги хилма-хил қараш ва манфаатларни тўлақонли акс эттирган бўлади»<sup>6</sup>, деган эди.

\* Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.



---

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасига асосан, «Сиёсий партия қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир»<sup>7</sup>. Ушбу таъриф сиёсий партиялар тўғрисидаги илмий тасаввурга асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан, «партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантирган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак»<sup>8</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида республикада фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг мафкура ва голяри етарли даражада такомиллашмагани, дастурларида қайд этилган фикрлар бири-бирига ўхшашлиги туфайли улар ўртасида рақобат рисоладагидек кечмаганини жамоатчилик ҳам таъкидлаганди. Жумладан, Р.З. Жумаевнинг ёзишича, «сиёсатдан беҳабар сайловчи гоҳо «демократик партия» билан «социал демократик партия» орасидаги ёки бўлмаса, «халқ демократик партияси» орасидаги фарқни ҳам англай олмаган»<sup>9</sup> эди.

Сиёсий партияларнинг дастурлари, улардаги гоьлар ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларида ўтказилган ижтимоий сўровда аксарият респондентларнинг жавоби салбий натижани кўрсатган. «Ўзбекистонда ташкил этилган сиёсий партияларнинг дастурларидан хабардормисиз?» деган саволга респондентларнинг 71,8 фоизи йўқ, 21,2 фоизи «яхши эмас», атиги 6,2 фоизи хабардор эканлигини маълум қилган.

Ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 75,3 фоизи мавжуд партиялар дастурларидаги фарқни, яна 71,4 фоиз респондентлар партиялар бир-биридан қай жиҳатлар билан фарқланиб туришини билмаслигини эътироф этганлар<sup>10</sup>.

Мамлакатимизда икки палатали парламентнинг вужудга келиши, шунингдек, «Давлат бошқарувини янгилаш янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши жамият ва давлат қурилишида барча ижтимоий қатламлар манфаатини тўлиқроқ ҳисобга олиш учун янги шарт-шароитларни юзага келтирди ва сиёсий партияларнинг «жонланиши»га сабаб бўлди<sup>11</sup>.

Шу ўринда, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган «Сайловлар—2009» мавзуидаги социологик сўров натижаларига эътибор қаратайлик. «Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар қачон ўтказилишини биласизми?» деган саволга сентябрь ойида 71,4 фоиз респондент, октябрь ойида 84,2 фоиз сўралганлар бу санадан хабардорлигини маълум қилганлар. Бу ерда аҳолининг сиёсий хабардорлигини оширишда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари (матбуот ҳамда телевидение)нинг тарғибот, ташвиқот ишлари тегишли самара бергани аён.

Аҳолининг мамлакатдаги мавжуд сиёсий партияларнинг фаолиятдан хабардорлиги ҳам сиёсий дунёқараш ва сиёсий маданият кўрсаткичидир. Ўтказилган сўров натижасига кўра, «Ўзбекистонда ҳозирги вақтда қандай сиёсий партиялар фаолият юритмоқда?» деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб қайтарган: сайловчиларнинг 74,2 фоизи — ХДП, 70,1 фоизи — ЎзЛиДеП, 59,3 фоизи — «Адолат», 41,7 фоизи — «Миллий тикланиш» партиясини билишини таъкидлаган. «Сиёсий партияларнинг қайси бири Сизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қарашларингизни муфассал ифодалайди?» деган

---

---

саволга қуйидагича жавоб олинган: ХДП – 26,0 фоиз, ЎзЛиДеП – 19,8 фоиз, «Адолат» – 14,3 фоиз, «Миллий тикланиш» – 8,1 фоиз. «Барчаси қисман ифодалайди» деган жавоб – 16,8 фоиз. Жавоб беришга қийналганлар – 15,0 фоизни ташкил этган.

Ҳозирги кунда парламентимиз қўйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўртасида ўзаро рақобатлашув жараёни кескин тус олмоқда. 2010 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистоннинг келажигини таъминловчи 2011 йилги Давлат бюджетини қабул қилиш ва бандлик ҳамда янги иш ўринларини яратиш бўйича Ўзбекистон ХДП ва ЎзЛиДеП ғоялари бири-бирига қарама-қарши позицияда бўлганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси матбуот хизмати мамлакатнинг 2011 йилги давлат бюджетини қабул қилишда барча сиёсий партиялар муҳокамада фаол қатнашганлигини ва масалага ўз электорати нуқтаи назаридан ёндашиб, унинг ижобий ҳал этилганлиги ҳақида маълумот берганди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партия сайлов жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, бу 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларда яққол сезилди. Сиёсий партиялар бевосита сайловчилар билан учрашувларга, улар орасида тушунтириш ва тарғиб олиб боришга алоҳида эътибор қаратди. Сайловолди ташвиқоти бошлангандан кейин улар томонидан жами 10 мингдан ортиқ учрашувлар ўтказилди.

2014 йил 22 декабрь бўлиб ўтган сайловларни ёритиш бўйича Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжуманида сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг

89 фоизини ташкил этиши маълум қилинди<sup>12</sup>.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг фаол иштироки 2015 йил 29 мартда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловларда ҳам яққол намоён бўлди. Сайловда иштирок этиш истагини билдириб, Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этган барча сиёсий партиялар – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда қатнашиш учун рухсат берилди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши 2015 йил 19 март куни бошланиб, 27 март куни якунига етди. Республика бўйича 26 минг 803 нафар фуқаро муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланди. Овоз бериш куни жорий йилнинг 29 март куни сайловчилар рўйхатига киритилган 20 миллион 798 минг 52 нафар сайловчидан 18 миллион 942 минг нафар фуқаро овоз беришда иштирок этди. Бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг 91,08 фоизини ташкил этди.

Мустақиллик йилларидаги барча сайловлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бугунги кунда сайловчилар, барча партиявий электоратнинг онглилиги, сиёсий фаоллиги, ўз манфаатлари учун қонуний курашиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида сиёсий партиялар ўз электоратининг, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий савияси ва маданиятини юксалтиришга йўналтирилган катта ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боради.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, ўтказилган сайлов

---

---

жараёнларида фуқароларнинг сиёсий маданияти ошганлиги, сиёсий партияларнинг ҳам сайловолди ва сайлов жараёнидаги тадбирларда иштироки фаоллашганлигининг кузатиш мумкин. Тадқиқотчи С.О.Хўжаева таъкидлаганидек, сайловчиларнинг электорал маданиятини юксалтиришда Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказадиган семинар, конференция, давра суҳбатлари, маҳаллалардаги аҳоли билан учрашувлар, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг тарғибот фаолияти ҳам катта аҳамият касб этади<sup>13</sup>.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатадики, сиёсий партияларнинг сайловдаги ролини унда иштирок этувчи субъектларнинг қонуний доираси белгилаб беради. Ушбу иштирокчилар жумласига сиёсий партиялар (шу билан бирга уларнинг коалициялари), носий ижтимоий бирлашмалар ва сайловчилар киради<sup>14</sup>.

Хўш, бугунги кунда сиёсий партиялар халқ ишончини қозониш, сайловчиларнинг ишончига эга бўлиши учун нималар қилмоғи лозим?

Ш. Мамадалиевнинг фикрича, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ҳокимият эгаларига айлантириш, англаб олинмаган нарсаларни англатиш, юзага келган муаммоларни биргаликда ҳал этиш партиялар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак; сиёсий партиялар давлат ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши ва бу ишга ўз фаолиятининг таркибий қисми сифатида қараши лозим; сиёсий партиялар давлат ҳокимиятини шакллантириш, қонун чиқариш жараёнидаги фаолиятни янада мустақамлаш устида

тинимсиз изланишлар олиб боришлари зарур. Партияларнинг бу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлари сайловчиларга рўй-рост айтилиши керак. Акс ҳолда, партиялар сайловчилар ишончини йўқотади<sup>15</sup>.

Сиёсий партиялар ўз электоратининг ишончини қозониш, электорал ислохотларни истиқболли самарасига эришиш учун яна қуйидагиларга эътибор бериши лозим, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, сиёсий партиялар сайловолди дастурларида илгари сурилган ғояларнинг амалга ошириши учун бор имкониятларини сафарбар этмоғи, бунга ўз электоратини кенг жалб қилмоғи ва улар амалга ошганда, бу ҳақда ўз сайловчиларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам хабардор этиб бориши;

иккинчидан, сиёсий партиялар ўз фаоликларини нафақат сайловолди жараёнларида, балки бутун фаолияти давомида мунтазам олиб бориши;

учинчидан, сиёсий партиялар ўз фаоликларини изчил ошириш йўллариини излаши лозим. Бу борада илғор хориж тажрибаларидан миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиб, жамият ва давлат тараққиёти билан ҳамоҳанг тарзда модернизациялашни устувор вазифа сифатида белгилаши зарур.

Бир сўз билан айтганда, электоратнинг фаоллиги ва қатъий позицияси — сиёсий партияларнинг сайловлардаги муваффақияти гаровидир. Шу сабабли, электоратни шакллантириш, унинг ишончи ва эътиборини қозониш сиёсий партиялар фаолиятининг доимий диққат марказида туриш лозим.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н. Тойчиев. — Т., 2010. — Б.548.

<sup>2</sup> Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — Б. 557.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир. — Т., 2015. — Б.105.

- 
- <sup>4</sup> Қаранг: *Абзалов А.* Сиёсий тизим: моҳияти, тузилиши ва ривожланиши. – Т., 2010. – Б.82.
- <sup>5</sup> *Қирғизбоев М.* Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар. – Т., 1998. – Б.33.
- <sup>6</sup> *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005.–Б.25.
- <sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – 1997. – №2. – 36-м.
- <sup>8</sup> *Каримов И.А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Т., 2010. – Б.23.
- <sup>9</sup> Қаранг: *Жумаев Р.З.* Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. – Т., 1998. – Б.41.
- <sup>10</sup> Қаранг: *Мамадалиев Ш.О.* Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Т., 2003. – Б.165.
- <sup>11</sup> Қаранг: *Бердиқулов С.* Демократик янгилашни жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни. – Т., 2011. – Б.40.
- <sup>12</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2015. – № 1-2 (34–35). – Б.152–165.
- <sup>13</sup> Қаранг: *Ходжаева С.А.* Роль Центральной избирательной комиссии в повышении электоральной культуры населения/ Избирательное законодательство: опыт России и Узбекистана. – Т., 2004. – С.40–45.
- <sup>14</sup> *Беков И.Р., Аббосхўжаев Ш.А.* Сайлов ва сиёсий партиялар. – Т., 2004. – Б. 17.
- <sup>15</sup> Қаранг: *Мамадалиев Ш.О.* Партия – ижтимоий фикр учун курашиш керак // *Ҳуқуқ -Права - Law.* – 2004. – №1. – Б.67.

**Абдурахмонов Х.О. Сайлов тизимида электорал ислоҳот ва унинг истиқболлари.**

**Таянч иборалар:** сайлов тизими, сайловчилар, сиёсий партиялар, электорат, электоратнинг сайлов маданияти, сиёсий фаолликни юксалтириш, электорал ислоҳот.

Мақолада мамлакатда ўтказилган демократик сайловлар тажрибасини умумлаштириш асосида сиёсий партиялар электоратининг, барча сайловчиларнинг фаоллигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммолари таҳлил этилган. Электорал ислоҳотлар сиёсий модернизациялашнинг устувор ўзаги сифатида таърифланиб, уларнинг истиқболига оид мулоҳазалар билдирилган.

**Абдурахмонов Х.О. Электоральная реформа в избирательной системе и ее перспективы.**

**Ключевые слова:** избирательная система, избиратели, политические партии, электорат, электоральная культура, повышение политической культуры, электоральная реформа.

В статье на основе обобщения опыта проведенных в стране выборов рассматриваются проблемы повышения активности, правовой культуры избирателей, в том числе партийного электората. Автор, определяя электоральные реформы в качестве приоритета политической модернизации, формулирует предложения, направленные на их оптимизацию.

**Abdurakhmonov H.O. Electoral reform in electoral system and its prospects.**

**Keywords:** electoral system, electors, political parties, electorate, electoral culture, raising of political culture, electoral reform.

The article deals with the problems of raising the activity, electors' legal culture including party electorate on the basis of general experience held in the country. The author determining the electorate reforms as a priority of political modernization formulates proposals aimed at their optimization.

## БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

Бозор муносабатлари шароитида мол-мулкни сақлаш ва асраш вазифаси мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда, хусусий мулкдорлар манфаатларини амалга оширишда ва мавжуд мол-мулкларнинг нобуд бўлишининг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Жамиятда мол-мулк ва моддий неъматларнинг қонун нормалари орқали ҳимояланганлигидан ташқари, уларни амалда сақлаб туриш, турли ташқи таъсирлардан асраш ва мол-мулкнинг мавжудлиги, шикастланмаслигини таъминлаш иқтисодий юксалишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ислохотлар тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини жиноий жавобгарликка тортиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини тартибга соладиган маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, барча турдаги рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини

таъминлашда янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни сақлаш ва асраш муносабатлари қадим замонларданоқ кишилар ўртасидаги ҳаётий эҳтиёжлардан бири ҳисобланган. Айниқса, мол-мулкнинг ҳар доим ҳам мулкдор назорати ва таъсири остида бўлиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ушбу ижтимоий-ҳуқуқий муносабатга нисбатан эҳтиёжни келтириб чиқарган. Шу маънода, фуқаролик ҳуқуқида ўзганинг мол-мулкни муайян муддатга сақлаб туриш, бошқача айтганда, омонат сақлаш шартномаси институтининг вужудга келишига замин яратди.

Бозор муносабатлари шароитида эса омонат сақлаш шартномаси янгича мазмун ва маъно касб этганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳолат, биринчи навбатда, омонат сақлашга нисбатан давлат монополиясига барҳам берилиши билан изоҳланса, иккинчидан, хусусий мулкдорлар синфининг шаклланиши ва хизмат кўрсатиш турларининг ривожланиб бориши билан боғлиқ. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши натижасида омонат сақлашга, айниқса, унинг ўзига хос тури бўлган товар омборида омонат сақлашга нисбатан эҳтиёж туғилди.

Омонат сақлаш хизмати фуқаролик муомаласида ўзига хос ўринга эгаллиги билан ажралиб туради. Хизмат кўрсатишнинг мазкур турида бир тараф (омонат сақловчи) иккинчи тараф (юк топширувчи)нинг ўзига топширган мол-мулкни сақлаш ва уни тўлиқ қайтариши лозим бўлади. Омонат сақлаш муносабатлари фуқаролик ҳуқуқида анъанавий тусга эга бўлган ва қадим замонлардан

\* Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

---

буён шаклланиб келаётган институтлардан бири бўлиб, бунда мулкдорнинг ашёга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқи маълум муддатга бошқа шахсга ўтади ва бу шахс (сақловчи) ашёни сақлаб туриш баробарида ашёга нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Маълумки, иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда шартномалар муҳим аҳамиятга эга. Шартномалар орқали бозор муомаласи иштирокчиларининг иш бажариш, хизмат кўрсатиш, товар топшириш билан боғлиқ муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Шартнома товарлар ҳаракатининг ҳуқуқий воситаси сифатида бозор муносабатларида ўзига хос ўрин тутаяди.

Илгари иқтисодий муомала иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар давлат органлари томонидан қабул қилинган маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан тартибга солинарди. Шу билан бирга, хўжаликлар ва ташкилотлар ўртасидаги шартномавий алоқалар олдиндан режалаштирилган режа (план)га асосан шакллантириллар, давлат органи томонидан берилган наряд ва разнарядкалар асосида эса товарлар етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш амалга ошириллар эди.

Ҳ. Раҳмонкуловнинг фикрига кўра, аввалги кодексда мажбуриятларнинг вужудга келиш асоси сифатида асосан режалаштириш ва маъмурий ҳужжатларга эътибор берилган<sup>1</sup>.

Ўша даврда иқтисодий ривожланишнинг асосий қоидалари бўлган талаб ва таклиф, рақобат қонуниятлари ўрнига давлатнинг иқтисодий ривожланишга қаратилган плани асосида, сунъий равишда иқтисодий муомала иштирокчилари ўртасидаги алоқалар йўлга қўйиллар эди. Бунда ҳеч бир корхона ўз хоҳишига кўра бошқа корхона билан шартномавий алоқаларга киришиши мумкин бўлмай, шартномалар кимлар ўртасида тузилиши, шартнома предмети ва баҳоси, товарнинг сифати ва миқдори каби энг кичик ҳолатгача давлат органлари

томонидан олдиндан белгилаб бериларди.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб бориши, барча соҳаларда мустаҳкам ҳуқуқий негиз яратишни тақозо этади. Зеро, мустаҳкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин<sup>2</sup>.

Ижтимоий жамиятнинг бошқа соҳалари каби ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам бозор иқтисодиёти муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш зарурати келиб чиқмоқда.

Республикамызда ҳақ эвазига хизмат кўрсатишни давр талаблари даражасида ривожлантириш учун, энг аввало, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг хизмат турларини ривожлантириш зарур. Маълумки, мулкдорлар ҳар доим ҳам ўзларига тегишли мол-мулкни, кўчар ашёларни ўзлари билан олиб юриш ёки ўз имкониятларидан келиб чиқиб уни сақлаб туриш имкониятига эга бўлавермайдилар. Масалан, фуқаро узоқ муддатга хизмат сафарига кетаётганда ўзига тегишли ашёларни қўшнисига қараб туриши учун топшириб кетиши, йўловчи ўз юкини транспорт ташкилотининг юкхонасига топшириб, ўзи бошқа манзилга бориб келиши мумкин ёхуд тадбиркор товарларни бозордаги сақлаш хоналарида сақлаши унинг тадбиркорлик фаолияти учун қулай ва фойдали бўлиши мумкин.

Бир шахснинг иккинчи шахс томонидан ўзига ишониб топширилган мол-мулк ёки ашёни келишилган муддатгача сақлаб туриши билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг энг қадимий институтларидан бири ҳисобланади. Мазкур институт Рим хусусий ҳуқуқида ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, омонат асосида топширилган мол-мулкни муайян муддатга асраб туриш сифатида талқин қилинган.

Умумий қоидага кўра, бу ҳуқуқий муносабат хизмат кўрсатиш шартномалари жумласига киради ва қуйидаги муҳим ҳаракатларни ўзида ифодалайди:

---

1) ашёни маълум бир вақтга, ўзига хос хусусиятларни йўқотмасдан сақлаш мақсадида бошқага эгалikka топшириш;

2) сақловчининг объектни сақлашни таъминлаш ҳаракати;

3) сақланаётган объектни белгиланган вақт тугаши ёки талаб қилинганлиги учун қайтариб берилиши.

Буюмларни сақлаш муносабати тарихан жуда қадимийдир. Ўтмишда бу ҳаракатлар ҳеч қандай олди-сотди тусида эмас, балки бир-бирига ишониш ишониш шаклида эди. Бозор муносабатларининг шаклланиши муносабати билан сақлаш хизмат сифатида вужудга келди ва жуда муҳим ҳаракат сифатида эътироф этилмоқда. Бунга, биринчидан, ҳаётда ҳақ олмасдан сақлаш анъанасининг йўқолиши; иккинчидан, сақлаш ишлари билан боғлиқ ҳаракатлар ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши; учинчидан, ашёларни сақлаш алоҳида хизмати тадбиркорлик фаолиятининг тури сифатида даромад келтириши; тўртинчидан, фуқаролик қонунчилигида омонат сақлаш муносабатларининг турлари ва шакллари кенгайтирилганлиги сабаб бўлади. Шу билан бирга, омонат сақлашнинг хизмат тури сифатида шаклланишининг асосий омили сифатида мазкур фаолият турида омонат сақловчининг таваккалчилиги деярли мавжуд эмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Зеро, хизмат кўрсатишнинг шу турида омонат сақловчи ҳеч қандай харажат қилмасдан, муайян сармоя киритмасдан, ўзининг билими, иқтидори, жисмоний меҳнاتини сарфламасдан тадбиркорликни амалга ошириб фойда кўради.

Шунинг учун ҳам ўтмишда бу шартнома фақат текинга амалга оширилган. Омонат сақлаганлик учун ҳақ олиш судхўрликка тенглаштирилган. 1997 йил 1 мартдан бошлаб кучга киритилган Ўзбекистон Республикаси

Фуқаролик кодексида омонат сақлаш муносабатларини тартибга солувчи нормалар ўзига хос тартибда туркумлаштирилди. Эндиликда омонат сақлаш муносабатларини тартибга солувчи нормалар омонат сақлашнинг умумий қоидалари ва омонат сақлашнинг алоҳида турларини тартибга солувчи нормаларга бўлинди.

ФКнинг 875-моддасига кўра, омонат сақлаш шартномаси бўйича тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади. Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин. Омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига юк топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва юк топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий таъминлашда, тадбиркорлик субъектларининг мол-мулкларини хавфсиз ва ишончли сақлашда омонат сақлаш шартномалар ҳар доим муҳим ўринга эга бўлишини таъкидлаган ҳолда омонат сақлашга оид шартномавий муносабатларни ва шартнома интизомининг ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаб бориш, бу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириб бориш доимий равишда амалга оширилиши кераклигини айтиб ўтиш жоиз.

---

<sup>1</sup> Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 480.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – Б. 29.

---

---

**Гайбуллаев А. Бозор муносабатлари шароитида омонат сақлаш шартномаси тушунчаси ва аҳамияти.**

**Таянч иборалар:** бозор муносабатлари, омонат, мол-мулк, шартнома, фуқаролик ҳуқуқи.

Мақолада омонат сақлаш шартномасининг бозор муносабатларида тутган ўрни ва аҳамияти, долзарблиги ҳамда ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

**Гайбуллаев А. Понятие и значение договора сбережения в условиях рыночной экономики.**

**Ключевые слова:** рыночные отношения, сбережения, имущество, договор, гражданское право.

В статье рассмотрены понятие, специфика, место и значение договора сбережения в условиях рыночной экономики.

**Gaybullayev A. Concept and significance of the contract of saving in the conditions of market economy.**

**Keywords:** market relations, savings, property, contract, civil law.

The article deals with the concept, specifics, the place and significance of the contract of saving in the conditions of market economy.

---

---



## ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ СОҶАВИЙ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ҳар йили 4 миллионга яқин одам мажбурий равишда сотилади, сотиб олинади, ушланади ёки ўтказилади. ЮНИСЕФ маълумотида кўра, йилига тахминан 10 миллионга яқин вояга етмаганлар мажбурий равишда шаҳвоний мақсадларда фойдаланиб келинмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларида одам савдосидан келиб тушадиган йиллик даромад ҳозирда 32 млрд. АҚШ долларига, ноқонуний миграциядан келадиган даромад эса 7 млрд. АҚШ долларига тенглиги айтилади.

Маълумки, 2000 йил 15 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 55-сессияси Кенгашида қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция ва ушбу Конвенцияни тўлдирувчи «Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида» протокол<sup>1</sup> қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳам БМТнинг мазкур ҳужжатларини ратификация қилди. 2008 йил 17 апрелда эса Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонуни<sup>2</sup> қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги ПҚ-911-сонли қарори<sup>3</sup> (2008 йил 8 июль) трансмиллий жиноятга қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар идоралари зиммасига жуда катта масъулият юклади. Мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, 2008 йил

30 июлда ИИВнинг «Республика ички ишлар идоралари томонидан одам савдосига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги буйруғи имзоланиб, унга кўра Ички ишлар вазирлигида ишчи гуруҳ таркиби ва одам савдосига қарши курашиш борасида ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда Одам савдосига қарши кураш ва одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича комиссия тузилди. 2013 йилда ИИВ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси таркибида Одам савдосига қарши курашиш ва узоқ муддатга кетган шахслар билан тадбирларни мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда жойлардаги ички ишлар бошқармаларида эса бўлим ва бўлинмалар ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Идоралараро комиссиясининг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2015–2016 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси»нинг ижросини таъминлаш мақсадида одам савдосидан жабрланган фуқароларни, уларни белгиланган тартибда жабрланувчи деб эътироф этилган дастлабки вақтдан соғломлаштириш ва бандлигини таъминлаш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда қўшма кўрсатма тайёрланиб, ижросини таъминлаш мақсадида жойларга юборилди.

ИИВ Тергов бош бошқармаси томонидан юритилган ҳисоботларга кўра, республика

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.

---

бўйича 2015 йил мобайнида жами тергов қилинган мазкур тоифадаги жиноят ишлари кўрсаткичи 2014 йилга нисбатан 32,5 фоизга камайган бўлиб, ушбу жиноят ишлари бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсларнинг 37,2 фоизига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 62,2 фоизига эса қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги эҳтиёт чоралари қўлланилган, 8,3 фоиз шахсларга нисбатан амнистия акти қўлланилган.

Жами тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жабрланувчилар сони 924 нафар бўлиб, уларнинг 273 нафари шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Шунингдек, жами тергов қилинган жиноят ишлари бўйича жабрланувчиларнинг 616 нафарини эркактар ташкил этган. Республика ички ишлар идораларининг тезкор ходимлари томонидан МДХ давлатларининг тегишли идоралари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ўтган йил давомида одам савдоси жиноятини содир этиб қидирувда бўлган жами 55 нафар шахс МДХнинг Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасидан мамлакатимизга экстрадиция қилинган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда амалиётда моддий манфаат кўриш эвазига фуқаролар томонидан ёлғон хабар бериш ва туҳмат қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Хусусан, фуқаролардан келиб тушаётган аризаларнинг барчасини ҳам одам савдоси жинояти сифатида қайд этиб бўлмайди. Чунончи, 2015 йил давомида бу борада келиб тушган жами аризаларнинг 3 фоизи бўйича жиноят иши кўзгатишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилинган. Фикримизча, одам савдоси жинояти ҳақидаги ариза тасдиқланмаган ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддасига асосан тугатилган ҳолатларда одам савдоси жинояти ҳақида ёлғон хабар ва ёлғон гувоҳлик берган ёки туҳмат қилган шахсларни ЖКнинг 237, 238 ва 139-моддалари

билан жавобгарликка тортиш зарур бўлади.

Одам савдосига қарши курашни амалга оширишда нафақат тергов аппаратлари, балки Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари учун ҳам аниқ вазифалар қўйилган. Булар:

*биринчидан*, Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фоҳишалик, қўшмачилик ва норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланган шахсларни аниқлаш чора-тадбирларини мунтазам равишда ўтказиб бориш;

*иккинчидан*, ёш қизлар ва аёлларни фоҳишалик ёки бошқа ноқонуний фаолият билан хорижда шуғулланиб депортация қилинганларини аниқлаш ва уларни алоҳида ҳисобга олиш ҳамда улар билан доимий равишда профилактик-тезкор суҳбатлар ўтказиш;

*учинчидан*, ёш қизлар ва аёлларни чет давлатларга олиб чиқиб кетишга ёрдам берган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериш;

*тўртинчидан*, одам савдосига қарши курашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда бундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши курашиш;

*бешинчидан*, одам савдосига қарши кураш борасида жойлардаги ички ишлар идоралари хизмат фаолиятини таҳлил қилиш, амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ва аниқланган камчиликларни баргараф қилиш чораларини кўриш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш борасида бугунги кунда ИИВ тизимида соҳавий хизматлар ўртасида мунтазам ҳамкорлик йўлга қўйилганлигини қайд этиш жоиз. Бунинг натижасида одам савдоси, қўшмачилик, фоҳишалик билан

---

---

шуғулланган ва гумон қилинган, шунингдек, норасмий меҳнат фаолияти ва мазкур давлатларнинг қонун-қоидаларини бузганликлари учун чиқариб юборилган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар компьютердаги тўпламга киритилган бўлиб, уларни чет элга қайта чиқишлари назоратга олинмоқда. Профилактик тадбирлар олиб бориш учун доимий яшаш манзилларидаги ички ишлар идораларига хабар қилинмоқда.

Айниқса, ушбу иллатга қарши самарали курашишда соҳа ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактика тадбирлари

алоҳида аҳамият касб этади. Бунда одам савдосидан жабр кўрган фуқароларни соғлом ҳаёт тарзига қайтариш учун ҳар томонлама кўмак беришни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари ва жойларда кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш зарур. Энг муҳими, жамиятимиз, ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатаётган бундай иллатларга қарши курашиш нафақат ички ишлар органлари ходимларининг, балки Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг масъулиятли вазифаси бўлиши лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т., 2002. – Б.227–235.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги (2008 йил 17 апрель) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – № 16. – 118-м.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида»ги ПҚ-911-сонли қарори.

**Абдулҳақов Я.А. Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилишда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг вазифалари.**

**Таянч сўзлар:** одам савдоси, жабрланувчи, ИИО соҳавий хизматлари, Интерпол Миллий марказий бюроси, норасмий меҳнат фаолияти, профилактик тадбир.

Мақолада одам савдоси ва у билан боғлиқ жиноят ишларини тергов қилиш, бунда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг вазифалари ҳамда уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Абдулхаков Я.А. Задачи отраслевых служб органов внутренних дел при расследовании преступлений, связанных с торговлей людьми.**

**Ключевые слова:** торговля людьми, пострадавший, отраслевые службы ОВД, Национальное центральное бюро Интерпола, неофициальная трудовая деятельность, профилактическое мероприятие.

В статье рассмотрены вопросы, касающиеся расследования преступлений, связанных с торговлей людьми, задачи отраслевых служб органов внутренних дел в данной деятельности, сформулированы предложения по ее совершенствованию.

**Abdulkhakov Y.A. Tasks of branch services of the organs of internal affairs in investigation of crimes connected with human trafficking.**

**Keywords:** human trafficking, victim, branch services of Internal Affairs Departments, National central bureau of Interpol, informal work, preventive action.

The article considers the questions dealing with investigation of crimes connected with human trafficking, tasks of branch services of the bodies of internal affairs in this activity. The author puts forward his proposals on its improvement.

## ХАЛҚЧИЛ, АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаб-дики, у доимо эркин, ҳур, тинч яшашга интилади. Ушбу категориялар кишилик жамиятининг келажagini белгилайди, фаровон ҳаётга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Қадимги манбалардан бири – «Авесто»да ҳам «инсон ҳақиқат ва адолатга интилсин, одамзод бахтли-саодатли яшашга ҳақли, инсонни ҳаётдан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»<sup>1</sup>, дейилган.

Жамиятни адолатли, тартибли бошқариш ҳақида қадимги Ҳиндистон ва Хитойда ҳам бир қанча ғоялар илгари сурилиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишга ҳаракат қилинган.

Буюк файласуф Конфуцийнинг фикрича, адолатли тузумни яратиш учун ҳаммага, биринчи навбатда, бошқарувчиларга тааллуқли қонун ва қоидаларга амал қилиниши лозим. Бу қонун-қоидалар ҳукмдорнинг ўзбошимчалиги ва оддий фуқароларнинг лаганбардорлигини чеклаб, ҳар иккала тоифанинг ҳам қадр-қимматини сақлаб қолишга ёрдам беради. Бу қонун-қоидаларга амал қилинмаса, бошқарув тизими умуман яроқсиз бўлиб қолади ва охир-оқибат барбод бўлади»<sup>2</sup>.

Халқ манфаатини ифода этган, тўғрироғи, халқ ҳокимияти (демократик бошқарув) қадимги Афинада (милоддан аввалги V аср) ташкил топганлиги тарихдан маълум. У ерда балоғатга етган 5–6 минг фуқаро майдонга йиғилиб, давлат бошқаруви, судлов ва бошқа муаммоларни ҳал қилган. Бундан ташқари, ижтимоий

тузум ҳам ҳисобга олинган. Мамлакатда қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлиб, аёллар ва қуллар озод фуқаролар саналмаган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон заминида (милодий V аср) пайдо бўлган маздакчилар ҳаракати адолат ва тенглик, шунингдек, жамиятни бошқаришга доир ғояларга ўзига хос ёндашув билан чиққанлар. Уларнинг бош ғояси – жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни тугатиш бўлиб, «з» ҳарфи билан бошланувчи тўртта унсур («зар» – олтин, бойлик, «замин» – ер, «зўр» – ҳокимият ва «зан» – хотин) тенг тақсимланиши керак бўлган. Жамиятда табақаланиш кучайганлиги туфайли маздакчилик ғоялари майда ва ўрта ҳол деҳқонлар ҳамда шаҳарликлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Бу дунёқараш утопияга яқин бўлишига қарамасдан, ўз даври нуқтаи назарида прогрессив аҳамиятга эга бўлди ва кейинчалик адолатли жамият барпо қилиш ғояларини такомиллаштиришда муайян таъсир кўрсатди.

Ўрта асрларга келиб, илму маърифат пешволари ўз асарлари орқали давлатни бошқариш, одил ҳукмдор бўлиш ҳақидаги гуманизм билан боғлиқ ғояларни тарғиб қила бошладилар. Бу ғоялар айниқса Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Ҳусайн Кошифий, Жалололдин Давоний, Аҳмад Дониш ва бошқа бир қанча алломаларнинг асарларидан кенг ўрин олди.

Масалан, Форобий ҳукмдор 12 та фазилатга эга бўлиши керак, деб ҳисоблаган.

\* Тошкент молия институти катта ўқитувчиси.

Яъни:

- соғлом бўлиши;
- нозик фаросатли, суҳбатдошини тез тушуниб оладиган;
- кучли хотирага эга бўлиш;
- ўткир зеҳнли ва зукко бўлиш;
- нотиклик санъатига эга бўлиши;
- билим олишга, маърифатга ҳавасли бўлиш;
- таом ейишда, аёлларга яқинлик қилишда очофат бўлмаслик, ўзини тия билиш;
- ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлгонни ва ёлгончиларни ёмон кўрадиган бўлиши;
- ўз қадрини билувчи, номус-ориятли, олий ҳиммат, олий ишларга интилиши;
- бу дунё молларига қизиқмаслик;
- табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган;
- ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашга йўл қўймаслиги зарур<sup>3</sup>.

У ана шу хислатларга эга бўлган икки ёки ундан ҳам кўп кишиларни шаҳар ҳокими ёки вазир этиб тайинланиши керак, деб билган. Бу ҳам давлатни жамоа шаклида бошқариш, яъни бугунги замонавий демократиянинг бир кўриниши эди.

Форобий дейди: «У (раҳбар), табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва зolimларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликларни, ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур»<sup>4</sup>.

Давлатни адолат асосида бошқариш масаласида соҳибқирон, буюк давлат арбоби Амир Темури ҳам катта ислохотларни амалга оширган. Унинг «Темур тузуклари» нафақат ўша давр, балки бир неча асрлар давомида

ўзбек давлатчилигини такомиллаштиришга улкан ҳисса қўшган тарихий ва ҳуқуқий ҳужжат, ўзига хос конституция ролини бажарди. У шундай ёзади: «*Ҳар ишни кенгашиган ҳолда қилдим. Ҳар вақт кенгашилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очилиб, улардан фикр сўрар эдим*»<sup>1</sup>.

Буюк аждодимиз ҳукмдорнинг халқпарвар, ҳалол, ҳар ишда адолатли бўлишини биринчи ўринга қўйган. «Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторига, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим. Ҳар ернинг табиати, ҳар эл ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашраф-уруғлари ва бузруғлари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари ишлаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим»<sup>5</sup>. Шу амаллари билан соҳибқирон ўз давлатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий барқарорликни таъминлашга, салтанатининг куч-қудратини мустаҳкамлашга эришган.

XV аср охири ва XVI асрнинг бошларида яшаб, ижод этган Жалолиддин Давоний ҳукмдорга яқин кишиларни беш тоифага бўлади:

- 1) олим ва уламолар — ҳукмдорга ўз маслаҳатлари билан давлатни бошқаришга кўмаклашадилар;
- 2) калом ва фикҳ илми билан шуғулланувчилар — маслаҳат ва турли тарғиботлар билан аҳолини йўлга солидилар;
- 3) аҳолининг адолат қоидаларига риоя қилишини назорат қилувчилар;
- 4) аскарлар — давлат хавфсизлигини таъминлаб турадилар;
- 5) молия ходимлари, савдогарлар, солиқ йиғувчилар, ҳунармандлар ва бошқалар.

Давонийнинг ёзишича, бир тоифага мансуб кишилар бошқа тоифадагиларга тазйиқ ўтказмасликлари ва ҳукмдорларга қуйидаги ўнта фазилат хос бўлмоғи керак:

---

одамларда ўзига нисбатан нафрат уйғотмаслик; давлат ишларининг ўз вақтида ва адолатли ижро этилиши учун жон куйдириш; ҳирс ва шаҳватга берилмаслик; ҳукм чиқарганда шошма-шошарлик ва ғазабга эмас, шафқат ва мурувватга асосланиш; халқнинг эҳтиёжини қондиришга интилиш; ўз халқининг хоҳиш-истагини қондирувчи ишлардан қочмаслик; авф этишни билиш, зероки, бу одилликни билдиради; қарор қабул қилишдан олдин ўз аτροφидагилар билан кенгашиб олиш; ҳар кимга муносиб, қобилиятига яраша лавозим бериши; адолатли фармонлар чиқариши, бирон кишининг қонунни бузишига йўл қўймаслик.

«Агар давлатни бошқариш одил подшоҳ қўлида бўлса, ҳамма адолатли бўлишга ва яхши фазилатларни эгаллашга интилади, акс ҳолда, халқ тамагирлик, очкўзлик, ғаразгўйлик ва бошқа ножўя ишларга берилади», — дейди у.

Давлатчилик тузуми, уни бошқариш асослари ҳақида Ҳусайн Кошифий ҳам жуда қимматли фикрлар билдиради. Унинг ёзишича, давлатнинг барқарорлигига учта нарса зарар етказди:

1) подшо махфий равишда келган чақимчиларнинг гапига ишониб, ўз кишиларга жазо бераверса;

2) кишилар тарбиясиз, ахлоқан бузуқ бўлса;

3) подшо маъмурияти одамларга зулм ўтказаверса.

Мана шу учта нарсага йўл қўйилса, мамлакат албатта таназзулга учрайди.

XVII асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда салбий тенденциялар кучайиб борди. Шу кунгача мамлакатни бошқарган улкан салтанатларнинг шон-шўхрати камайиб, сиёсий жамиятда беқарорлик, ижтимоий ва иқтисодий турғунлик, диний, маърифий-маънавий таназзулнинг кучайиши вазиятни мураккаблаштирди.

Оқибатда, Ўрта Осиёда учта мустақил давлат — Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари вужудга келди.

Афсуски, ушбу хонликларда ҳам давлатларни бошқаришдаги салбий кўринишлар барҳам топмади. Ўзаро ички низолар, тахт учун кураш, марказий ҳокимият билан маҳаллий беклар ўртасидаги келишмовчиликлар, амалдорларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишлари, ижтимоий-сиёсий қолоқлик, халқ аҳволининг ёмонлашуви, талон-торожларнинг авж олиши вазиятни тобора оғирлаштириб юборди. Бу эса XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Туркистон ўлкасини мустамлакага айлантирди.

Аммо миллатпарвар зиёлилар мамлакатда тартиб ўрнатиш, ҳукмдорларнинг ўзбошимчалигини чеклаш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга доир ўз қарашларини тарғиб қилишда давом этдилар, ҳукмдорларни инсофга, диёнатга чақирдилар.

Ўша даврда яшаган бухоролик шоир Аҳмад Донишнинг адолатли жамият ҳақидаги ғоялари XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида пайдо бўлган жадидчилик ҳаракатининг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилди. У ўзининг «Наводир ул-вақое» асарида одил сиёсатнинг ўн шартини белгилаб беради. Жумладан, турли табақа намояндalarидан иборат олий мажлис тузиб, барча қонун ва низомлар шу мажлисда муҳокама қилинишини, сўнг улар амир томонидан тасдиқланиши лозимлигини, шунингдек, амирликда давлатнинг барча соҳалари бўйича назорат маъмурияти ташкил этилишини таклиф қилади.

Жадидчиликнинг ижтимоий асосини миллатнинг ёш зиёлилари, тараққийпарвар руҳонийлар, савдогарлар, диний мадраса муаллимлари ва талабалари, майда бойлар, илғор ноширлар, журналистлар ҳамда бошқа табақа вакиллари ташкил этарди.

Бу ҳаракат мураккаб жараёнларни босиб ўтди, жадидчилар замон тараққиётидан келиб чиқиб, ўз мақсадларини рўёбга чиқа-

---

---

ришга ҳаракат қилдилар. Улар ҳудуддаги қолоқликнинг бош сабабини мутаассиб руҳонийларнинг (тўғрироғи, жаҳолатпараст) таъсирида бўлган таълим тизимидаги дунёвий фанларга муносабатнинг салбийлигида, деб билганлар. Таълим тизими самарасининг пастлиги, шунингдек, ўқитиш услубининг яроқсизлиги сабаб таълим-тарбияни ислоҳ қилишни энг муҳим вазифа ҳисобланганлар.

Масалан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига қараганда Туркистон ўлкасининг ҳуқуқий мақоми ўзгача эканлигини назарда тутиб, бу ерлардаги сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос ёндашувни таклиф қилганлар. Туркистонда маҳаллий аҳолининг миллий манфаатлари, урф-одатлари, анъаналари ва диний эътиқодларини ҳисобга олиб, Россиянинг тасарруфидаги бошқариладиган мухторият-ни ташкил қилиш ҳақидаги таклифлар берилган бўлса, Бухоро ва Хивада мутлақ ҳокимиятни муайян тартибга солиш, унинг ваколатларини озгина бўлсада чеклаш мақсадида Кенгаш (парламент) тузиш, давлат тизими ва жамиятда тараққиётга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш режалаштирилган.

Халқнинг сиёсий онгини ошириш,

қашшоқлик ва қолоқлик, зулм ва жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш, давлатчиликни ривожлантириш гоё ва мақсадлари жадидчилар ташаббуси билан чоп этилган «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон» каби газеталар орқали мунтазам ёритиб борилди.

Ўша пайтдаги иқтисодий-сиёсий қолоқлик сабаблари ҳақида Абдулла Авлоний шундай деган эди: «Туркистон бойларининг ишлари тўхтаб, синувларининг биринчи сабаби ишларни ахлоқсиз, билимсиз, мусриф, ялқов кишиларга топширувлари ила баробар, ўзларининг замонга мувофиқ тартиб ва низомлардан хабарсизлик эмушиди. Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдир»<sup>6</sup>.

XX аср бошларида ўлкадаги сиёсий қарашлар бир қадар фаоллашди. Жадидларнинг мустақиллик, ҳурлик учун курашлари кенг тус ола бошлади. Бироқ, афсуски, сиёсий тажрибанинг камлиги, ўзаро қарашларнинг турли-туманлиги, ички зиддият ва келишмовчиликлар ҳамда бошқа турли омиллар истиқлол гоёларини пучга чиқариб, давлатчилик тузумини ривожлантиришга тўсқинлик қилди.

---

<sup>1</sup> Бобоев Ҳ. ва бошқ. «Авесто»да адолатли жамият гоёлари // Фуқаролик жамияти. – 2004. – №1. – Б.48.

<sup>2</sup> Ирхин Ю.В. и др. Политология. – М., 2000. – С. 40.

<sup>3</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т., 1993. – Б.159–160.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б.160.

<sup>5</sup> Темур Тузуклари / Масъул муҳаррир Х. Караматов – Т., 1991. – Б.15.

<sup>6</sup> Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б.26–34.

**Тўлаганова С.О. Халқчил, адолатли жамият барпо этиш ҳақидаги қарашлар ва уларнинг ривожланиши.**

**Таянч иборалар:** кишилик жамияти, адолат, давлатчилик, адолатли тузум, бошқарув, жадидчилик ҳаракати.

Мақолада мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон заминиде адолатли жамиятни қарор топтириш, давлатчиликни ривожлантириш гоёларининг пайдо бўлиши, ривожланиши таҳлил қилиниб, мавзуга тарихий-илмий нуқтаи назардан ёндашилган.

---

---

**Тулаганова С.О. Взгляды о формировании справедливого общества и их развитие.**

**Ключевые слова:** человеческое общество, справедливость, государственность, справедливый строй, управление, движение джадидов.

В статье с историко-теоретической точки зрения проанализированы вопросы зарождения на территории Узбекистана до обретения независимости идеи формирования справедливого общества, развития государственности.

**Tulaganova S. O. Views about formation of fair society and their development.**

**Keywords:** human society, justice, statehood, fair build, management, movement of dzhadids.

The author analyses from the historical and theoretical point of view the questions of origin of the idea of formation of fair society and development of statehood in the territory of Uzbekistan before gaining the independence.

---

---



## МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

«Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак»<sup>1</sup>, деган эди Президентимиз. Зеро, миллий маънавият ўз-ўзидан ривож топмайди ва унинг асосини тарих ташкил этади. Тарихий хотирани тикламасдан том маънодаги маънавий ривожланишга эришиш қийин.

Баркамол авлодни вояга етказиш, униб-ўсиб келаётган ёшларга доимий ғамхўрлик қилиш мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан биридир. Ўтган йиллар мобайнида бу борада бир талай ишлар амалга оширилди, қонунчилик тизими такомиллаштирилди ва янада мустаҳкамланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, халқимизнинг эзгу тасаввур ва тушунчасига кўра, ҳар бир одам дунёга келиб — соғлом ва оқил фарзанд тарбиялаб вояга етказиши, ўз оиласи, фарзандлари учун иморат қуриши, келажакни ўйлаб, яхши ният билан дарахт ўтқазиши лозим.

Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Маънавий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш фақат миллий эҳтиёжгина эмас, балки умумдавлат аҳамиятига молик масаладир. Маънавият

жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Зеро, «... комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». Маънавият ривожлангандагина, жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Демак, маънавий тарбия — инсоннинг энг олий аъмоли бўлмоғи шарт.

Бу ҳақда Президентимиз шундай деган эди: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»<sup>2</sup>.

Маънавий тарбияга бўлган эҳтиёж инсон қалбини нурга, яхшиликка, эзгу-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, профессор.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ликка тўлдирувчи, уни ёмон иллатлардан ҳимоя қилувчи восита ҳисобланади. Яъни маънавият ва мафкура ҳар бир миллат, жамиятнинг инсоний ва адолатпарварлик қиёфасидир. Шунинг учун ҳам, маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлади. Истиқлол йиллари «маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>3</sup>, деган улугвор ғоянинг ҳаётимизда устувор аҳамият касб этгани замирида ҳам аслида ана шу эзгу мақсад мужассам.

Сир эмаски, глобаллашув, ахборот коммуникация тармоқлари жадал ривожланаётган даврда фуқароларнинг дунёда содир бўлаётган сиёсий жараёнларнинг моҳиятини билишга қизиқиши ортиши табиий. «Дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолаш эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта», деган эди Президентимиз. Бундай шароитда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнида муҳим омил саналади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти оммавий сиёсий саводхонликни тақозо этади, чунки демократик қадриятларга суянган жамиятда мустабидликка, давлат ва ижтимоий тузумнинг ғайриинсоний шаклларига ўрин бўлмайди. Демократик тузум аҳолининг сиёсий маданиятисиз ва мафкуравий иммунитетисиз ўрнатилиши ва самарали ишлаши мумкин эмас. Демак, биз барпо этаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат принциплари барча гуманистик қадриятлар, аввало, ҳар бир шахснинг эркин-

лиги ва шаъни-шавкатининг табиий, ажралмас ҳуқуқларини эътироф этади. Ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри ва тўла англаган фуқарогина мустақиллик моҳиятини аниқ баҳолайди, жамиятдаги ўрни ва ролини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳолисона англаб, бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳурмат қилган ҳолда ўз манфаатларини ҳимоя қила олишга, умумий муаммоларни жамоа билан ҳал қилишга қодир бўлади. Унда демократик тартиб-қоидаларга нисбатан ҳурмат туйғуси шаклланади, ривожлана боради.

Ижтимоий-сиёсий фаолликнинг негизини сиёсий маданият ташкил этади. Фаолият қандай мақсадга ва қандай механизмларга таянишини яхши англамай, билмай, жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришда қатнашиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, сиёсий маданият «шахс – давлат – жамият» муносабатлари ўртасида риоя этиладиган нормалар, қадриятлар, кўрсатмалар сифатида жамиятнинг сиёсий ғоясини, тажрибасини ва бошқаришга оид фаолиятларини ифода қиладиган воқелиқдир. Ўзбекистонда шаклланган сиёсий маданиятнинг қуйидаги умумий хусусиятларини эътироф этиш жоиз:

- алоҳида шахс манфаатларининг давлат ва жамият анъаналарига ҳамоҳанглиги;
- ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи аҳамиятга молик ролининг эътироф этилиши;
- ҳокимиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиш анъанасининг мавжудлиги, раҳбарларнинг сиёсий-маънавий қиёфасига юксак талаб қўйилиши;
- парламент ва бошқа вакиллик органларининг ижтимоий ҳаётдаги ролига эътиборли муносабатнинг мавжудлиги;
- ҳуқуқ-тартибот тизимида ижтимоий-сиёсий фаолликни амалга оширишда тенг ҳуқуқлилик талабларига риоя этиш;
- деярли барча сиёсий партиялар вакиллари хос бўлган ҳислат – ўз ғоя ва тамойилларининг тўғрилигига қатъий ишонч

---

---

назарда тугилади.

«Шахс — давлат — жамият» тизимида манфаатларни уйғунлаштириш нафақат сиёсий жараёнларни рационал бошқариш эҳтиёжидан, шу билан бирга, шарқона ахлоқ-одоб ва демократия талабларидан келиб чиқади. Яъни демократик тараққиётнинг манфаатлар ранг-баранглиги кенгайган шароитда уларни мутаносиблаштириш, уйғунлаштириш сиёсий маданиятнинг бош вазифасига айланади. Алоҳида шахс ва гуруҳнинг манфаатларини рад этмаган ҳолда, уларни синтезлаш ва шу тариқа уйғунликка эришиш ғоят мураккаб вазифа, аммо бу вазифани ҳал этишнинг рационал усулини топмай туриб, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Ижтимоий фаоллик сиёсий-ҳуқуқий билимларни, маданиятни юксалтиришни талаб этади. Фақат сиёсий-ҳуқуқий билимга ва маданиятга эга шахсгина жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашади, ижтимоий фаолликни ўзининг фуқаролик бурчи деб билади. Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий-тартибот тантана қилмаса, қонун-қоидалар ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилишга одатланмаса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини тасаввур эта олмаймиз! Ҳуқуқий давлат эса мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий онглиги, уюшқоқлиги, сиёсий ҳушёрлиги ва зийраклиги, ҳаётимизда рўй бериб турган ҳар бир ҳодисага кўр-кўрона эмас, балки ақл-идрок, билим ва тафаккур ила ёндаша олиши билан кучлидир. Сиёсий-ҳуқуқий онг инсонда муайян ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий шарт-шароитлар, тарихий тажриба, миллий қадриятлар; сиёсий маданиятни идрок этишга қаратилган урф-одат, анъаналар негизда шаклланади. Жамиятда бундай муносабатлар мавжуд бўлмаса, мустақамланиб борилмаса, фуқароларда юксак сиёсий маданият шаклланмайди. Бинобарин, фуқаролик жамиятида демократик ҳуқуқий тизимнинг мавжудлиги ва унинг мустақамланиб бориши фуқаролар

сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш ҳамда равнақ топишининг ҳал қилувчи шартидир. Яъни фуқаролик жамияти сиёсий тизими қанчалик демократик бўлса, инсон сиёсий-маданий ҳаётда шунчалик фаол иштирок этади.

Фуқаролар сиёсий маданиятнинг шаклланиши жамиятнинг маънавий-маърифий ривожланишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сабаби, маънавий-маърифий жиҳатдан тараққий этмаган жамият ҳеч қачон инсонни сиёсат субъекти сифатида шакллантира олмайди. Бундай жамият ва унинг фуқаролари сиёсий манипуляция — фирибгарлик объекти бўлиб қолиши мумкин. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, жамиятнинг маънавий-маърифий соҳаси, инсоннинг саводхонлик даражаси қанчалик юқори бўлса, у шунчалик сиёсий билимдон бўлади. Бинобарин, мукамал сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлган шахс жамиятга, дунёга теран нигоҳ билан қарайди, ўзининг мустақил фикрига эга бўлади.

Маълумки, истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда ҳар бир фуқаро жамият сиёсий ва маънавий ҳаётининг бевосита фаол иштирокчисига айланди ҳамда унинг сиёсий маданият даражасини юксалтириш учун зарур бўлган барча сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва мафкуравий шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазибаларини нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориши зарур». Шу маънода, жамиятимиз аъзоларининг сиёсий маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини кўтариш бугунги кунда демократик тараққиётимизнинг бош мезонига айлангани бежиз эмас. Бу ўринда гап демократиянинг мамлакатимиз барча аҳолиси тафаккурида, том маънода, анланган заруратга айлантириш вазибалари устида кетмоқда. Бунда сиёсий маданият

---

---

омили ҳал қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Чунки, бу маданият, авваламбор, сиёсий-ҳуқуқий тафаккур ва сиёсий-ҳуқуқий фаолият маданиятидир.

Шундай қилиб, жамият фуқаролари сиёсий маданиятининг шаклланиши кўп омилларга боғлиқдир. Бунда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўрни беқиёс бўлиб, бой маънавий маданият, ноёб миллий қадриятлар, бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва фалсафий таълимотлардан баҳра олиб шаклланишида, қайд қилиш жоизки, миллий истиқлол ғояси ва мафкураси муҳим ўрин тутди. Бу хусусда давлатимиз раҳбари айтганларидек, миллий сиёсий маданият — ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини,

халқимизнинг кўп асрлар давомида шакланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимизнинг миллий сиёсий маданияти ўзининг мана шу хислатлари билан фуқароларимиз сиёсий онги ва сиёсий ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида асосий маънавий озуқа бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, ички ишлар идоралари ходимлари бундай сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни ўз хизмат вазифаларига кўра, тартиб-қоида талаблари даражасида амалга оширишлари зарурлигини яхши билишлари керак.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т., 1998. — Б.9.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Юксак маънаият — энгилмас куч. — Т., 2008. — Б.4.

<sup>3</sup> Ўша манба. — Б.19.

**Норматов К., Эрназаров Р.У. Маънавий тарбия ва сиёсий маданият.**

**Таянч иборалар:** шахс, давлат, жамият, маънавият, тарихий хотира, маънавий тарбия, сиёсий маданият, глобаллашув шароити, фуқаролик жамияти.

Мақолада маънавиятнинг жамият тараққиёти, миллат камолоти, шахс баркамоллигини ривожлантиришдаги асосий мезон эканлиги, бугунги кунда маънавий тарбияга бўлган эҳтиёж, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маънавий комиллик ва сиёсий маданиятнинг муҳим аҳамият касб этиши масалалари юзасидан атрофлича мулоҳаза юритилган.

**Normatov K., Ernazarov R. U. Духовное воспитание и политическая культура.**

**Ключевые слова:** личность, государство, общество, духовность, историческая память, духовное воспитание, политическая культура, условия глобализации, гражданское общество.

В статье рассматривается значение духовности как важнейшего фактора в развитии общества, нации, личности, ее роль в современных условиях в нравственном воспитании, формировании сильного гражданского общества, развитии политической культуры граждан.

**Normatov K., Ernazarov R. U. Spiritual education and political culture.**

**Keywords:** personality, state, society, spirituality, historical memory, spiritual education, political culture, conditions of globalization, civil society.

The article deals with the significance of spirituality as the major factor in development of society, nation and personality, its role in moral education in modern conditions, formation of strong civil society and development of citizens' political culture.

М.Т. Тожибоев\*  
И.Х. Калонов\*\*

## БУЗГУНЧИ ҒОЯЛАР – ИНСОНИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Глобаллашув даврида инсоннинг онгу тафаккури турли мафкуравий хуружлар, маънавий таҳдидлар таъсирга тушиб қолади. Айниқса, бугунги кунда «оммавий маданият» ниқоби остида зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларининг кенг қулоч ёяётгани ҳар биримизни ташвишга солмай қўймайди. Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида «*маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда tutиш лозим*»<sup>1</sup>, деб бежиз таъкидламаган.

Бузгунчи ғоя – инсонлар орасига нифоқ, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тоифаларга ажратиб, адоват қўзғайдиган тубан фикрлардир. Янаям кенгроқ таъриф берсак, у сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий қолоқлик, кемтиклик, норасолик, миллатчилик, шовинизм, истибдодчилик, миллий ва диний худбинликни тарғиб этувчи, шу асосида кишиларни ўзгаларга сиёсий, иқтисодий жиҳатдан қарам, ахлоқсиз бўлишга даъват этувчи ғоя. Бузгунчи ғоялар уюшма, оқимлар томонидан фаолият йўналиши сифатида танланган ва умуминсоният ҳаётига хавф солувчи, ижтимоий тараққиётни таназзулга олиб борувчи, одамларнинг ҳукмронликка интилувчи кучларга тобе, қарам бўлишини таъминловчи қарашлар, таълимотлардир. Бу

каби ғоялар одатда одамларда ваҳима, қўрқув уйғотади, пессимистик (тушкунлик) кайфиятини пайдо қилади, энг олий қадриятларни топтайди, тараққиётни қоралайди, турли миллатлар ўртасида ўзаро адоватни уйғотади, миллий ва этник низоларни келтириб чиқаради, аҳоли, айниқса ёшларнинг руҳан ҳамда жисмонан носоғлом бўлишларига сабаб бўлади. Шу сабабли, дунё ёшларини бузгунчи ғоялардан сақлаш халқаро ҳамжамият олдида турган ўта долзарб глобал муаммо саналади. Жамият ҳаётига жиддий хавф солувчи бундай иллатларнинг моҳиятини, мақсадини ёшлар орасида кенг тушунтириш ўзига хос давр талабидир.

Замонавий бузгунчи ғояларга миллатчилик, неофашизм, диний экстремизм, эгоцентризм кабиларни киритиш мумкин. Миллатчилик ғоявий курашнинг яна бир кўриниши бўлиб, гарчи у жангари характерга эга бўлмаса-да, турли миллат ва элатлар ўртасига нифоқ солади, уларнинг ўзаро тинч, иноқ яшашларига тўсқинлик қилади. Аксарият зиддиятларининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи миллатчилик негизида ўзи мансуб бўлган миллатни улуглаш, унинг манфаатларини ўзга миллат ва элатлар манфаатларидан устун қўйиш ғояси ётади. Ер шарида мавжуд бўлган ҳар бир миллат, хоҳ у сон жиҳатидан кўп, хоҳ кам бўлсин, маданий жиҳатдан хоҳ юксак, хоҳ паст турмуш тарзига эга бўлсин умуминсоний маданият доирасида ўз ўрнига эга. Миллатчилик аҳолисининг таркиби

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари гуманитар ва ижтимоий фанлар цикли катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари гуманитар ва ижтимоий фанлар цикли катта ўқитувчиси.

жиҳатдан кўп миллатли давлатларда янада хавфли тус олади. Бинобарин, бир мамлакат доирасида турли миллат, элатга мансуб, шу билан бирга, турли динларга эътиқод қилувчи кишилар манфаатларининг ўзаро уйғунлигига эришиш ниҳоятда мураккаб жараён. Аҳоли ўртасида миллатчилик ғояларининг тарғиб қилиниши эса вазиятни янада мураккаблаштиради. Миллатчиликнинг олдини олиш, миллий устунликни тарғиб қилувчи қарашларга қарши кескин курашишда миллатлараро тотувлик ғояларини тарғиб этиш муҳим саналади. Миллатлараро тотувлик мамлакат тараққиётини таъминлаш билан бирга, ижтимоий барқарорликнинг юзага келишига замин яратади. Шунингдек, миллатлараро тотувлик муайян давлат ҳудудида яшаётган турли миллат ва элатларнинг ягона ғоя атрофида жипслашишини, улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликнинг қарор топишини таъминлайди.

Шовинизм – муайян миллатнинг ўзини жаҳон тарихи тараққиёти, инсоният цивилизациясига кўшган ҳиссасига кўра бошқа давлатлардан устун туриши, «буюк миллат» эканлигини илгари суриши. Яъни «буюк миллат»нинг миллий устунлиги эътироф этилади, кенг кўламда тарғиб қилинади, унинг манфаатларини бошқа миллатлар манфаатларига қарама-қарши қўяди. Бу каби ғоялар, табиийки, турли миллат ва элатлар ўртасида миллий нифоқ, этник зиддиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шовинизмнинг энг хавфли жиҳати «кичик» миллатлар ҳақ-ҳуқуқларини топташ, уларнинг эрки ва озодлигига даҳл қилиш, уларга нисбатан нафрат ҳиссини уйғотишдир.

Эгоцентризм (лот. «эго» – «мен», «центр» – «марказ») – ахлоқсизлик ва худбинликнинг бир кўриниши бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатларини ўйлаб яшаш, бошқа ҳеч нарсани тан олмаслик ҳисобланади. Ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларга «эскилик сарқити» деб қараш бугунги тараққиёт-

га, инсон ҳаётига, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва бутун жаҳонда бало-қазодек тарқалиб бораётгани сир эмас.

Диний-экстремизм расмий ҳокимиятни «кескин, қатъий чоралар кўриш» йўли билан ўзгартириш ҳаракатини диний таълимот, қараш ва ғоялар асосида амалга оширадиган оқим ҳисобланади. Масалан, ислом экстремизмида ўзига хос икки белгини кузатиш мумкин:

1) ҳозирги замон мусулмон жамоалари ўзининг исломий хусусиятларини йўқотган ва жаҳолат тусига айланган деган мафқурани тарғиб қилиш;

2) мамлакатда ислом қоидаларини ўрнатиш, ҳокимиятга ҳақиқий мусулмонлар келиши учун ҳеч бир иккиланмасдан фаол уруш ҳаракатларини, «куч ишлатиш» зарурлигини инсонлар онгига синдиришга уриниш.

Мафқуравий хуружлар бирор давлат, миллат ва жамиятнинг барқарорлигига қарши қаратилган бўлиб, конституциявий тузумни заифлаштиришни мақсад қилади. Энг аввало, инсоннинг руҳий дунёсига тажовуз қилади. Мафқуравий хуружларнинг буюртмачилари ғаразли мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан фойдаланишади. Бунда инсоннинг руҳига таъсир кўрсатадиган замонавий усуллар: жозибали ғоялар, турли ниқоблар, урф бўлган санъат асарлари, ОАВ, айниқса Интернетдан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Мафқуравий таҳдидлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

– ҳар бир давлат, миллат учун хос бўлган тараққиёт стратегиялари ва режаларига шубҳа уйғотиш;

– жамиятда, айниқса ёшларда миллий қадрият туйғуларини заифлаштириш, уларга ҳаёлий, вертуал фароғат, ҳузурни ваъда қилиш;

– миллий урф-одатларга ёт бўлган ҳаёт тарзини зўр бериб тиқиштириш;

– худбинлик ва шахсиятпарастликни

---

---

турли жозибали усуллар билан тарғиб қилиш ва ҳоказолар<sup>2</sup>.

Бузгунчи ғояларнинг яна бир кўриниши — «оммавий маданият» ўтган асрнинг 40-йилларида илмий талқин қилина бошланди. Унинг маҳсулотлари санъат намунасидан кўра товар хусусиятига эга бўлиб, маънавий таназзулга етаклаши билан характерланади. Бугунги кунда айрим кучлар «оммавий маданият» ниқобидан усталик билан фойдаланиб, ёшлар онгига кучли мафкуравий таҳдид ўтказаяптилар. Немис файласуфи Карл Теодор Ясперс «оммавий маданият»ни «санъат моҳиятининг таназзули»<sup>3</sup> деб таърифлаган эди. Социологларнинг қайд этишича, «оммавий маданият» тарафдорлари ва мухлислари жаҳон мусиқа санъатининг бетакрор асарларини рад этиб, «оғир рок», «рэп» сингари инсонни жазавага тушириб, ўзлигини унуттирадиган, шовқин-суронга асосланган жанрларни хуш кўришди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тадқиқотига кўра, баланд овоздаги мусиқа ва шовқин инсонда агрессия, депрессия ва стресс чақирувчи омил бўлиб, қон босимининг кўтарилиши, эшитиш органларининг шикастланишига сабаб бўлади. 15 дақиқа узлуксиз «оғир рок» мусиқа тинглаган тингловчининг танаси ва миясида салбий ўзгаришлар кузатилади. Бундай ҳолатда организм фақатгина 72 соатдан сўнг тикланиши мумкин.

Айтиш жоизки, ҳозирги даврда турли мафкуравий хуружларнинг таъсир кучи ортаётганига Интернет глобал тармоғи салмоқли «роль» ўйнамоқда. Маълумотларга кўра, Интернетда 10 мингга яқин ўз жонига суиқасд қилишни, 4 мингдан зиёд порнография ва беҳаёликни тарғиб қилувчи сайтлар мавжуд. Ачинарлиси, халқаро тармоқдан фойдаланувчиларнинг тахминан 10 фоизи унга буткул боғланиб қолган. Чегара билмайдиган халқаро «ўргимчак тўри» ўзида илмий-техникавий, ахборот ва таълим соҳаларидаги фойдали манбаларни жам этиши билан бирга, ҳар хил бузгунчи ғояларнинг ҳам фаол тарғиботчисига

айланмоқда.

Шу боис, глобаллашув шароитида ўзининг мустақил фикрига, иймон-эътиқоди ҳамда ирода ва дунёқарашига эга бўлмаган одам маънавий-мафкуравий таҳдидларга бардош бера олиши мушкул. Зеро, «бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин»<sup>4</sup>.

Профессор Ш.О.Мамадалиев шахснинг мафкуравий иммунитетини беш даражада баҳолаш мумкинлигини таъкидлайди. Яъни: биринчи даража — шахс миллий ғоямизнинг моҳиятидан хабардор эмас; иккинчи даража — миллий ғоядан хабардор, лекин уни чуқур англамаган, миллий ғоя кундалик хатти-ҳаракатининг асоси, мотивига айланмаган; учинчи даража — билимлари бор, лекин улар назарий бўлиб, уларни кундалик ҳаётда қўллашга қийналади; тўртинчи даража — шахс миллий ғояни англаган, ғоявий таъсирни шахсий ва миллий манфаатлар уйғунлигидан келиб чиқиб баҳолай олади; ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши асосли салбий муносабат — иммунитетни намоён қила олади, бироқ бошқаларни бу ишга даъват қилмайди; бешинчи даража — шахс миллий ғояни ўзининг эътиқодига айлантирган ва ҳар ерда, доимо амалда қўллайди, бузгунчи мафкуравий, сиёсий ғояларга қарши фаол курашади, бошқаларни ҳам шунга даъват қилади<sup>5</sup>.

---

---

Шундан келиб чиқиб, ёш авлоднинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини ошириш, таълим муассасаларида бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориш, уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш учун турли тадбирлар ўтказиш, энг муҳими, ёшларни ягона мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган фидойи ва баркамол инсонлар этиб камол

топтиришга устувор аҳамият қаратишимиз керак бўлади. Чунки, сиртдан арзимасдай туюлган ҳар қандай ғоявий таҳдид эртага катта-катта маънавий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Келажак авлодларнинг мустақил фикрли, юксак маънавиятли, қадимий тарихимиз ҳамда бой маданиятимиз, улуғ аجدодларимиз меросидан хабардор бўлиб, она Ватанимизга дахлдорлик туйғуси билан яшаши — келажакимиз кафолатидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2010. — Б. 13–14.

<sup>2</sup> Саифназаров И. Мафкуравий хуружлар нима? — Т., 2015. — Б. 8.

<sup>3</sup> Ясперс К. Власть массы // Призрак толпы. — М., 2007. — С. 63.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2010. — Б. 126–127.

<sup>5</sup> Қаранг. Юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик фазилятларини ва муомала маданиятини камол топтириш: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир генерал-майор Ш.Т.Икрамов. — Т., 2015. — Б. 492–493.

**Тожибоев М. Т., Калонов И. Х. Бузғунчи ғоялар — инсоният ва тараққиёт душмани.**

**Таянч иборалар:** маънавият, маънавий таҳдид, ёт ғоялар, оммавий маданият, индивидуализм, эгоцентризм, маънавий-маърифий тарбия, мафкуравий иммунитет, интернет.

Мақолада бугунги глобаллашув даврида «оммавий маданият» ниқоби остидаги турли таҳдидлар, уларнинг таъсири, ёшларни ёт ғоялардан сақлаш, уларнинг маънавий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш масалалари ёритилган.

**Tozhiboyev M. T., Kalonov I. X. Destructive ideas — враг человечества и прогресса.**

**Ключевые слова:** духовность, угрозы духовности, чуждые идеи, массовая культура, индивидуализм, эгоцентризм, духовно-просветительское воспитание, идеологический иммунитет, Интернет.

В статье анализируются угрозы духовности, проистекающие в современных условиях от массовой культуры, вопросы ограждения молодежи от них, укрепления духовно-идеологического иммунитета подрастающего поколения.

**Tozhiboyev M. T., Kalonov I. H. Destructive ideas - the enemy of mankind and progress.**

**Keywords:** spirituality, spirituality threats, alien ideas, mass culture, individualism, egocentrism, spiritual education, ideological immunity, Internet.

The article analyzes the spirituality threats coming from from mass culture in modern conditions, questions of protection of youth from them, strengthening of spiritual and ideological immunity of younger generation.



## ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ўтган йиллар мобайнида республика-мизда паспорт тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди ва янада такомиллаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлиги белгиланиб (13-м.), унда шахснинг фуқароликка эга бўлиш ёки ундан воз кечиш (21-м.), турар жой дахлсизлиги (27-м.), ҳаракатланиш (кўчиш) ва турар (яшаш) жой танлаш эркинлиги (28-м.) каби ҳуқуқлари мустақамланди ҳамда уларнинг дахлсизлиги кафолатланди.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси бир қатор халқаро норматив ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни ратификация қилди; давлатимиз хорижий давлатлар билан шахснинг паспорт (шунингдек, виза) тизими соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган икки томонлама битимларни имзолаб, уларда фуқароларнинг ўзаро қатнови ҳамда давлатлар ҳудудида бўлиш (яшаш)ларига оид тартибот ва талаблар енгиллаштирилди. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси билан Туркия, Корея, Бразилия, Хитой, Вьетнам, Сингапур, Латвия давлатлари ўртасида имзоланган битимлар асосида дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларнинг ўзаро визасиз келиб-кетишлари тартиби жорий этилди;

– чет эл давлатлари ҳудудидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Болгария, Латвия, Россия, Қозоғистон давлатлари билан бирининг

ҳудудида ноқонуний бўлиб турган шахсларни қайта қабул қилиш (реадмиссия) тўғрисидаги битимлар имзоланди;

– мамлакатимизга ташриф буюрувчи Германия, Австрия, Италия, Испания, Швейцария, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Латвия каби Европа, шунингдек, Япония, Малайзия каби Осиё давлатлари фуқароларининг виза асосидаги келиб-кетиш тартиблари янада содаллаштирилди;

– Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия, Украина, Грузия, Молдова, Туркманистон, Қирғизистон каби МДҲ давлатлари билан фуқароларнинг ўзаро визасиз келиб-кетишлари тартиби жорий этилди;

– баъзи МДҲ давлатлари (Қозоғистон, Туркманистон, Россия) билан ўзаро чегара зонаси орқали ўтказиш пунктларини мустақамлаш, давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, меҳнаткаш мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ноқонуний миграцияга қарши курашга қаратилган битимлар тузилди.

Мамлакатимизда шахснинг паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқларини самарали таъминлаш механизмлари ичида бу борадаги фаолиятни таъминловчи субъектлар ўртасида ҳамкорликнинг назарий ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ҳам, ваколатли субъектларнинг мазкур йўналишдаги ҳамкорлигини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

Бугунги кунда ҳар қандай давлат идораси бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни ташкил қилмасдан туриб, ички

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта илмий ходим-изланувчиси.



---

---

хизмати, Давлат персоналлаштириш маркази, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқ.);

3) паспорт тизимини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар (ваколатли бошқа давлат органлари, фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари).

Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлаш фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи давлат органлари паспорт тизимини таъминлаш борасидаги қонунларни ишлаб чиқади<sup>5</sup>; паспорт тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув қарорлари (фармон, фармойиш, қарор)ни қабул қилади, паспорт тизимини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини бошқаради ва мувофиқлаштиради.

Паспорт тизимини бевосита таъминловчи давлат органларига қонун ҳужжатларида белгиланган шахсни ва фуқароликни тасдиқловчи, мамлакатда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, алмаштириш; шахсинг яшаш жойи фактини аниқлашни назарда тутувчи белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва чиқариш, шунингдек, паспорт тизими қоидаларига амал қилинишини таъминлашга қаратилган паспорт ҳамда чегара режими қоидаларига амал қилинишини таъминлаш каби ушбу соҳадаги муҳим вазифалар юклатилган.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда паспорт тизимини такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларнинг натижаси сифатида махсус давлат бошқаруви органи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази ташкил этилиб<sup>6</sup>, унга паспорт тизими соҳасидаги биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини

---

---

мазкур паспортлар билан ўз вақтида таъминлаш сингари муҳим вазифалар юклатилди.

Давлат ва жамият бошқарувида жамоатчиликнинг иштироки: *биринчидан*, жамоат ташкилотларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; *иккинчидан*, жамоат назоратини амалга ошириш; *учинчидан*, давлат органларининг айрим ваколатларини ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш; *тўртинчидан*, жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш орқали таъминланади<sup>7</sup>. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни таъминловчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди<sup>8</sup>.

Фуқаролик жамияти институтлари паспорт тизимининг самарали таъминланишида муҳим ўринга эга. Бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли яшаш жойларида содир этилаётган жиноятлар ва бошқа гайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқараётган сабаб ва ҳолатларни аниқлашда ваколатли давлат органларига қўмаклашувчи жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...жойларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи галда, маҳаллаларнинг ролини янада ошириш зарур»<sup>9</sup>.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар ва уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолигини, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, уларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилган бўлиб, қонун ҳужжатларида<sup>10</sup> унга фуқаро-

---

---

лар томонидан паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши юзасидан ўзига бириктирилган ҳудудда тегишли органлар билан биргаликда тушунтириш ишларини олиб бориш ва ташкил этишда қатнашиш вазифалари юклатилган.

Фуқароларнинг давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, уларни ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоялаш ҳамда чегара режими қоидаларига риоя этилишини таъминлашни такомиллаштириш мақсадида<sup>1</sup> «Чегара посбонлари» жамоатчилик тузилмаси ташкил этилди. Мазкур чегара қўшинларига кўмаклашувчи отрядларга чегара қўшинлари хизматчилари билан биргаликда давлат чегараларини бузиб кировчиларни ва чегара режими қоидаларини бузувчиларни ушлаш, шунингдек, чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида жамоат тартиби ва хавфсизлигини, чегара режими қоидаларига амал қилишларини таъминлаш юзасидан тушунтириш ишларини ташкил этишда иштирок этиш каби муҳим вазифалар юклатилган.

Ушбу жамоатчилик тузилмаларининг муҳим ва ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, улар паспорт тизимини таъминлаш жараёнида давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органлари билан аҳоли ўртасидаги

муҳим ва ажралмас, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини бевосита тарғиб этувчи бўғин ҳисобланади.

Бу борада амалга ошириладиган ишлар маҳсулини давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик натижаларида ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, ички ишлар органларининг «паспорт-виза» профилактик тадбирлари натижаларига оид статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамияти институтлари билан паспорт режимини таъминлаш борасидаги кенг кўламли ҳамкорлик натижасида паспорт тизими соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳамда фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига амал қилиш даражаси бирмунча яхшиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 223-моддаси бўйича 2014 йилда 2010 йилга нисбатан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар кўрсаткичи 56,9 фоизга камайган<sup>12</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда паспорт тизимини такомиллаштириш фаолияти шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т. 5. — Т., 1997. — Б. 297.

<sup>2</sup> Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (Нью-Йорк, 1948 йил 10 декабрь) қўшилиши ҳақида» 1991 йил 30 сентябрдаги 366-ХП-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1991. — №11. — 275-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги «Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992. — №9. — 365-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги «1966 йил 16 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида»ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1995. — №9. — 202-м.

<sup>3</sup> Милиция таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-амалий қўлланма / Ш.Т.Икрамов, М.З.Зиёдуллаев. — Т., 2013. — Б. 8.

<sup>4</sup> Қаранг: Пулатов Ю.С., Исмаилов И.У., Қурбонов А. Ички ишлар органларида бошқарув асослари. — Т., 2005. — Б. 83.

---

<sup>5</sup> *Изоҳ:* Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги ҳамда 1999 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида»ги қонунлари // Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992. – №9. – 338-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №51. – 514-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – №9. – 217-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №25. – 287-м.; 2009. – №3. – 9-м.; №52. – 555-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – № 26. – 294-м.

<sup>7</sup> *Тошев Б.* Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // *Хуқуқ-Право-Law*. – Т., 2002. – №4. – Б. 54-56.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси жамоатчилик назаратини белгиловчи норма билан тўлдирилди; шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №39. – 488-м.

<sup>9</sup> *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 336.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори билан тасдиқланган Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси тўғрисидаги Низом // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №10. – 106-м.

<sup>11</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 сентября 2014 года № 273 «Об утверждении Положения об отрядах содействия пограничным войскам Службы национальной безопасности Республики Узбекистан «Чегара посбонлари» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2014. – № 40. – Ст. 497.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг статистик маълумотлари таҳлили асосида берилмоқда.

**Юлдашев Ж.Х. Паспорт тизимини таъминлаш борасидаги ҳамкорликнинг назарий ва ташкилий асослари таҳлили.**

**Таянч тушунчалар:** фуқаролик, паспорт тизими, прописка, паспорт режими, қонунчилик.

Мақолада Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлаш борасидаги ҳамкорликнинг назарий ва ташкилий асослари таҳлил қилинган ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Юлдашев Ж.Х. Анализ теоретических и организационных основ взаимодействия в сфере обеспечения паспортной системы.**

**Ключевые слова:** гражданство, паспортная система, прописка, паспортный режим, законодательство.

В статье проанализированы теоретические и организационные основы взаимодействия в сфере обеспечения паспортной системы в Республике Узбекистан, сформулированы предложения по их совершенствованию.

**Yuldashev Zh. Kh. Theoretical and organizational bases of ensuring interaction of passport system.**

**Keywords:** citizenship, passport system, registration, passport regime, legislation.

In the article theoretical and organizational bases of ensuring the interaction of passport system in the Republic of Uzbekistan are analysed, offers on their improvement are formulated.

## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2016 йил 18 февраль куни ИИВ Академиясида «Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги глобллашув жараёнида жамият тинчлиги ва осойишталиги, инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларига тажовуз ва таҳдидлар кучайиб бораётган шароитда жамоат тартиби ҳамда хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашни таъминлаш кундан-кунга мураккаблашиб, янада долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни самарали бажариш, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органлари кадрларининг фаолиятига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига бошқаларга қараганда бир неча бор қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Бундай талаблар ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Давра суҳбатида ИИВ Академиясида кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, ички ишлар органлари ходимлари орасида қонунчилик ва хизмат интизомини, ички ишлар органлари шахсий таркиби билан ишлашда психологик хизматлар фаолиятини, раҳбар кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир иштирокчилари томонидан ички ишлар органлари тизимида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати фаолияти, шу

жумладан кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг касбий тайёргарлигини таъминлаш ва малакасини оширишни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ АСАРИГА БАҒИШЛАНДИ

2016 йилнинг 27 февраль куни Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «**Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир**» китобига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар, мутасаддираҳбарлар, Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчи ва курсантлар иштирок этди.

Тадбирни очган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи генерал-майор Ш.Т.Икрамов Президентимиз асарининг аҳамияти ва долзарблигини қайд этди, мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий одимларига тўхталиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг китобида мамлакатимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилган. Илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, ҳозирги кунда дунёда тинчлик ва барқарорликка хавф солаётган таҳдидларга қарши ҳаракат қилиш, Ўзбекистон

---

---

ташқи сиёсатининг моҳияти ва мазмуни баён этилган. Мамлакатимизнинг янги тарихини, тараққиёт фалсафасини англаш, давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантириш, тараққий эттириш истиқболларини белгилаб беришда, ёшларимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, адолат руҳида тарбиялаш, уларда олижаноблик, мардлик, ҳалоллик, илмга интилиш фазилатларини камол топтиришда ушбу китобнинг аҳамияти беқиёс.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимизнинг *«Кеча ким эдигу, бугун ким бўлдик? Айни вақтда эртага ким бўлишимиз, қандай марраларни эгаллашамиз керак?»*, деган сўзлари ҳар бир юртдошимизни Ўзбекистоннинг бахту иқболи, буюк келажаги йўлида

хизмат қилишга ундашини алоҳида айтиб ўтди. Шу маънода, асарнинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Анжуманда ушбу асар мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини изчил давом эттириш ва уни янги сифат босқичига кўтариш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Очиқ ва самимий мулоқот руҳида ўтган тадбир иштирокчиларида ўчмас таассурот қолдирди.

---

---

## Нашрга тайёрланмоқда

### Готовятся к изданию

**Пайзиев Д.Ю. Жиноят ҳуқуқида бир қанча жиноят содир этиш:** Ўқув-амалий қўлланма.—Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

Ушбу ўқув-амалий қўлланмада бир қанча жиноят содир этиш институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши, ягона мураккаб таркибли жиноятлар билан бир қанча жиноятларни фарқловчи белгилар, шунингдек, бир қанча жиноят содир этганлик учун учун жиноий жавобгарликни белгиловчи қонун нормаларининг амалда қўлланилиши ҳамда бир қанча жиноят содир этиш шакллари билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилувчи жиноий-ҳуқуқий белгилар таҳлил қилинган.

Ҳуқуқшунос мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, амалиёт ходимлари, катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил изланувчилар, тингловчи-курсантлар учун мўлжалланган.

---

**Пенитенциар психология:** Маърузалар курси / Б.Н.Сирлиев, Р.Х.Душанов, Э.Н.Сирлиев, И.Х.Калонов, Д.А.Таджибаева ва бошқ.; Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

Мазкур маърузалар курси янги давлат таълим стандартлари ҳамда «Пенитенциар психология» курси ўқув дастури асосида давлат тилида тайёрланган дастлабки ишлардан бири бўлиб, унда жазони ижро этиш муассасаси ходимлари касбий фаолиятининг психологик хусусиятлари, шунингдек, маҳкумларни тўғри йўлга солишнинг асосий воситалари ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил этилган, маҳкум шахсларни янги турмуш тарзига ҳамда озодликка ва кейинги ҳаётга руҳан тайёрлашнинг асосий психологик қонуниятлари очиб берилган, уларни махсус ташкил этилган тарбиявий тизим ёрдамида янги ҳаётга мослаштириш йўллари ва усулларига оид назарий ва амалий билимларини ошириш ва мустақамлашга қаратилган.

Ушбу маърузалар курси юриспруденция ва юридик психология соҳаларида жазони ижро этиш муассасаси ходимлари фаолияти психологиясини ўрганаётган тингловчи ва курсантлар, уни тадқиқ этиш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларга, шунингдек, жазони ижро этиш хизмати соҳасидаги амалиётчи ходимларга мўлжалланган.

---

**Хусанов А.Д. и др. Ретроспективный анализ и современное состояние осмотра дорожно-транспортных происшествий:** Учебное пособие. — Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2016.

В учебном пособии рассмотрены процесс развития современных научно-технических достижений, позволяющих осуществлять объективный контроль и регистрацию параметров состояния и движения транспортных средств в момент дорожно-транспортного происшествия, а также восстановить обстоятельства происшествия, классификация ДТП, а также современные методы их технической фиксации в Республике Узбекистан.

Пособие предназначено для преподавателей, слушателей и курсантов образовательных учреждений системы МВД, а также практических работников органов внутренних дел.